



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ

МУНАВВАРА ҚУРБОНОВА

ЎЗБЕК БОЛАЛАР НУТҚИ
ЛЕКСИКАСИНИНГ
СОЦИОПСИХОЛИНГВИСТИК
ТАДҚИҚИ

(Монография)

ТОШКЕНТ – 2014

УЎК: 677.21:339.138

КБК 88.5

Қ-80

Қ-80

Курбонова М.А. Ўзбек болалар нутқи лексикасининг
социопсихоллингвистик тадқиқи. (монография ўзбек
тилида) – Т.: «Fan va texnologiya». 2014, 128 бет.

ISBN 978–9943–4492–8–2

Мазкур монографияда 9 ойдан 16 ёшгача бўлган ўзбек болалар нутқида ижтимоий-психологик омиллар таъсирида намоён бўладиган лексик-семантик хусусиятлар талқин қилинади. Мактабгача ёшдаги болалар нутқи лексикасининг ижтимоий хосланиши ва ўқувчилар томонидан хорижий тил луғат тизимининг ўзлаштирилиши жараёнига оид социопсихоллингвистик муаммолар тадқиқ этилади. Болалар коммуникатив фаолиятида кузатиладиган номинация типлари аниқланади. Улар перцептив луғатининг такомиллашувида диалогик мулоқотнинг аҳамияти ёритилади. Ўсмирлар нутқида хос социолект элементларининг кичик ёшдаги болалар лексиконига таъсири билан боғлиқ масалалар таҳлил қилинади. Тадқиқот натижаларидан онтолингвистика, антрополингвистика, социоллингвистика, психоллингвистика курслари бўйича ўқув қўлланма ва дарсликлар ёзиш, ота-оналар ҳамда педагоглар учун болалар луғат захирасини янги лексик birlikлар билан бойитиш орқали уларнинг нутқини ривожлантиришга доир амалий тавсиялар ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Масъул муҳаррир:

Х. Дадабоев – филология фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

С. Мухамедова – филология фанлари доктори, профессор;

М. Сапарниёзова – филология фанлари номзоди, доцент;

Д. Худойберганова – филология фанлари номзоди.

*Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети илмий
Кенгаши йиғилишининг 2014-йилдаги 19-июнь 16-сонли баёнига мувофиқ
нашрга тавсия этилган.*

ISBN 978–9943–4492–8–2

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2014.

ТДПУ, 2014.

К И Р И Ш

Мактабгача ёшдаги болалар ва ўқувчилар нутқий мулоқотига оид социопсихоллингвистик хусусиятлар тадқиқи таълим-тарбия жараёни билан бевосита боғлиқ бўлиб, истиқлол йилларида юртбошимиз И.Каримовнинг ташаббуслари билан мазкур масалага катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг баркамол авлод тарбияси билан боғлиқ масалалар таҳлилига бағишланган асарларида ушбу масалага алоҳида урғу берилган: «Келажакда Ўзбекистон юксак даражада тараққий этган иқтисоди билангина эмас, балки билимдон, маънавий жиҳатдан етук фарзандлари билан ҳам жаҳонни қойил қилиши лозим»¹.

Демак, боланинг таълим-тарбияси ва когнитив тараққиёти билан боғлиқ хусусиятлар, энг аввало, унинг нутқий хулқида ўз ифодасини топади. Тилшуносликда мактабгача ёшдаги ўзбек болалар нутқининг онтогенетик хусусиятлари юзасидан олиб борилган дастлабки тадқиқотларда фонетик-фонологик ҳамда морфологик-синтактик қарашлар асосий ўринни эгаллайди. Нутқнинг шаклланиши ва ривожланишига оид масалаларни босқичма-босқич тадқиқ этишда бола томонидан сўз семантикасининг талқин қилиниши, бу жараённинг ижтимоий муҳит ва индивидуал-психологик ҳолатга боғлиқ эканини ҳам алоҳида эътиборга олиш зарур. Ўзбек болалар нутқи лексикасига доир масалаларга ойдинлик киритиш тил ва нутқ муносабати, тафаккур ва нутқ муносабати, нутқий фаолият назарияси каби психоллингвистик ҳамда социоллингвистик муаммолар талқинида муҳим ўрин тутаяди. Бу эса ўз навбатида тилнинг ички имкониятларини янада аниқлаштириш учун хизмат қилади. Чунки тилнинг асосий қурилиш материали сўздир.

Болалар нутқини ҳар томонлама ўрганиш орқали унинг моҳиятини очиб беришга хизмат қилувчи онтолингвистика (болалар нутқини комплекс ҳолда тадқиқ этувчи йўналиш)²

¹ Каримов И. Баркамол авлод орзуси. - Тошкент: Шарк, 1999. - Б. 92.

² Қаранг: Гридина Т.А. Онтолингвистика. Язык в зеркале детской речи. - Санкт-Петербург: Флинта, 2006. - 152 с.

нисбатан ёш фан бўлишига қарамай, унинг илдизлари узоқ даврларга бориб тақалади. Сўнги йилларда онтолингвистика тобора мустақил илмий йўналиш мақомига эга бўлиб, мазкур соҳага оид тадқиқот муаммоларининг кўлами кенгайиб, чуқурлашиб бормоқда. Чунки инсоннинг қай тарзда сўзлаши, унда нутқнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши жараёни билан боғлиқ масалалар тадқиқотчиларни аввалдан қизиқтириб келган. Бунга ўзаро алоқада бўлиб, бир-бирини тўлдириб келаётган қатор мактаб ва йўналишларда ижод қилган айрим олимларнинг фаолиятини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Болалар нутқига оид дастлабки қарашлар Германияда Д.Тидеман томонидан амалга оширилган тадқиқотда ўз аксини топган¹.

А.К.Шаяхметованинг мазкур йўналишга доир мақоласи²да дунё тилшунослигида кенг тарқалиб, онтолингвистиканинг фан сифатида шаклланишига сабаб бўлган бир қатор машҳур нашрлар алоҳида тилга олинади. Унинг маълумотига кўра файласуф, психолог ва тарихчи И.Тэннинг 1877 йилда «Mind» журналида чоп этилган мақолалари, Ч.Дарвин ҳамда М.Хемфрининг болалар мулоқот хулқини ақс эттирувчи мисоллар жамланган кундаликларидан парчалар, немис физиологи В.Прейернинг болалар нутқи таҳлилига оид қайдлари, П.Крузе томонидан 6 ёшли бола сўз захирасини ўрганиш асосида тўпланган муайян лексикостатистик маълумотлар ушбу йўналишнинг ривожланишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилган. Шунингдек, болалар нутқи А.Гарбинининг 1889 йилда итальян тили материали асосида нашр қилинган илмий ишида ҳам тадқиқ этилган.

XIX асрнинг биринчи ярмига келиб, болалар нутқига ҳос лингвистик материалларни тадқиқ этишга жиддий эътибор қаратила бошланди. В.Штерн ва К.Штерн ҳаммуаллифлигида Германияда чоп этилган монографик тадқиқот³ шулар жумласидандир. Ушбу монография икки тадқиқотчининг фарзандлари Гильда ва Гюнтер нутқининг кундаликка туширилган қайдларига асосланган. Ўз фарзандлари нутқини қоғозга туширган В.Леопольднинг 4 жилддан иборат болалар нутқининг кенг таҳлилини ўз ичига олган асари, шунингдек,

¹ Қаранг: Лурья А.Р. Мышление и речь. - М.: МГУ, 1970. - С. 93.

² Қаранг: Шаяхметова А.К. Онтолингвистика: прошлое и настоящее // Қазақ тілі ғасырлар тоғысында: теориясы, тарихы және қазіргі жайы. - Алматы: Арыс, 2007. - С. 510.

³ Stern W. und Stern K. Die Kindersprache. 4-te Aufl.: Leipzig, 1928. - S. 3-24.

унинг кизи Гильдегард нуткининг тўлик қайдлари билингвал (француз-немис, немис-инглиз икки тиллиги) болалар нуткига оид муаммолар тадқиқига бағишланган¹.

А.К.Шаяхметова ўз тадқиқотида болалар нуткининг рус тилшунослигида ўрганилиш тарихига алоҳида тўхталади. Унинг таъкидлашича, Россияда дастлабки лингвистик нашрлар XIX аср охирида Варшавада чоп этилган «Русский филологический вестник» журналида эълон қилинган².

В.П.Вахтёров Россияда биринчи бўлиб, ўз кизининг нутқини унинг гўдаклигидан 12 ёшигача бўлган давридаги кузатишларига асосланган кўп йиллик тадқиқотлари ёрдамида нутқнинг ривожланиш қонуниятларини аниқлашга ҳаракат қилган. У асос солган анъаналар XX асрда психология йўналиши бўйича фаолият олиб борган олимлар томонидан давом эттирилган³.

Сўз-ижод жараёнини ўрганаётган тадқиқотчиларнинг қатор илмий ишлари учун болаларнинг оғзаки ижоди, улар нутқининг эмоционаллиги ва ўзига хослиги асос бўлган. П.А.Флоренский, В.Т.Кудрявцев каби тилшунослар ўзгача «нутқий ижод» терминини таклиф қилиб, уни нисбатан аниқ ва асосли деб ҳисоблаганлар⁴. Онтолингвистикада К.И.Чуковскийнинг асарлари алоҳида ўрин тутди. Болалар нутқини рус тили материалида ўрганиш бевосита унинг номи билан боғлиқ бўлиб, ёзувчининг турли мамлакатларда бир неча марта набиралари нутқига оид мисоллар асосида қайта нашр этилган китоби⁵га ҳозирга қадар эҳтиёж каттадир. Рус тилшунослигида кўплаб болалар сўз-ижодининг намуналарини ўз ичига олган бу китоб ўта ноёб асар сифатида қадрланади. Айниқса, ёзувчи томонидан асарнинг «Сўз боши»сида келтирилган қуйидаги фикрлар тилшунослиқда алоҳида диққатга сазовордир: «Атрофимда ўйнаб юрган болаларнинг жаранглаган товушлари тинимсиз қулоғимга эшитилиб турарди. Авваллари, болаларнинг бундай ширин сўзларидан фақат завқланардим, холос. Кейинчалик эса унинг ширинлиги билан бирга, катта илмий аҳамияти борлигига ҳам ишонч ҳосил қилдим. Чунки болалар нутқи устида илмий-

¹ Elliot A.G. Кўрсатилган манба. - P. 174-175.

² Шаяхметова А.К. Кўрсатилган мақола. - С. 511.

³ Вахтёров В.П. Избранные педагогические сочинения. - М.: Педагогика, 1987. - 400 с.

⁴ Шаяхметова А.К. Кўрсатилган мақола. - С. 511.

⁵ Чуковский К.И. От двух до пяти. - М.: Просвещение, 1990. - 654 с.

тадқиқот иши олиб борсак, биз уларнинг ажойиб фикрлаш қонуниятларини ҳам очишимиз мумкин, деган хулосага келдим»¹.

Ҳақиқатан ҳам болалар нутқининг ривожланишида нафақат тил қонунлари, балки оғзаки нутққа хос хусусиятлар, тафаккурнинг ривожланиш қонуниятлари, атроф-муҳит билан танишиш жараёнида ҳосил қилинган тасаввурлар ҳам муҳим ўрин тутади. Шу жиҳатдан психолингвистика мустақил фан сифатида шаклланишидан сўнг бу йуналишга бўлган эътибор тобора ортиб бори.

Болалар нутқи тадқиқи машҳур тилшунос А.Н.Гвоздев асарларида асосий ўринни эгаллайди. Олимнинг болалар нутқи лексикаси хусусидаги мулоҳазалари етти йил давомида ўғли Ж.Гвоздев нутқини узлуксиз кузатишлари қайд этилган кундалиқларга асосланган². Бу ҳақдаги маълумотлар олимнинг болалар нутқи масалаларига оид фундаментал тадқиқотларида жамланган³. Унинг тадқиқотларида тил лексикасини ўзлаштириш қонуниятлари асослаб берилган. Мазкур қонуниятлар болада нутқий мулоқотга бўлган эҳтиёжнинг даражасини аниқлашга ёрдам беради. Бунда ўзлаштирилаётган лексика ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатдан эътиборга молик.

А.Н.Гвоздев тадқиқотларида келтирилган далиллар систем-семантик нуқтаи назардан таҳлил қилинган. Муаллифнинг фикрича⁴, бола сўзнинг аниқ маъносини эмас, балки лексема-нинг семантик тизимини ўзлаштиради.

Л.И.Баранникованинг таъкидлашича, А.Н.Гвоздев, Л.С.Виготский, Л.Н.Леонтьев каби олимларнинг фикрлаш ва нутқий фаолият билан боғлиқ масалаларга бағишланган ишлари болалар нутқини ҳар томонлама ўрганиш муҳим эканлигини янада ойдинлаштирди. Унинг фикрича, рус олимлари томонидан болалар нутқини ўрганишнинг мазмуний жиҳатига қизиқиш кучайиб бориши натижасида онтолингвистикага оид масалаларга нисбатан қуйидагича ёндашилган⁵: сўзлар семантикаси, кўп маъноли сўзларнинг моҳиятини мунтазам равишда

¹ Қаранг: Содикова М. Ўзи ҳам ширин, сўзи ҳам ширин. - Тошкент: Ёш Гвардия, 1972. - Б. 4.

² Гвоздев А.Н. Развитие словарного запаса в первые годы жизни ребенка. - Саратов: Саратовский университет, 1990. - С. 17-94.

³ Гвоздев А.Н. Вопросы изучения детской речи. - М.: Акад. пед. наук. РСФСР, 1961. - 461 с.

⁴ Гвоздев А. Н. От первых слов до первого класса. - Саратов: Саратовский университет, 1981. - 323 с.

⁵ Қаранг: Гвоздев А.Н. Развитие словарного запаса в первые годы жизни ребенка. - Саратов: Саратовский университет, 1990. - С. 3-4.

ўзлаштириш ва сўзларнинг турли хил семантик-грамматик гуруҳлари.

Тарихда таниқли олимлар Ж.Пиаже ва Л.С.Виготский асарлари¹да гўдакнинг эгоцентрик нутқи, ички нутқи, мактабгача ёшдаги болалар нутқининг ривожланиш даврлари, уларнинг мулоқот хулқига хос стимуллар ва бунда тараққиётнинг психологик жиҳатлари чуқур таҳлил қилинган. XX асрда психология йўналиши бўйича фаолият кўрсатган баъзи олимлар болалар нутқини ўрганишда тажрибавий тадқиқотлар натижасида олинган маълумотлардан кенг фойдаланганлар².

Демак, мазкур даврда рус тилшунослари томонидан болалар сўз-ижодининг лингвистик жиҳатларига эмас, балки психологик хусусиятларига жиддий эътибор қаратилган. Масалан, XX асрнинг иккинчи ярмида тилшуносликда мактабгача ёшдаги болалар нутқини ўрганган А.А.Леонтьев ва А.М.Шахнаровичнинг тадқиқотлари, Е.И.Негневичская сингари олимларнинг илмий ишлари юзага келди³. Чунки сўз-ижод жараёнини тадқиқ қилишда ушбу ҳолатнинг бола лисоний қобилияти ривожланишига таъсирини алоҳида эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир.

XX асрнинг ўрталарида рус тилшунослигида ўқувчилар нутқи тадқиқига оид қатор асарлар чоп этилди. Хусусан, Н.И.Жинкин томонидан амалга оширилган ўқувчиларнинг ёзма нутқини ривожлантиришга доир тадқиқотлар психолингвистика фанининг тараққий этишида катта аҳамиятга эга бўлди. Чунки муаллиф нафақат ўқувчилар нутқида ифодаланган матнларнинг психологик таҳлил услуби, балки уларнинг болалар томонидан тузилиш механизмлари услубини ҳам ишлаб чиқди⁴.

Жаҳон тилшунослигида болалар нутқи хос ясама сўзлар ва уларнинг семантик структураси билан боғлиқ масалалар атрофлича ўрганилган. Бу хусусдаги мулоҳазалар Т.Г.Аркадьева, Н.М.Юрьева каби тадқиқотчиларнинг асарларида ўз ифодасини топган. Уларда сўз-ижод асосида юзага келувчи окказио-

¹ Қаранг: Пиаже Ж. Речь и мышление ребенка. - М.: Учпедгиз, 1932. - 167 с; Виготский Л.С. Мышление и речь. - М.-Л.: Просвещение, 1934. 262 с.

² Қаранг: Леушина А.М. Развитие связной речи у дошкольника // Ученые записки XXXV ЛГПИ. - Л., 1941. - С. 21-72.

³ Қаранг: Леонтьев А.А. Слово в речевой деятельности. - М.: Наука, 1965. - 240 с; Негневичская Е.И., Шахнарович А.М. Язык и дети. - М.: Наука, 1981. - 160 с.

⁴ Жинкин Н.И. Механизмы речи. - М.: Акад. пед. наук РСФСР, 1958. - 370 с.

нализмлар тахлилига махсус тўхталиб ўтилган. Бу борадаги тадқиқотларда эътироф этилишича¹, болалар нутқида қўлланган окказионализмлар меъёрий тилда мавжуд бўлмаган сўзлар йиғиндисини ташкил этиб, улар нутқини мазмунан тўлдириб борувчи элемент вазифасини ўтайди.

С.Н.Цейтлин бу масалага нисбатан тизимлилик нуқтаи назаридан ёндашади. Унинг таъкидлашича², болалар катталарнинг тўғри нутқини ўзлаштирган ҳолда муайян тил меъёрлари асосида сўзлаш билан бирга, нутқ меъёрларига зид бўлган сўз шакллари ҳам қўллайдилар. Бу ҳолатни болалар ва катталар нутқий фаолиятида тил тузилмасининг ўзаро мувофиқ келмаслиги билан изоҳлаш мумкин. Тил бирлиги катталар нутқидан болалар нутқига ўзлашиши учун унинг семантикаси болага тушунарли бўлиши, умумлаштирилган ва стандарт ҳолатда ифодаланиши, ҳар бир лексик birlik синтагматик қаторда алоҳида ажралиб туриши зарур. Бунда бола томонидан ўзлаштирилган янги луғавий birlik унга таниш бўлган лексемалар билан тизимли равишда боғланади. Шу асосда болалар нутқига хос инновациялар пайдо бўлади. Кейинчалик С.Н.Цейтлин ўқувчиларда кузатиладиган нутқий хатоларни тадқиқ қилиш асосида талабалар учун мўлжалланган болаларнинг рус тилини она тили сифатида ўзлаштириши жараёнига оид далиллар мажмуидан иборат ўқув қўлланмаси³ни нашр эттирди. Унда боланинг нутқни ўзлаштириши жараёнида юзага келувчи фонетик ҳодисалар, морфологик категориялар, синтактик қурилмалар, луғатни шакллантириш ва ёзма нутқ хусусиятларига катта эътибор қаратилган. Ўқувчилар нутқига оид орфографик хатоларнинг юзага келиши билан боғлиқ қонуниятлар изоҳланган. Асарда нутқнинг сифат даражаси, лисоний меъёр ва қоидаларни ўзлаштириш қонуниятлари батафсил ёритилган. Унда келтирилган барча мисоллар болаларнинг спонтан нутқидан олинган.

¹ Каранг: Аркадьева Т. Г. Семантико-ассоциативный компонент в значении окказионализмов детской речи / Детская речь: проблемы и наблюдения. Сб. науч. трудов. - Л., 1989. - С. 55-63. Юрьева Н.М. Семантические дефиниции производных слов как феномен речевой объективации языкового сознания ребенка. <http://www.ling.spb.ru/grammatikon/child/content.html> - 31.05.2004.

² Цейтлин С.Н. Инновации как продукт речевой деятельности ребенка / Детская речь: проблемы и наблюдения. Сб. науч. трудов - Л., 1989. - С. 64.

³ Цейтлин С.Н. Язык и ребенок: Лингвистика детской речи. - М.: ВЛАДОС, 2000. - 240 с.

Умуман, Петербург онтолингвистика мактаби конструктив ёндашув, гўдак нутқининг ривожланишини унинг буюмлар билан боғлиқ амалий фаолиятини ҳисобга олган ҳолда тадқиқ қилиш каби назарий кўрсатмаларининг умумийлиги билан яхлитлик касб этган ва бола нутқининг ривожланиши мазкур мактаб вакиллари томонидан когнитив фаолият билан узвий боғлиқликда талқин қилинган.

Бу борадаги илмий қарашлар ва амалий кузатувлар жараёнида эришилган натижалар таҳлили болалар нутқига хос сўзнинг номлаш функцияси асосларини ёритишда муҳим аҳамиятга эгадир. О.О.Рулёва томонидан амалга оширилган тадқиқот¹да нарса-буюм ва унинг номини ифода этувчи тушунча ўртасидаги муносабат масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Тадқиқот болалар нутқининг асосий назарий масалалари билан боғлиқ ҳолда амалга оширилган. Унда назарий асос (тил пайдо бўлишининг моногенетик назарияси) ва болалар нутқига оид тадқиқотларни бойитишга ҳисса қўшадиган тажриба усуллари кўрсатилган. Ишда бола номинацияси типологияси ҳам ўз ифодасини топган. Болаларнинг номлаш стратегияси тадқиқ этилган, болалар нутқига таъсир этувчи лисоний ва нолисоний омиллар таҳлил қилинган. Ушбу тадқиқот ишида француз, инглиз, украин, грек тилларида сўзлашувчи 3 ёшдан 6 ёшгача бўлган болалар нутқидаги номлаш актининг умумий стратегиялари ва номинациянинг универсал типлари ўрганилган.

Маълумки, нутқ маҳсули сифатида юзага келган атов бирликларининг аксариятини метафорик кўчимлар ташкил қилади. Тилшуносликда мактабгача ёшдаги болалар нутқида метафорик кўчимлар мавжудлигига турлича муносабат билдирилади. Тадқиқотчилар орасида метафорик кўчимларнинг онглилик даражаси, шу билан бирга, метафорик маънога эга бўлган бирликлар иштирок этган матнни тўғри идрок этиш масаласи ҳам мунозараларга сабаб бўлмоқда.

Мактабгача ёшдаги болалар спонтан нутқида онгли равишда ном кўчирилиши масаласи турлича ҳал этилади. Н.М.Юрьева ва А.М.Шахнаровичнинг тадқиқотларида қайд этилишича², бола

¹ Рулёва О.О. Номинативный аспект дитячого мовлення. Автореф. дисс ... канд. філол. наук. - Одеса, 2002. - С 16-19.

² Қаранг: Шахнарович А.М., Юрьева Н.М. Психолінгвістический анализ семантики и грамматики (на материале онтогенеза). - М.: Наука, 1990. - 166 с.

мактабгача ёш даврида метафорик кўчимларни спонтан ҳолатда қўллаш олмайди. В.К.Харченконинг қарашлари¹ юқоридаги фикрни тўлдиришга хизмат қилади. Унинг болалар спонтан нутқи намуналарига таяниб ўтказган тажрибалари шундан далолат берадики, гўдак метафорик кўчимни онгсиз равишда қўллаш билан бирга, ушбу нутқ усулига ўзи тушунгани ҳолда муружаат қилиши ҳам мумкин. Албатта, бу борадаги назарий хулосалар боланинг тасаввур доираси ва тафаккур тарзи, умуман, индивидуал-психологик хусусиятларига асосланиши лозим.

Н.Д.Арутюнова метафорик кўчимни уч қисмдан иборат тузилма сифатида эътироф этади: «А-О-Н, бунда А – асосий сўз, Н – натижавий сўз, О – А ва Н учун умумий бўлган орилик тушунча»².

Орилик тушунча кўп ҳолларда изоҳли луғатда келтирилган лексик маъноларнинг умумий компонентлари таркибидан осонлик билан ажралиб чиқмайди. Кўпинча бу ўринда аниқланиши мураккаб бўлган умумий ассоциациялар назарда тутилади. Чунки метафоранинг баъзи турлари мавҳум тушунчалар асосида юзага келади.

Мақтабгача ёшдаги бола метафорик кўчимни қўллаши жараёнида солиштирилаётган нарса-буюм ва ҳодисаларнинг нафақат аниқ, сезгилар орқали қабул қилинадиган белгилари, балки уларнинг ассоциатив ўхшашлигига ҳам асосланади. Бу ёшдаги бола нутқига хос ифодаларнинг эмоционал оҳанги, лексик бирлик маъноларининг контекстда алоҳида ажратиб кўрсатиладиган янги компонентлар билан бойиши унинг метафоралаш жараёнига онгли равишда ёндашувидан далолат беради. Маскур масала талқинига бағишланган тадқиқот³да нутқий ифоданинг маъноси ва тўлиқлигига таъсир кўрсатувчи экстралингвистик омиллар асосида болалар нутқига оид метафоранинг бир неча функцияси ҳақида сўз юритилади:

1. Номинатив функция. Ушбу функция гўдак фаол луғатида лексик воситалар етишмовчилиги билан боғлиқ ҳолда юзага келган номланишнинг мажбурий кўчирилиши бўлиб, бунда бола онгида воқеликдаги икки объект ўзаро қиёсланади. Улардан бири

¹ Харченко В.К. Переносные значения слова. - Воронеж: Воронежский университет, 1989. - С. 111-133

² Глушечкая Н.В. Функции метафоры в речи дошкольника.
<http://www.iling.spb.ru/grammatiken/child/contence.html> - 31.05.2004.

³ Глушечкая Н.В. Кўрсатилган мақола. - С. 47.

нисбатан таниш бўлса, иккинчиси бутунлай нотанишдир. Қиёслашда таниш объект хусусиятлари нотаниш объектни номлаш учун хизмат қилади.

2. Когнитив функция. Метафоранинг ушбу тури муайян белгига кўра ўхшаш бўлган нарса-ҳодисаларнинг номини ифодаловчи сўзлардаги ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Кўчимнинг мазкур турини қўллашда предикация (бир объектга хос белгиларнинг бошқа объектга кўчирилиши) ҳодисаси юз беради.

3. Экспрессив-стилистик функция. Бунда маъно кўчиши эмоционал баҳолаш элементи ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади. Гўдак нутқида ҳиссий-баҳолаш унсурунинг мавжудлигини аниқлаш учун баён қилинаётган фикр интонацияси ҳамда боланинг нутқий хулқига алоҳида эътибор қаратилиши зарур.

4. Эстетик функция. Бунда ҳар бир сўз алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, метафорик кўчиш функцияси топишмоқлар тузиш жараёнида яққол намоён бўлади.

Демак, онтолингвистикага доир айрим тадқиқотлар хронологик тартибда, баъзилари эса болалар нутқининг турли хил аспектларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилган. А.Н.Гвоздев, Р.О.Якобсон каби олимлар томонидан амалга оширилган дастлабки тадқиқотлар¹да болалар нутқи тадрижий равишда талкин қилинган. Бундай ёндашув тилнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳақидаги масалага ойдинлик киритиш ҳамда болалар нутқига хос умумий жиҳатларни ўрганишда муҳим ўрин тутади. Бироқ болалар нутқига оид аксарият муаммолар уларнинг индивидуал-психологик хусусиятларига боғлиқ ҳолда юзага келади. Шу жиҳатдан замонавий тадқиқотлар, хусусан, С.Н.Цейтлин, О.О.Рулёва сингари психоллингвистларнинг ишлари²да онтолингвистикага оид тадқиқот йўналишлари аниқ белгиланган. Биз ҳам ҳозирги кун учун долзарб бўлган масала, яъни болалар нутқининг специфик хусусиятларини

¹ Гвоздев А.Н. Кўрсатилган манба. - 323 с; Якобсон Р.О. Звуковые законы детского языка и их место в общей фонологии // Избр. работы. - М., 1985. - С. 105-116.

² Цейтлин С.Н. Направления и аспекты изучения детской речи. <http://www.iling.spb.ru/grammatikon/child/contentence.html> - 31.05.2004. Рулёва О.О. Кўрсатилган автореферат. - С. 4-6.

замонавий ёндашув асосида талқин қилиш ўринли деб ҳисоблаймиз.

Туркийшуносликда онтолингвистикага доир тадқиқотлар ривожланган мамлакатлардаги каби тизимли ва кенг миқёсда амалга оширилмаган. Қозоқ тили материалида болалар нутқи синтаксисининг ривожланиши хусусидаги масалалар Т.Т.Аяпованинг номзодлик ва докторлик диссертацияларида қайд этилган. Уларда мактабгача ёшдаги болаларнинг феъл шакллари ўзлаштириши жараёни психоллингвистик жиҳатдан таҳлил қилинган. Г.Д.Алдабергенова томонидан амалга оширилган тадқиқотда эса билингвизмнинг бола шахси ривожига таъсири ўрганилган¹.

А.К.Шаяхметова қозоқ тилшунослигида мазкур масала тадқиқига бўлган эътиборнинг сабабини қуйидагича изоҳлайди: «Замонавий Қозоғистон турли этник гуруҳлар вакиллари яшайдиган давлатлардан бири бўлганлиги учун аҳоли орасидаги оммавий қозоқ-рус икки тиллилиги муҳитида лисоний вазиятнинг лингвистик омили сифатида рус тили устувор ҳисобланади. Қозоғистон шароитида қозоқ ва рус тилларининг биргаликда мавжудлиги болалар билингвизмининг пайдо бўлиши ва унинг янада ривожланишини тақозо этади. Бу шунчаки муайян шароитларнинг оқибати эмас, балки боланинг ижтимоийлашув жараёни билан боғлиқ ҳаётий зарурат натижасидир»².

Болалар билингвизми муаммолари тадқиқи нафақат тилшунослик, балки социология, психология, педагогика каби фанлар учун ҳам долзарб саналади. Қозоғистонда шўро даврида бир неча марта «Бала тили – бал» номли рисоланинг чоп этилганлиги юқоридаги фикрнинг исботидир. Рисолада болалар сўз-ижоди намуналари, у ёки бу ҳодиса, иборанинг гўдак томонидан ўзига хос тарзда тушунилишини акс эттирувчи бир қатор мисоллар келтирилган бўлиб, улар катталарда кулгу уйғотади³. Шунингдек, XX асрнинг 70-йилларида К.И.Чуковский ижодидан илҳомланиб ёзилган мактабгача ёшдаги болалар нутқи ва уни тарбиялаш ҳақидаги рисолада ҳам ўзбек

¹ Қаранг: Шаяхметова А.К. Онтолингвистика: прошлое и настоящее // Қазақ тілі ғасырлар тоғысында: теориясы, тарихы және қазіргі жайы. - Алматы: Арыс, 2007. - С. 513.

² Кўрсатилган мақола. - С. 514.

³ Кўрсатилган мақола. - С. 514.

болаларнинг спонтан нутқидан олинган кўплаб далиллар жамланган¹. Ушбу рисоаларнинг асосий мақсади тилшуносликка оид бўлмаса-да, улар ота-оналар, ўқитувчи ва тарбиячиларнинг эътиборини болалар нутқига жалб этиш орқали сўз қўллаш борасида маълумот тўплашга муайян даражада асос бўлган. Бу борада тўпланган далиллар ҳар бир миллатнинг ўзига хос хусусиятлари, менталитетини яққол акс эттиради. Мазкур масала хусусидаги қарашлар ўзбек тили материаллари асосида амалга оширилган тадқиқотлар²да ҳам ўз ифодасини топган. Уларда нутқнинг ёш, жинс ва ҳудудга кўра хосланиши, аёллар ва эркеклар нутқи ўртасидаги тафовутлар, кексалар ва ёшлар муносабати каби масалалар ёритилган. Бироқ бу тадқиқотларда болалар нутқига махсус тўхталинмаган.

Ўзбек тилшунослигида болалар нутқи масаласи XX асрнинг 80-90-йилларидан бошлаб алоҳида йўналиш сифатида ўрганилиб келинмоқда. Жумладан, О.Умархўжаева ҳамда М.Исмаиловнинг бу борадаги қатор мақолалари³ монолингвал ва билингвал ўзбек болалар нутқида кузатиладиган айрим фонетик ўзгаришлар ва грамматик хусусиятлар талқинига бағишланган. Ўзбек тилшунослигида мактабгача ёшдаги болаларнинг мулоқотга киришиш хусусиятлари муайян даражада ўрганилган бўлиб, ушбу мавзуга оид амалий кузатувлар ва назарий хулосалар Г.Искандарованинг қатор мақолалари⁴да ўз ифодасини топган. Уларда боланинг катталар ва тенгдошлари билан мулоқотга киришуви, бола идеолектининг шаклланиши, бола нутқининг ижтимоийлашуви каби масалалар 6 ойдан 4 ёшгача бўлган болалар нутқи мисолида ижтимоий-лисоний нуқтаи назардан таҳлил қилинган.

Н.С.Сайидираҳимова томонидан амалга оширилган мактабгача ёшдаги болалар нутқининг лингвистик хусусият-

¹ Содиқова М. Ўзи ҳам ширин, сўзи ҳам. - Тошкент: Ёш гвардия, 1972. - 38 б.

² Искандарова Ш.М. Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. - Самарканд, 1993. - 23 б; Мўминов С.М. Адресат фаолияти асосий босқичларнинг социопсихоллингвистик таҳлили // Илмий хабарлар. - Фарғона, 1996. - № 3. - Б. 36-38; Ўзбек мулоқот ҳулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари: Филол. фанлари д-ри ... дисс. - Тошкент, 2000. - Б. 22.

³ Қаранг: Умархўжаева О. Болалар нутқи ҳақида баъзи мулоҳазалар // Самду илмий ишлар тўплами. - Самарканд, 1982. - Б. 60; Исмаилов М.С. К проблеме экспериментального изучения раннего двуязычия // Принципы и методы социоллингвистических исследований. - М.: Наука, 1989. - С. 34-39.

⁴ Қаранг: Искандарова Г. Бола идиолекти / Магистратура талабаларининг илмий ишлари тўплами. - Тошкент, 2003. - Б. 217-218; Бола нутқининг ижтимоийлашув жараёни / Тилшунослиқнинг долзарб масалалари. - Тошкент, 2004. - Б. 44-46.

ларига оид тадқиқотлар¹да гўдак нутқининг шаклланиш ва ривожланиш давлари ажратилиб, онтогенезнинг филогенезни такрорламаслиги мисоллар ёрдамида асосланган. Уларда болалар нутқидаги гапнинг қурилиш ва ифода мақсадига кўра турлари, предикациянинг пайдо бўлиши масалаларига ойдинлик киритилган.

Тил луғат тизимининг ўзлаштирилиши лисоний қобилият ҳамда ижтимоий коммуникация жараёни билан бевосита боғлиқ бўлиб, нутқий фаолиятда кузатиладиган специфик хусусиятлар онтогенезнинг дастлабки босқичи (9 ой)дан етуклик даври (16 ёш)гача бўлган болалар ва ўсмирлар мулоқотида аниқ кўзга ташланади. Ўзбек болаларнинг сўз ўзлаштирилиши ва ундан фойдаланиши жараёнида кузатиладиган муаммоларнинг юзага келиш сабабларини белгилаш ҳамда уларни бартараф этишда лисоний ва нутқий вазиятнинг таъсирини алоҳида эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир. Чунки болалар нутқи лексикасига хос умумий хусусиятлар уларни қуршаб турган ижтимоий муҳитга боғлиқ ҳолда намоён бўлади, болаларнинг сўз қўллаши жараёнида юзага келувчи ўзига хос жиҳатлар эса уларнинг руҳий ҳолатини ўрганиш орқали аниқланади. Шу жиҳатдан мазкур тадқиқотда монолингвал ва билингвал ўзбек болалар нутқи лексикасини социолингвистик ҳамда психолингвистик аспектда тадқиқ этиш орқали функционал-семантик жиҳатдан муштарак ва ўзига хос хусусиятларни аниқлаш асосий мақсад қилиб қўйилди. Болалар нутқи лексикасини бундай ёндашувлар асосида таҳлил қилиш нафақат уларнинг мактабгача ёш даврида, балки ўсмирлик даврида кузатиладиган коммуникатив хусусиятларни тадқиқ қилишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

¹ Сайидираҳимова Н.С. Болалар нутқининг фонетик хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент, 2000. - № 2. - Б. 75-78; Болалар нутқининг тил онтогенезини ўрганишдаги аҳамияти // История, культура и экономика юга Киргизистана. Ош, 2000. - Т.2. - Б. 73-76; Болалар нутқининг тишуносликда ўрганилиш тарихи // Тил ва адабиёт таълими. - Тошкент, 2002. - № 4. - Б. 21-23; Мактабгача ёшдаги ўзбек болалар нутқининг лингвистик хусусиятлари: Филол. фанлари номзоди ... дисс. - Тошкент, 2004. - 126 б.

1-БОБ. БОЛА СЎЗ БОЙЛИГИНИНГ ОРТИБ БОРИШИДА МУЛОҚОТ МУҲИТИНИНГ ЎРНИ

1.1. Болалар нутқи лексикасининг ижтимоий хосланиши

Гўдак ижтимоий ҳаётга кириб келиши билан унинг нутқи ҳам ижтимоийлашиб боради. Чунки бола туғилганидан бошлаб муайян ижтимоий муҳит таъсирида тарбия топади. Турли мулоқот вазиятларида етакчи ўринни бола томонидан катталарнинг ақлий хусусият ва қизиқишларига бўлган тақлидий хатти-ҳаракатлар ташкил этади. Бунда сўз нутқий мулоқотнинг асосий воситаси сифатида хизмат қилади. Боланинг ижтимоий муҳитни билишга бўлган қизиқишларини қондириш унинг атроф-муҳит билан янада кенгрок танишишига имкон беради. Теварак-атроф билан танишув жараёнида бола ундаги нарса-буям номлари ва ҳаракат-ҳолатни ифодаловчи сўзларни ўзлаштириб боради. Бола томонидан нутқий функцияларнинг ўзлаштирилиши жараёни унинг мактабгача ёш даврида уч босқичда амалга ошади. Биринчи босқич (туғилганидан бошлаб 9 ойлик давригача)да гўдак атрофидаги катталарнинг нутқини тушунмайди ва ўзи ҳам сўзлай олмайди. Бироқ бу босқичда келажакда шаклланадиган нутқни ўзлаштиришга замин ҳозирланади. Тадқиқотларда мазкур давр новербал босқич деб аталади. Иккинчи босқич (9 ойдан 3 ёшгача) – нутқнинг шаклланиш босқичи саналади. Бу даврда бола катталар томонидан қўлланадиган оддий, содда шаклдаги нутқий қурилмаларни тушунишга ҳаракат қилади, ўзи ҳам дастлабки сўзларни талаффуз қила бошлайди. Учинчи босқич 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу босқичда бола кундалик ҳаётда фаол қўлланадиган нутқ бирликларини тўлиқ ўзлаштиради ва улардан атрофидагилар билан мулоқот жараёнида кенг фойдаланади. Бу босқич нутқий мулоқотнинг ривожланиш босқичи ҳисобланади¹.

¹ Петрова В.В., Годовикова Д.Б. Общение и речь: Развитие речи у детей в общении со взрослыми. - М.: Педагогика, 1985. - С. 9.

Методик адабиётларда берилган маълумотларга асосланиб шуни айтиш мумкинки, 1 ёшга етган боланинг талаффуз қиладиган сўзлари сони 10 тани ташкил этади. Мазкур ёш давридан бошлаб, унинг луғат захираси миқдор жихатдан жадаллик билан ортиб боради. Боланинг сўз ўзлаштиришида катталар нутқига тақлид қилиш ҳолати муҳим аҳамият касб этади¹.

Бола дастлаб нарса-буюм номларини билдирувчи сўзларни кўп ишлатса, кейинчалик иш-ҳаракатни ифодаловчи лексик бирликларни ҳам қўллай бошлайди. 2 ёшга тўлган боланинг сўз бойлиги 250-300 тага этади. Бола 3 ёшга қадам қўйиши билан унинг лексиконида нарса-буюм ва ҳаракатнинг белгисини билдирувчи сўзлар пайдо бўлади. Бу ёш давридаги болада катталар нутқини янада чуқур тушуниш имконияти вужудга келади, улар томонидан айtilган эртақ, ҳикоя, қўшиқ ва кичик шеърларни диққат билан тинглаш орқали янги сўзларни ўзлаштириб боради. Катталарга: бунинг номи нима? нима учун? нега шундай? қаерда? қаерга кетди? қаердан келди? нимадан ясалган? каби саволлар билан мурожаат қилади. Шу асосда 3 ёшга тўлган боланинг луғат бойлиги 1000 тадан 1200 тагача, 6 ёшли боланинг сўз бойлиги 3-3,500 тагача кўпайиб боради².

Демак, мактабгача ёш даврида боланинг сўз бойлиги жуда тез ортади. Бола лексиконининг бу тарзда бойиб бориши мактабда унинг тил қондаларини чуқур ўзлаштиришига асос бўлади.

Инсон бутун ҳаёти давомида тил бойликларини ўзлаштириш орқали нутқини такомиллаштириб боради. Онтогенез даври она тилининг луғат тизимига хос имкониятларни ўзлаштиришдаги асосий босқич сифатида эътироф этилса-да, лисоний бирликлар ҳар доим ҳам боланинг нутқида тил меъёрларига мувофиқ ҳолда ифодаланмайди. Айниқса, боланинг 9 ойдан 3 ёшгача бўлган даврида баъзи тушунчаларни ифодаловчи номинатив бирликлар мулоқот муҳити (ижтимоий шароитга кўра тилнинг мавжудлик шакллари ва услубларидан фойдаланиш)³га боғлиқ равишда унинг нутқида ўзига хос тарзда акс этади. Болалар вербал мулоқотининг шаклланишини бевосита кузатиш жараёнида

¹ Шодиева Қ. Нутқ ўстириш услубияти. - Тошкент: Ўқитувчи, 2002. - Б. 68.

² Шодиева Қ. Кўрсатилган манба. - Б. 69; Сайидираҳимова Н.С. Мактабгача ёшдаги ўзбек болалар нутқининг лингвистик хусусиятлари: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. - Тошкент, 2004. - Б. 7.

³ Каранг: Швейцер А.Д., Никольский Л.Б. Введение в социалингвистику. - М.: Высшая школа, 1978. - С. 91-93.

уларнинг нутқида акс этган бир қатор лексик воситалар юқоридаги фикрни тасдиқлайди. Масалан, *умма* сўзи аксарият болаларнинг нутқида «сув» маъносини англатади. Болалар нутқида бундай лексик бирликлар ижтимоий омиллар таъсирида пайдо бўлади. Яъни бунда нафақат боланинг рухий ҳолати билан боғлиқ ички омиллар, балки ташқи таъсир бирликлари (вазият, ҳолат, ижтимоий муҳит)¹ ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки юқоридаги каби луғавий бирликлар дастлаб бола билан мулоқотга киришаётган катталар томонидан фикрни тушунарли тарзда акс эттириш мақсадида қўлланади. Бола эса бундай нутқий ифодаларни катталардан эшитиб, қандай маъно англатишини хотирада сақлаб қолишга ҳаракат қилади ва мулоқот вазиятида улардан кенг фойдаланади. Масалан, Тошкент шаҳар шеvasида сўзлашувчи болалар томонидан тақинчоқлар ва заргарлик буюмларининг номини ифодалаш мақсадида *тақа* сўзи ишлатилса, *ах* сўзи шоколад, конфет, шакар, қанд сингари таъми ширин бўлган қандолат маҳсулотларига нисбатан қўлланади. Мазкур ёш давридаги болаларнинг луғат бойлиги кам бўлганлиги туфайли, юқоридаги сингари сўзлар уларнинг нутқида интеграл семага эга бўлади. Чунки болалар нутқида учрайдиган бу каби мисолларнинг аксарияти худудий ва ижтимоий белгилар асосида юзага келади. Машҳур олим В.М.Жирмунский бу ҳақда шундай деб ёзади: «Ҳар қандай тилда худудий диалектология мавжуд экан, унда ижтимоий диалектология ҳам бўлиши лозим»².

Шунга кўра, бу борадаги кузатув жараёнида тўпланган далилларни мактабгача ёшдаги ўзбек болалар нутқида хос лексик диалектизмлар сифатида талқин қилиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, карнай-сурнай овози Тошкент шаҳар шеvasида сўзлашувчи ўзбек болалар нутқида *гата-гата-гу* деб аталса, Сирдарё вилоятида яшовчи болалар томонидан ушбу тушунчани ифодалашда *вота-вота* сўзи истифода этилади. Аксинча, болалар нутқида оид айрим лексик диалектизмлар семантик жиҳатдан шевалараро фарқланади: *nana* сўзи Тошкент шаҳар шеvasида мулоқотга киришувчи болалар нутқида куш ва унинг турларини номлашга хизмат қилса, Андижон вилоятида яшовчи

¹ Қаранг: Мўминов С.М. Ўзбек мулоқот ҳулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари: Филол. фанлари д-ри ... дисс. автореф. - Тошкент, 2000. - Б. 8-9.

² Жирмунский В.М. Вопросы социальной лингвистики. - Л.: Наука, 1969. - С. 23.

болалар нутқида «иссиқ» маъносини англатади. Тошкент шаҳар шеvasида сўзлашувчи болалар нутқида эса «иссиқ» тушунчаси *жиз* сўзи орқали ифодаланади.

Баъзан болалар нутқида бундай семантик фарқланишлар бир лаҳжа ёки муайян шева доирасида ҳам кузатилади: Тошкент шаҳрида яшовчи болалар нутқида учрайдиган санъат соҳасига доир *найрум* сўзи «қўшиқ», «муסיқа», «рақс» каби маъноларни акс эттиради. Бу ҳолат боланинг онгида бир семантик майдонга хос бўлган семемаларни туташтирувчи маънонинг оҳанг тушунчаси асосида шаклланганлигини аниқлашга ёрдам беради. Тошкент шаҳар шеvasида сўзлашувчи болалар нутқида хос бундай нутқий бирликларни лексик-семантик хусусиятларига кўра тўрт гуруҳга ажратиш мумкин:

I. Нарса-буюм ва шахс номини билдирувчи сўзлар: *нинни* – чақалоқ, *гол* – тўп, *хая* – кийим, *попоқ* – оёқ кийим, *аяя* – уят, *вава* – яра (тананинг шикастланган қисми), *ашиша* – овқат, *нанна* – нон.

II. Иш-ҳаракатнинг номини билдирувчи сўзлар: *уппа* – кўтармоқ, *бум* – йиқилмоқ, *атата* – урмоқ, *хам* – емоқ.

III. Нарса-буюмнинг белгисини билдирувчи сўзлар: *опоқ* – яхши, тоза, *бижи* – ёмон, кир.

IV. Имитация усули асосида ҳосил бўлган сўзлар: *чиқ-чиқ* – соат, *би-бип* – машина¹.

Мазкур лексик воситалар болалар мулоқотида хос шева унсурлари сифатида ишлатилса ҳам, улар муайян вақт давомида гўдакнинг фаол луғатидан ўрин эгаллайди. Тадқиқотимиз болалар нутқи лексикасига бағишланганлиги туфайли, биз юқорида уларнинг коммуникатив фаолиятида шевага хос сўзлар семантикасининг ифодаланиши билан боғлиқ масалаларга қисман тўхталдик.

Бундан англашиладики, ўзбек болалар нутқида оид лексик диалектизмларнинг семантик хусусиятлари монографик планда тадқиқ этилиши лозим бўлган муаммолардан ҳисобланади. Бола нутқий мулоқотининг ривожланиши ва тафаккурининг кенгайиб бориши натижасида унинг лексиконида мавжуд бўлган

¹ Тадқиқотнинг I.1. бўлимида тахлил қилинган лексик диалектизмлар Тошкент шаҳрида яшовчи Наргис Арипова, Абдуазим Абдухалилов, Сирдарё вилоятида яшовчи Фарангиз Нейматжоновна, Гулноза Аҳмедова, Андижон вилоятида яшовчи Ферузобону Раҳимова, Адҳамжон Ўрмоновлар нутқи устида олиб борилган бевосита кузатувларга кўра қайд этилган.

юқоридаги каби ўзига хос ифода воситалари меъерий нутқ бирликлари билан алмашади. Бироқ боланинг ҳаётий тажрибаси етарли бўлмаганлиги учун у айрим сўзларнинг маъносини тез ўйлаштира олмайди. Бу жараён узок давом этиб, мактабгача ёш даврини қамраб олади.

Албатта, барча тенгқур болаларнинг сўз бойлиги бир хил кўрсаткични ташкил этмайди. Болалар нутқининг коммуникатив хусусиятларига оид тадқиқотда ушбу масалага қуйидагича ёндашилади: «Бола ақлий ва лисоний фаолиятининг ривожланишида ота-онанинг ёши ҳам катта аҳамиятга эга. Агар боланинг ота-онаси ёш жиҳатдан каттароқ бўлишса, яъни 35-40 ёш ёки ундан ҳам катта бўлса, улар фарзанди нутқи билан жиддий шуғулланади. Кузатишларга кўра, ота-онаси ёш жиҳатдан каттароқ бўлган болалар эртароқ гапира бошлайди, уларга қаратилган нутқни тез илғаб, тушуниб оладилар. Бундай болалар нутқида катта ёшдаги одамлар нутқига хос хусусиятлар кузатилади»¹.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мактабгача ёшдаги бола сўз захирасининг миқдори кўп жиҳатдан у тарбияланаётган оиланинг маданий савияси билан ҳам бевосита боғлиқ. Чунки баъзи оилаларда боланинг нутқини ривожлантириш ва сўз бойлигини ошириш билан мунтазам равишда шуғулланилса, айрим оилаларда масалага етарли даражада эътибор берилмайди. Бу эса болада нутқий мулоқотга бўлган эҳтиёжни сусайтиради. Шу сабабли бола ўз фикрларини ифодалашда кўпроқ новербал мулоқот воситалари (мимика ва имо-ишоралар)дан фойдаланишга ҳаракат қилади. Нолисоний воситалар боланинг катталар ва тенгдошлари билан мулоқотга киришиши жараёнида коммуникация атрибути сифатида сўз маъносининг таъсирчанлигини таъминлайди.

Психологларнинг илмий ҳулосаларига кўра, адресат учун визуал (имо-ишора) реакция нутқий реакцияга қараганда, ўртача 170 м.сек. тез амалга ошади². Болалар томонидан семантик муносабатларнинг ифодаланишида улар учун нарса-буюмларни номлашдан кўра, ҳаракат орқали тушунтириш нисбатан қулай

¹ Искандарова Г. Бола нутқий фаолиятида ижтимоий муҳитнинг аҳамияти / Ўзбек тилшунослиги масалалари: Илмий мақолалар тўплами. - Тошкент, ЎзМУ, 2003. - Б. 87.

² Вальшнер Я., Миксин Х. Невербальная коммуникация в диадах / Труды по психологии. - Тарту, 1974. - С. 121.

кечади. Натижада мактабгача ёшдаги тенгдош болалар сўз захираси ўртасида сезиларли тафовут кўзга ташланади. Биз бу борадаги тафовутнинг юзага келишида мулоқот муҳитининг аҳамиятини аниқлаш мақсадида 3-4 ёшли болалар нутқи устида тажриба ўтказдик.

Синов жараёнида нарса-буюмлар, ҳайвонлар, қушлар, паррандалар ҳамда хатти-ҳаракатлар тасвирланган суратлардан материал сифатида фойдаландик. Тажрибада Тошкент шаҳридаги 118-сон мактабгача таълим муассасасининг ўн тўрт нафар тарбияланувчиси иштирок этди. Синалувчилар билан савол-жавоб асосида индивидуал суҳбат ўтказилди. Тарқатма материаллар болаларга бирма-бир кўрсатилиб, улардан расмда акс этган тасвири нутқ орқали ифодалаш сўралди. Болаларнинг у ёки бу расмга қараб «Бу нима?», «Бола нима қилмоқда?» каби саволларга берган жавобларини қуйидагича умумлаштириш мумкин:

1. Бола мазкур ёш даврида ўзини ўраб турган теварак-атроф, ундаги ҳодисалар билан нисбатан таниш бўлади. Чунки боланинг кундалик ҳаётида фаол ифодаланувчи сўзлар мунтазам равишда фойдаланиладиган нарса-буюм, хатти-ҳаракатларни номлаш вазифасини бажаради. Тажриба иштирокчилари «мушук, кучук, от, шкаф, телевизор, чойнак, қошиқ, ёмоқ, ичмоқ, ўйнамоқ» каби нарса-буюмлар, ҳайвонлар ва ҳаракатлар тасвирини нутқ орқали ифодалашда саволларга қийналмай жавоб беришди. Бу жавоблар болаларнинг ўзига хос товуш ифодаси ва оҳанги орқали ажралиб туради. Масалан, Малика Умарова сурат орқали икки боланинг ўйинчоқ (машина) ўйнаётганини кўриб, *Лего ўйнавомти*, – деб жавоб берди. «лего қандай ўйин?» – деб сўралганда, у: *Ундан мошинала ясалади*, – деди. Бола ўзи шу ўйинни ўйнагани учун ҳам бу тасвир унда шунга хос ассоциатив мазмун касб этган эди.

2. Бола 3-4 ёшида бизни ўраб турган теварак-атрофдаги барча нарса- ҳодисалар билан тўлиқ таниш бўлмайди. Шунинг учун ҳам тажриба ўтказилаётган гуруҳ тарбияланувчилари кундалик ҳаёт тарзида кам учрайдиган нарса-буюм, хатти-ҳаракатларни номлашда ўзига хос психолингвистик характердан келиб чиққанлар. Масалан, кўғирчоқ тасвирланган расмга қараб, Эркин Ислотов *масҳалавос* (масҳарабоз), Сирожиддин Эркинов эса *ўйинчо* деб жавоб берди. Ўғил болалар, одатда, кўғирчоқ

Уйнамаганлиги учун ҳам улар томонидан бу тасвир шу тарзда номланган.

Болалар нутки лексикасига хос социопсихолингвистик хусусиятлар синалувчилар томонидан муайян ҳайвон ёки куш номини ифодаловчи сўзларнинг ифодаланиши жараёнида яққол акс этди. Уларнинг айримлари қуйидаги жадвалда ўз ифодасини топган:

1.1. жадвал

№	Боланинг исми шарифи	йўл- барс	тулки	олма- хон	типра- тикан	қўзи- чоқ	лайлак
1.	Диёр Носиров	<i>шехон</i>	<i>кучук</i>	<i>тулки</i>	жавоб бермади	<i>Ба</i>	<i>қуш</i>
2.	Абдуғани Умаров	<i>мушу</i>	<i>бўли</i>	жавоб бер- мади	жавоб бермади	<i>қўзичо</i>	жавоб бермади
3.	Мафтуна Ҳабибул- лаева	<i>бўйи</i>	<i>бўли</i>	<i>бўли</i>	<i>типра- тикан</i>	<i>қўзичо</i>	<i>лайлай</i>
4.	Бекзод Турсунов	<i>шей</i>	<i>бўйи</i>	<i>бўли</i>	<i>типра- тикан</i>	<i>қўй</i>	<i>лайлай</i>
5.	Жавохир Самадов	<i>бўйи</i>	<i>қусу</i>	<i>тулки</i>	<i>типра- тикан</i>	<i>қўй</i>	жавоб бермади
6.	Малика Умарова	<i>шер</i>	<i>бўйи</i>	<i>қуён</i>	<i>тошбақа</i>	<i>қўзичо</i>	<i>лайлай</i>
7.	Худоёр Қосимов	<i>йўбарс</i>	<i>бўйи</i>	<i>олма- хон</i>	<i>типра- тикан</i>	<i>ҳайкал</i>	<i>оққуш</i>
8.	Убайдулла Ҳабибул- лаев	<i>шей</i>	<i>тулки</i>	<i>қуён</i>	жавоб бермади	<i>маа дийди</i>	жавоб бермади
9.	Мадина Тоирова	<i>шер</i>	<i>тулки</i>	<i>қуён</i>	<i>типра- тикан</i>	<i>қўзичо</i>	<i>қу-қу</i>
10.	Фуркат Шавкатов	<i>йўл- барс</i>	<i>тулки</i>	<i>олма- хон</i>	<i>типра- тикан</i>	<i>қўзичо</i>	<i>қарға</i>
11.	Ҳадича Эркинова	<i>шей</i>	<i>туки</i>	<i>қуён</i>	жавоб бермади	<i>қўзичо</i>	<i>қуш</i>
12.	Мирсаид	<i>шер</i>	<i>тулки</i>	<i>қуён</i>	<i>типра-</i>	<i>қўзичо</i>	<i>лайлай</i>

	Мирзоидов				<i>тикан</i>		
13.	Эркин Исломов	<i>кучу</i>	<i>кучу</i>	<i>қуён</i>	жавоб бермади	<i>қўй</i>	жавоб бермади
14.	Сирожиддин Эркинов	<i>йўбас</i>	<i>бўйи</i>	<i>қуён</i>	жавоб бермади	<i>чўзичо</i>	<i>қуш</i>

Мисоллардан кўриниб турибдики, бола ўзи яхши таниш бўлмаган ҳайвонларни уларнинг ташқи кўриниши, ҳаракати, нимага ўхшаши ва қандай овоз чиқаришига асосланган ҳолда атайди. Бу ҳолатнинг юзага келиши бола томонидан кўрилган мультфильм ва кинофильмлар, эшитилган эртақ-ҳикоялар асосида тасаввурларнинг ҳосил бўлиши ва уларнинг ассоциатив мазмуни билан боғлиқ.

3. Тажриба натижаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, айрим болаларнинг сўзлар воситасида фикрларини эркин ифодалашади лисоний тўсиқлар мавжуд. Бу лисоний тўсиқлар Эркин Исломов (3 ёш 10 ой), Убайдулла Ҳабибуллаев (4 ёш 2 ой), Хадича Эркинова (3 ёш 6 ой) ва Абдуғани Умаров (3 ёш 7 ой)нинг жавобларида юзага келган.

Тажриба иштирокчиларининг оилавий муҳити, мулоқотга киришишнинг рухий, нутқий тайёргарлик ҳолатини изчил текшириш орқали аниқланишича, бу болалар оилада тўнғич фарзанд бўлиб, улар билан мулоқотга киришувчилар сони бошқа болаларникига нисбатан анча кам. Болалар билан асосан уларнинг ота-онаси суҳбатлашади. Бу эса боғча тарбиячиларидан уларга нисбатан алоҳида эътибор билан муносабатда бўлишни талаб этади. Г.Искандарованинг қайд этишича, мактабгача таълим муассасасида тарбиячининг болага муносабатига кўра, унинг онгида «боғча – яхши» ёки «боғча – ёмон» тушунчалари шаклланади. Бола учун боғча муҳити оила муҳитидан кейинги иккинчи даражали муҳим шароит бўлиб, унинг ақлий ва жисмоний ривожланишида боғчадаги тўғри ва соғлом муҳит фойдадан ҳоли бўлмайди¹.

Албатта, ижтимоий ҳаётга энди кириб келаётган гўдак келажакда ўзининг мустақил ўрнини топиши, рухий кечинмаларини тўғри йўлга солиши, қолаверса, жамият учун фойда келтирадиган инсон бўлиб етишишида унинг лисоний

¹ Искандарова Г. Кўрсатилган мақола. - Б. 87.

ахлоқи катта аҳамиятга эга. Лисоний ахлоқнинг таркибий қисми сифатида намоён бўлувчи муомала маданияти, нутқ одоби, коммуникатив салоҳият ҳар бир инсоннинг мактабгача ёш даврида шаклланади ва ривожланади. Болаларнинг она тили лугат тизими имкониятларидан унумли фойдаланган ҳолда ўз фикрларини сўзлар воситасида эркин, раво ва силлиқ тарзда ифодалашларига эришишни таъминлаш ушбу тажрибавий кузатувнинг бош мақсадини белгилайди.

Катталар томонидан болани мулоқотга жалб этиш унда муомала маданиятини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Болага қаратилган нутқ унинг хулқ-атворини тартибга солиб турувчи, бажарадиган вазифаларини режалаштиришга ундовчи воситадир. Боланинг одоби дастлаб унинг тилида, тили орқали нутқий хулқида ўз аксини топади. Гўдаклик давридан бошлаб, одоб доирасидаги муомала маданиятини ўзлаштирган инсонга нутқий мулоқотни эгаллаган шахс сифатида қаралади. Сўзлашув одоби ўз табиати ва моҳиятига кўра ижтимоий ҳодиса ҳисобланади. Жамиятга хос қонуниятлар тарбия жараёнидаги муомала одобининг пойдеворидир. Муомала одоби жамият томонидан қабул қилинган маънавий, умумбашарий ва миллий ахлоқий қадриятларга асосланади.

Лингвистик коммуникация (нутқий мулоқот) жараёнида фикр шмашиш ҳодисаси ҳар бир инсонда, онгли мавжудотда асосан вербал усул билан, яъни сўз орқали амалга ошади. Шундай экан, ўз-ўзидан нутқий одат, нутқ маданияти, нутқий ахлоқ ёки нутқий хулқ, мулоқот хулқи, коммуникатив компетенция, коммуникатив салоҳият ҳамда лисоний кобилият тушунчаларига изоҳ бериш мақсадга мувофиқдир.

Машҳур олим С.И.Ожеговнинг фикрича, нутқий одат ва нутқ маданияти тушунчаларини бир-биридан фарқлаш зарур. Юқори нутқ маданиятига эришиш учун сўзловчида билим ва малакалар старли бўлиши билан бирга, ўз фикрини тил бирликлари ёрдамида тўғри, аниқ ва ифодали етказиб бера олиш маҳорати ҳам бўлиши лозим¹. Мулоқот хулқи ёки нутқий хулқ термини тиниқли ўзбек тилшуносларининг асарларида ҳам тилга олинади. Хусусан, С.Мўминов бу атамани халқаро терминга айланган «коммуникация» ва мулоқот шаклларининг бир узви сифатида

¹ Ожегов С.И. Лексикология. Лексикография. Культура речи. - М.: Высшая школа, 1974. - 287 с.

муомала тарзи, усули маъносиди қўллайди¹. Мулоқот адресант (сўзловчи, коммуникатор) ва адресат (тингловчи, коммуникант) ўртасида муайян жараёнга бевосита ёки билвосита таъсир натижасида юзага келувчи ҳодиса бўлиб, унда ўз фикрини тўғри ифодалаб етказиш маҳоратидан ташқари, кўзланган мақсадни амалга ошириш етакчи омил ҳисобланади. Бу ҳолатни бола нутқи мисолида тадқиқ этар эканмиз, катталар мулоқотидан фарқли ўлароқ ўзига хос хусусиятларни кузатамиз.

Маълумки, бола билан мулоқот жараёнида адресант аксарият ҳолларда сўроқ гаплардан фойдаланади. Чунки мулоқотга киришувчи шахс боланинг фикрини эркин ифодалашни учун ёрдам бериши, уни гапиртириши керак бўлади. Сухбат методи орқали 5-6 ёшли болаларнинг билимлари, воқеа-ҳодисалар ҳақидаги тасаввурларини аниқлаш, теварак-атрофдаги одамлар ҳамда турли нарсаларга бўлган муносабатларини ўрганиш мумкин. Айнан мулоқот чоғида бола барча ижтимоий билимларни катталар тажрибаси орқали ўзлаштириб боради. Бу бола лисоний қобилиятининг шаклланиши ва ривожланишига асос бўлади.

Социолингвистика ва психолингвистикага доир қатор тадқиқотларда қайд этилишича, коммуникатив компетенция ва лисоний салоҳият тушунчалари лисоний қобилият термини асосида шаклланади. Бу икки тушунчанинг ўзаро фарқли томонлари ҳақида Д.Хаймс шундай деб ёзади: «Лисоний салоҳият трансформацион грамматика назариясида марказий омил ҳисобланади, чунки бунда тил ташувчилари грамматикага оид билимларни тўлиқ ўзлаштирган бўлишлари керак. Коммуникатив салоҳият эса тил малакалари ва қоидаларини амалда қўллай олиш билан бирга, тил ташувчиларининг ижтимоий тажрибаларини ҳам қамраб олади»².

Коммуникатив компетенция – тилдан турли лисоний вазиятларда ва ижтимоий муҳитларда тўғри фойдалана олиш демакдир. Коммуникатив қобилият лисоний, шу билан бирга ижтимоий салоҳиятнинг муайян мулоқот муҳитида юзага келишини талаб этади. Бу ҳолат инсоннинг жамиятда ўз ўрнига

¹ Мўминов С.М. Ўзбек мулоқот ҳудудининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари: Филол. фанлари д-ри ... дисс. - Тошкент, 2000. - Б. 22.

² Hymes D. On communicative competence. in sociolinguistics (ed.J.B.Bride) - ind., 1972. - P.216.

иришувида мулоқотнинг нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Нутқий мулоқот назариясида коммуникатив компетенция муҳим марказий тушунчалардан бирига айланади. Коммуникатив қобилият мулоқот актининг ажралмас қисми экан, унга нутқий хулқ тушунчаси билан боғлиқ ҳолда ёндашиш нутқий мулоқот назарияси масалаларига аниқлик киритишга ёрдам беради. Шу мақсадда биз 5-6 ёшли болалар нутқи устида тажрибавий кузатув олиб бордик. Синов жараёнида шолғом ҳақидаги эртақ қаҳрамонлари тасвирланган суратлардан материал сифатида фойдаландик. Тажрибада Тошкент шаҳридаги 118-сон мактабгача таълим муассасасининг ўн нафар тирбияланувчиси иштирок этди. Болалар билан савол-жавоб усули асосида интерактив суҳбат ўтказилди.

Биз болалар билан мулоқот жараёнида уларнинг ўзига хос, бошқаларникига ўхшамайдиган жавоблари, мавҳум тушунчаларни изоҳлашлари, турли нутқий вазиятларда ўзларини тутишларига алоҳида эътибор қаратдик. Масалан, «Хасис одам қандай бўлади?» тарзида берилган саволга Олим Саидов *Пулга берилган бўлади*, – деб жавоб берди. Қолган барча болалар: *Ёмон одам*, – деб жавоб беришди.

Болаларнинг қайси эртақларни билишлари, уларни кимдан ишитганликлари ва қандай эртақ қаҳрамонларини ёқтиришлари, Ўзбек халқ мақоллари маъноларини тушунтиришлари, тез айтиш ва топишмоқларни билишлари билан қизиқдик. Бундан мақсад болани ўраб турган нутқий муҳит ва оилавий шароитда унинг мулоқот хулқига бўлган эътибор ҳамда лисоний қобилиятнинг қий даражада шаклланганлигини аниқлашдан иборат.

Болалар «Шолғом», «Зумрад ва Қиммат», «Олтин тарвуз» киби эртақларни билишлари, уларни асосан боғча тирбиячиларидан, шунингдек, телекўрсатувлар орқали кўриб, ишитганликларини айтдилар. Икки нафар боланинг бувиси ва бобоси тунги уйку олдидан эртақ айтиб бериши, уч нафар боланинг тез айтишларни билиши кузатилди. Жумладан, Ҳилолаҳон Эркинова *Фил фили олдида фантан* тарзидаги тез айтишни нутқда тўғри ифодалашга ҳаракат қилди. Муроджон (О)дилов нутқида тез айтиш куйидагича акс этди: *Оқ чойнега кўк чойне, кўк чойнега оқ қопқоқ*.

Кўринадик, бу ўринда тез айтиш бола томонидан бузиб ифодаланган. Аслида «Оқ чойнакка оқ қопқоқ, кўк чойнакка кўк қопқоқ» бўлиши лозим. Мухлиса Шопўлатованинг тез айтиш билан топишмоқни фарқламаслиги унинг берган жавобидан аниқланди: *Қат-қат қатлама, ақлинг бўлса ташлама.*

Болалар келтирган тез айтишлар уларнинг нутқини ривожлантиришга қаратилган бўлиб, бунда боланинг хотираси шаклланади. Талаффуз мослаштирилгани учун болалар томонидан айтилаётган мисоллар ўзига хос тарзда акс этади.

Болалардан мақоллар ва уларнинг маънолари ҳақида сўралганда, Хондамир Мирзиёдов «Олтин олма, дуо ол» мақолини куйидагича изохлади: *Дуо – яхши сўз, яхши одамла дуо қилади.*

«Меҳнат меҳнатнинг таги роҳат» мақолининг изоҳи сўралганда, Раҳима Қудратова *Меҳнат яхшилик, меҳнат қилса роҳат кўради*, – тарзида жавоб қайтарди.

«Меҳнаткаш кишилар қандай бўлади?» тарзидаги саволга болалар *яхши*, – деб жавоб беришди.

Бола тафаккурининг шаклланиш даврида икки муаммо: яхшилик ва ёмонлик ўртасида танлов жараёни кечади. Бола катталар ёрдамида улардан бирини танлайди. Катталар учун бу тушунчалар бир қарашда содда туюлади. Биз масалага психолингвистик нуқтан назардан ёндашар эканмиз, бу ҳолатни боланинг луғат захираси билан боғлаймиз. Чунки сўз бойлиги кам бўлган болаларда айнан шу ҳолат кузатилади:

– Дунёда қандай одамлар бор?

– *Яхши, ёмон.*

– Тўполончи бола қандай бўлади?

– *Ёмон.*

– Кишилар қандай бўлишлари керак?

– *Яхши.*

Тажриба жараёнида болалардан «Шолғом» эртаги қаҳрамонлари тасвирланган расмларга қараб, уни сўзлаб бериш сўралди. Чунки эртақ асосида савол-жавоб ўтказилганда бола ундаги қаҳрамонларнинг диалогларини хотирада сақлаб қолади. Бу эса китобда тасвирланган суратлар ёрдамида эртақ қаҳрамонларининг сўзларини қайта ҳикоя қилиб беришда қулайликларни юзага келтиради. Тингланган эртақ мазмунини

расмлар воситасида сўзлаб бериш бола монологик нутқининг ривожланиб боришига муайян даражада ёрдам беради. Бу борадаги амалий изланишлар жараёнида қуйидаги ҳолатлар кузатилди:

Фарзона Жабборова эртакни расмлар ёрдамида сўзлаб беришда ундаги вақеалар кетма-кетлигини тўғри, аниқ ифодалашга интилди. Лекин эртак сўнгида «Шолгом суғуриб олинади» мазмунидаги жумлани *Шолгом суғурилади* тарзида ифодалади. Нафосат Атаева ҳам Зумрад ва Қиммат ҳақидаги эртак воқеаларини кетма-кет, аниқ тушунтиришга бир оз қийналди, унинг нутқида *анақа* сўзи кўп такрорланди.

Тажриба давомида олти нафар тарбияланувчи, яъни Фарзона Жабборова (6 ёш), Раҳима Қудратова (5 ёшу 10 ой), Ҳилолахон Эркинова (5 ёшу 9 ой), Хондамир Мирзиёдов (6 ёшу 3 ой), Муроджон Одилов (6 ёш) ва Нафосат Атаева (6 ёш) нутқининг ривонлиги ва фаоллиги билан алоҳида ажралиб турди. Синов жараёнида улар билан алоҳида суҳбат ўтказилди. Бу болалар суҳбат чоғида «исминг нима?», «мактабга қачон борасан?», «келажакда ким бўлмоқчисан?» каби умумий саволларга ўзига хос тарзда жавоб беришди. Мулоқот жараёнида барча болалар ўз исмларини тўғри айтгани ҳолда, мактабга келаси кузда чиқишлари ҳақида шундай дейишди: *Мактабга тўртинчида бораман* (Фарзона Жабборова), «Тўртинчи нима?» – деб сўралганда, *Тўртинчи мартда бўса кере*, – деб жавоб берди. Туғилган куни сўралганда, у: *Туғилган куним ўтиб бўган, олти ёшимда*, – деди. Раҳима Қудратовадан онасининг иш жойи сўралганда, у: *Ишхонада*, – деди. Келажакда ким бўлиши сўралганда: *Банк директори*, – деб жавоб берди. Бунинг учун нима қилиш кераклиги сўралганда, *Яхши қиз бўлиб, яхши ўқиш кере*, – деди. Ҳилолахон Эркиновадан қачон мактабга бориши сўралганда, у: *Бу йил сентябрда, кевотган сентябрда*, – деб жавоб қайтарди. Келажакда ким бўлиши сўралганда, у: *Эндокринолог*, – деб жавоб қайтарди. Суҳбат давомида унинг онаси шу касб эгаси эканлиги маълум бўлди. Хондамир Мирзиёдов барча саволларга тўғри ва аниқ жавоб берди. Муроджон Одилов мактабга қишда чиқишини айтди. Нима учун қишда чиқиши сўралганда, у: *Қишда олтига тўламан-де!* – деб жавоб берди. Бу боланинг нутқида «оддий» сифати кўп учради.

Қуйида у билан бўлган диалогик суҳбатдан айрим намуналар келтирамиз:

– Катта бўлганингда кимга ўхшашни хоҳлайсан?

– *Ойимга.*

– Нима учун?

– *Ўзи.*

– Ойинг қандай одам?

– *Оддий.*

Кино, мультфильмлар кўрасанми?

– *Ҳа.*

– Унда нималар кўрсатилади?

– *Оддий одамла.*

– Оддий одамлар қандай бўлади?

– *Яхши, ёмон бўлиши мумкин.*

– Улар нима қилишади?

– *Ҳар хил ишла: машина сотиши мумкин, пул тарқатиши мумкин, скорий бўлиши мумкин, полиция бўлиши мумкин.*

– Боғчада ўртоқларинг билан қандай ўйинлар ўйнайсан?

– *Оддий: қўламачо, бекинмачо.*

– Катта бўлганингда ким бўлмоқчисан?

– *Скорий.*

– У нима қилади?

– *Одамлани текширади.*

Бу борада олиб борилган тажрибавий кузатув натижалари шуни кўрсатдики, бола 5 ёшдан 7 ёшгача бўлган даврда бирон-бир эртак ёки мақол юзасидан фикр юритишда дедуктив (фикрнинг умумийликдан хусусийликка йўналиши) ҳамда индуктив (фикрнинг хусусийликдан умумийликка йўналиши) усуллардан фойдаланади. Бунда бола асосан ижтимоий муҳитга хос хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда фикрлашга ҳаракат қилади.

Бу ёш даврига хос муҳим хусусиятлардан яна бири болада муайян даражада мавҳум фикрлаш қобилиятининг шаклланиши билан характерланади. Шунга қарамай, баъзан у мулоқотдошига ўз фикрларини нутқ орқали етказиб беришга анча қийналади. Бу ҳолат боланинг лисоний қобилияти муайян даражада шаклланиб бораётганлигини кўрсатади. Унинг турли нутқий вазиятларда ҳар

кил ифодаланиши табиий жараён хисобланади. Бунга бола билан мулоқотга киришувчиларнинг у тарбияланаётган социопсихологик шароит ҳақида тўлиқ тасаввурга эга эмаслиги ҳам сабаб бўлади.

Бир нутқий вазиятда юқори салоҳиятли бола бошқа вазиятда ўч лисоний қобилияти ҳамда нутқий хулқини тўлиқ намоён қилмаслиги мумкин. Бундай вазиятларда бола билан мулоқотга киришувчи шахс томонидан воқеликка нисбатан индивидуал ёндашилиши мақсадга мувофиқдир.

1.2. Боланинг сўз қўллаш жараёнида диглоссия ходисасининг намоён бўлиши

Ижтимоийлашув жараёнида боланинг она тилига оид нутқий меъёрларни ўзлаштириш кўникмаси сўзлашув услубига мосланган вербал мулоқот асосида шаклланади. Нутқий хулқ ва лисоний қобилиятнинг шаклланиши натижасида бола ақлан риножланиб, атроф-муҳитдаги воқеа-ходисаларнинг мазмун-моҳиятини билишга интилади. Болада нутқининг ривожланиши унинг руҳий жиҳатдан ҳам такомиллашувини таъминлашга кимат қилади. Бу эса ўз навбатида бола маънавий савияси ва интеллектуал салоҳиятининг ортиб боришига ёрдам беради. К.Д.Ушинскийнинг педагогикага оид тадқиқоти¹да болани она тилига хос сўзлар орқали тарбиялаш масаласига алоҳида урғу берилади. Олимнинг таъкидлашича, халққа хос хусусиятлар дилтаб она тилида ўз ифодасини топади. Боланинг шахсияти, билими, малакаси ва маънавий қиёфаси шу тил таъсирида шаклланади.

Албатта, бунда оиладаги мулоқот муҳити муҳим ўрин тутади. Шу жиҳатдан онтолингвистика доирасида илмий изланиш олиб борган аксарият олимлар томонидан амалга оширилган тадқиқотларда фарзандлари нутқи устида ўтказилган кузатув қимда тажриба натижаларининг таҳлили ўз аксини топади. Хусусан, беш нафар фарзанди нутқини мунтазам равишда кузатиб борган И.А.Бодуэн де Куртенэ қайдлари, болгар тилшуноси И.Георговнинг илмий ишларида болалар лисоний онининг ривожланиши ҳамда тилнинг болалар тафаккури ва

¹ Ушинский К.Д. Танланган асарлар. - Тошкент: Ўқувпедавнашр, 1959. - 398 б.

хулқига таъсири билан боғлиқ муаммолар айнан шу нуктаи назардан талқин қилинади. Де Мак-Карти эса болалар нутқини тадқиқ қилишда масалага комплекс ҳолда ёндашади. Унинг тадқиқотида болалар нутқининг лингвистик, ижтимоий ва шахсий жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилади. Америкалик тадқиқотчи Дорис Р.Энтвисл эса мактабгача ёшдаги болалар ва бошланғич синф ўқувчиларининг нутқига хос лексик-семантик ассоциацияларни социопсихологик муҳитнинг таъсирини ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилади¹.

Демак, она тилидаги вербал мулоқот боланинг нутқ меъёрларини ўзлаштиришида асосий восита вазифасини ўтайди. Н.С.Сайидираҳимованинг мактабгача ёшдаги ўзбек болалар нутқига хос лингвистик хусусиятлар талқинига бағишланган тадқиқотида бунинг сабаби шундай изоҳланади: «...Улар грамматик қоидаларни ўқиб, тушуниб ёдларида сақлаб қолмайдилар. Улар от, феъл, сифат, олмош, келишиқ каби грамматик категорияларнинг борлигини ҳам, улар нима эканлигини ҳам билмайдилар. Шу сабабли болалар грамматиканинг жуда кўп қўлланадиган, энг содда қоидаларини катталардан ўзлаштириб борадилар»².

Кичик ёшдаги болалар нутқини ўстиришга доир методик қўлланма³ да оила муҳити ҳамда таълим тарбия муассасаларида мулоқот жараёнини юзага келтириш мақсадида фойдаланиладиган усул ва воситаларнинг аҳамиятига алоҳида тўхталиб ўтилади. Унда таъкидланишича, мактабгача ёшдаги болалар ҳамда бошланғич синф ўқувчилари учун содда ва қизиқарли ўйинлар, ҳисоблашлар, тез айтишлар, шеърлар, эртаклар керак. Болалар учун нашр этиладиган китоблар атроф-муҳитни, ҳаётни билиш ва уни севишга ёрдам беради, мурғак қалбларнинг зеҳнини, онгини юксалтиради, турмушни содда ва ҳаққоний равишда тасвирлайди, болаларнинг луғат бойлигини оширади, нутқини ўстиради.

Маълумки, эртак сюжети катталар томонидан мактабгача ёшдаги болаларга 4 ёшгача бўлган даврда оғзаки тарзда баён

¹ Қаранг: Шаяхметова А.К. Онтолингвистика: прошлое и настоящее // Қазақ тілі ғасырлар тоғысында: теориясы, тарихы және қазіргі жайы. - Алматы: Арыс, 2007. - С. 510.

² Сайидираҳимова Н.С. Мактабгача ёшдаги ўзбек болалар нутқининг лингвистик хусусиятлари: Филол. фанлари номзоди ... дисс. - Тошкент, 2004. - Б. 75.

³ Asqarova M., Matchonov S. va b. Kichik yoshdagi bolalar nutqini o'stirish. - Toshkent: O'zbekiston, 2000. - B. 6.

тигилади. Бола 5 ёшга қадам қўйиши билан эртак матни унга китоблардан ҳам ўқиб эшиттирилади. Чунки болаларни мулоқотга жалб этишда фақат сўзлашув услубидан фойдаланишнинг ўзи етарли бўлмайди. Уларнинг бир-бирлари ва катталар билан мулоқотда бўлишлари, коммуникация жараёнида ўз фикрларини эркин, тушунарли баён қилишларини таъминлашда болалар бадий адабиёти асосий манба ҳисобланади. Катталар томонидан ҳикоя қилинган ва ўқиб берилган бадий асарларни идрок этиш орқали боланинг луғат захираси янада ортади. Шу билан бирга, аниқ, раво, қизиқарли услубда ёзилган асар боланинг руҳиятига ижобий таъсир кўрсатади ва унинг фикрини тараққийлаштириб, дунёқарашини кенгайтиради.

Болалар учун мўлжалланган кинофильм ва мультфильмлар, телекўрсатув ҳамда радиоэшиттиришларни тинглаш ёки томоша қилиш орқали ҳам уларнинг луғат захираси маълум даражада янги сўзлар билан бойиб боради. Кинофильм ва мультфильмлардан фойдаланишнинг афзаллик жиҳати шундаки, экран орқали бола она тилида сўзлаётган одамнинг нутқи, оҳанги, одати, маданияти, ўзини тутиши ва ҳис-туйғуларини сезгилар ёрдамида идрок этади. Радиоэшиттиришлар эса бола сўз бойлигини ошириш билан бирга, унга катталар томонидан ўқиб берилган китобларда учраган лексик бирликларнинг хотирада қийин тикланиши ва янада мустаҳкам сақланиб қолишини таъминлайди. Бироқ бола уларни тинглаш жараёнида эшитиш сезгиси орқали диглоссия (жамиятда мавжуд бўлган икки тил ёки тилнинг икки шаклидан фойдаланиш)¹ ҳодисасига дуч келади.

М.Т.Зокиров томонидан амалга оширилган тадқиқот² да мазкур ҳодисанинг моҳиятига алоҳида эътибор қаратилади. Унда таъкидланишича, бир тилнинг икки шакли тушунчаси остида тил илм шевадан фойдаланиш жараёни назарда тутилади.

Болалар нутқий фаолиятида диглоссия ҳодисасининг юзага келишига коммуникация жараёнига билвосита таъсир этувчи ташқи омиллар, хусусан, ҳозирги кунда телерадиоканалларда фаолият олиб бораётган айрим ёш журналистлар ва шу соҳа бўйича бўлажак мутахассислар томонидан нутқ маданиятига

¹ Қўриқ: Беликов В.И., Крысин Л.П. Социоллингвистика. - М.: РГГУ, 2001. - С. 55-59.

² Зокиров М.Т. Лингвистик интерференция ва унинг ўзбек-тожик билингвизмида намоён бўлиши: Филол. филология номзоди ... дисс. - Тошкент, 2007. - Б. 13.

нисбатан эътиборнинг сустиги ҳам сабаб бўлмоқда. Мазкур ҳолат журналистлар томонидан болалар учун тайёрланаётган кўрсатувларда ўз аксини топади. Болалар ҳам уларга тақлид қилган ҳолда адабий тил ва шевага хос луғавий бирликлардан аралаш ҳолда фойдаланишга одатланадилар.

Н.Маҳмудов бу хусусда қуйидагича мулоҳаза билдиради: «Тилнинг луғат бойлигини етарли даражада билмасдан туриб, маданий нутқ тузиш мумкин эмас. Сўзларнинг семантик структураси, ундаги тараққиёт, лексик системадаги сўзларнинг бир-бирига муносабати каби масалалардан бохабар бўлмасдан туриб, тилнинг беҳад бой сўз хазинасидан конкрет нутқ учун энг кераклисини танлаш мушкул. Бу хазинанинг ҳаётини лексикология ўрғанади. Нутқ маданияти сўзларни танлашда айна шу лексикологиянинг маълумотларига таянади»¹.

Болада адабий тил лексикасини ўзлаштириш кўникмасининг шаклланиши нафақат унинг когнитив фаолияти, балки хотираси билан ҳам бевосита боғлиқ жараёндир. Бола хотирасининг мустаҳкамланиши асосан шеър ёдлаш орқали амалга ошади. Бундан ташқари, шеърий асар композициясида жонли сўзлашув услубига хос хусусиятлар кам учрайди.

Албатта, 4-5 ёшгача бўлган болаларнинг нутқида шеър матнидаги адабий нутқ услубига оид айрим лексик бирликлар фонетик ўзгаришга учраган ҳолда ифодаланади. Бу борадаги камчиликларни бартараф этиш мақсадида нутқ ўстиришга доир методик қўлланма²да боланинг ота-онаси, мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари, умуман, унинг яқинлари томонидан қуйидаги усулларни амалда татбиқ қилиш тавсия этилади:

1. Сўзларни бўғин ва товуш томондан таҳлил қилиш.

2. Бўғинлардаги ҳарфларнинг товуш томондан тўғри талаффуз қилинишига эътибор бериш, яъни фонематик эшитишни ривожлантириш.

Болалар нутқи устида социолингвистик ва психолингвистик аспектда олиб борилган изланиш натижалари улар билан мулоқот жараёнида юқорида қайд этилган усулларни амалда қўллаш ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга эканлигини тасдиқлайди. Қуйида ушбу фикрнинг исботи сифатида айрим мисолларни келтираемиз:

¹ Маҳмудов Н. Нутқ маданияти ва бошқа фанлар // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент, 2007. - № 1. - Б. 10-11.

² Azaqrova M., Matchonov S. va b. Кўрсатилган манба. - В. 15.

Ҳилолахон Эркинова (3 ёшу 6 ой)нинг нутқида қорбобо ҳақидаги шеърин мисралар

**Қорбобожон, қорбобо,
Совгалари бор бобо...**

тарзида акс этади. Бу ўринда «совгалари» сўзининг бола томонидан ифодаланишида контакт метатеза ҳодисаси юз берган. Юқоридаги сингари фонетик ўзгаришларнинг кузатилиши бола нутқ аъзоларининг сўзларни тўғри талаффуз этишга тўла мослашмаганлигини кўрсатади. Баъзан бундай фонетик ҳодисалар катталарнинг болани «Тили ширин» деб эркалаб, мулоқот жараёнида ўз нутқларини унинг талаффузига мослаштирган ҳолда ифода этишлари туфайли ҳам юзага келиши мумкин.

Тадқиқотларда қайд этилишича¹, эркаловчи сўз инсон физиологиясига кучли ижобий таъсир кўрсатади. Эркаланаётган пайтда қон айланиши яхшиланади. Қондаги кислород миқдори 10-15% га ошиб, қон босими мўътадиллашади, нафас олиш енгиллашади. Бунда нафақат инсоннинг жисмоний, балки руҳий ҳолатида ҳам ўзгариш юз беради. Л.Ф.Островская мазкур масала хусусида куйидагиларни ёзади: «Кичкинтой яқинларининг эркалашларини ҳис этса, уларнинг жилмайишларини кўрса, мулойим овозларини, бир-бирларига ва унга хайрихоҳлик муносабатларини сезса, у ижобий эмоционал ҳисларни бошидан кечиради»². Шу асосда юзага келувчи психофизиологик ҳолатлар боланинг нутқий хулқида ҳам намоён бўлади.

Албатта, кичик ёшдаги болаларнинг тили катталар учун жуда ёқимли ва қизиқарли туюлади. Чунки кўп ҳолларда шеърин асар бола томонидан ижро этилганда, матндаги сўзларнинг баъзи товушлари унинг нутқида акс этмайди. Бу борадаги кузатувлар жараёнида Ҳожимурод Эркинов (3 ёшу 7 ой) ҳамда Салоҳиддин Асқаров (4 ёшу 2 ой)нинг нутқида шеър матни куйидагича ифодаланди:

**Қорбобом *оппо*,
Пешанаси *ялно*,**

¹ Қарянг Мўминов С.М. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-психологик хусусиятлари: Филол. фанлари д-ри дисс. - Тошкент, 2000. - Б. 113.

² Островская Л.Ф. Мактабгача ёшдаги болаларни ахлоқий тарбиялаш. - Тошкент: Ўқитувчи, 1989. - Б. 42.

**Ҳассаси узунчо,
Қопи тўла ўйинчо¹.**

Бундан англашиладики, болалар нутқида юқорида ажратиб кўрсатилган сўзлар охиридаги [-қ] товушининг тушириб қолдирилиши натижасида апокопа ҳодисаси юз берган. Болалар нутқида кузатилган ушбу фонетик ҳодиса Тошкент шаҳар шеvasига хос хусусият ҳисобланса-да, шеърий матнларнинг мазкур шевада сўзлашувчи катталар томонидан ифодаланишида бу каби ҳолатлар кузатилмайди. Гўдак эса мазкур ёш даврида адабий тил қоидаларини ўзлаштириш имкониятига эга бўлмаганлиги боис шеър матнига оид сўздаги товушларни шевага хос шаклда акс эттиради. Чунки кичик ёшдаги бола томонидан айрим сўзларнинг талаффузга кўра нотўғри ифодаланишида у билан муайян шевада мулоқотга киришувчи ота-оналар, атрофдаги кишилар, мактабгача таълим муассасасида эса тарбиячиларнинг таъсири каттадир. Мактабгача ёш давридаги болалар луғат захирасига оид маҳаллий шева элементларига эътибор бермаслик келажакда уларнинг лисоний билимларни ўзлаштиришига салбий таъсир кўрсатади.

М.Р.Львов томонидан қайд этилган лингвостатистик маълумотга кўра², 7 ёшли мактаб ўқувчисининг сўз захираси 3000 тадан 7000 тагача лексик бирликни ўзида мужассамлаштиради. Бошланғич синфни тугатган 10 ёшли бола луғат бойлигининг миқдор кўрсаткичи 7000 тадан 12000 тагача сўзни ташкил қилади. 9-синфни тугатган 15-16 ёшли боланинг лексикони 25000 тадан 60000 тагача бўлган сўзни қамраб олади.

Методик адабиётларда таъкидланганидек³, ўқувчилар сўз бойлигини оширишнинг амалий мақсадини илмий асосда тузиш ўзбек тилидаги сўзларнинг қўлланиш даражасига кўра фарқлаш, бунинг сабабларини тушуниб етиш ва амалиётни илмий асосларга бўйсундиришни тақозо қилади. Бу жиҳатдан ўзбек тили луғат бойлиги икки катта гуруҳга ажратилади:

¹ Тадқиқотнинг 1.2. бўлимида таҳлил қилинган шеър матнига оид материаллар Тошкент шаҳридаги 118-464-сон мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари нутқи устида олиб борилган бевосита кузатувларга кўра қайд этилган.

² Львов М.Р. Характеристика словаря учащихся / Развитие речи младших школьников: Сборник научных трудов. - М., 1983. - С. 4.

³ Нейматов Х.Ф., Гуломов А.К., Зиёдова Т.У. Ўқувчилар сўз бойлигини ошириш. - Тошкент: Китеб-журнал фабрикаси, 1995. - Б.3.

1. Қўлланилиш доираси кенг, чегараланмаган, фаол сўзлар /кенг истеъмолдаги сўзлар/.

2. Қўлланилиш доираси чегараланган, маъноси хусусийлик ва ишчиликларга эга бўлган сўзлар /тор истеъмолли сўзлар/.

Фаол сўзлар кундалик ҳаётдаги муомала-муносабатда ўқувчилар нутқида тез-тез ишлатиладиган лексик бирликлардир. Уларнинг асосий қисми умумхалқ тилида кенг қўлланади. Тор истеъмолли луғавий воситалар эса ўқувчиларнинг нутқий фаолиятида нисбатан кам учрайдиган илмий ва касбий терминлар, архаизм ва историзмлар ҳамда шевага хос сўзлардан иборат бўлади.

М.Р.Львовнинг таъкидлашича¹, 3-синфни тугатган ўқувчининг ёзма нутқида шу даврга қадар ўзлаштирилган боришчи сўзлар билан биргаликда қўлланувчи барча лексик воситаларнинг 36% ини от лексемалар, 22% ини феъл лексемалар, 6% ини сифат лексемалар, 8-9% ини олмош лексемалар, 6-7% ини равиш лексемалар, 1-2% ини сон лексемалар ташкил этади.

Мазкур тадқиқотда қайд этилишича, бошланғич синф ўқувчиларининг нутқида сифат туркумига хос лексемалар катта ўрinni тутмаса ҳам, синфдан синфга ўтиш мобайнида жадаллик билан ортиб боради. Шунга кўра, уларнинг миқдор кўрсаткичи 1-синфда тахминан 2%, 3-синфда 6%, 5-синфда 8%, 6-9-синфларда 9% дан иборат бўлади. Мактаб ўқувчилари нутқида олмош туркумига оид лексемаларнинг қўлланилиш частотаси муҳим аҳамиятга эга бўлиб, 1-2-синфларда 7-8% ни ташкил қилса, 9-синфда деярли икки баробар, яъни 14-15% га ортади. Бу ҳолат юқори синф ўқувчиларининг нутқий фаолиятида улар томонидан оўроқ, инкор, бўлишсизлик ва кишилик олмошларининг кенг доирада ишлатилиши натижасида юз беради. Мактаб ўқувчилари нутқида қўлланадиган равиш туркумига хос лексемаларнинг миқдор кўрсаткичи 1-синфда 4%, 4-синфда эса тахминан 7% га етади. Бироқ бошланғич синфни тугатган боланинг сўз тахирасида равиш лексемаларнинг ўсиш суръати кескин пасайиб, уларнинг миқдори 7,5% дан ошмайди. Шунга қарамай, юқори синф ўқувчилари томонидан равиш турларининг ишлатилишида уларнинг ёш хусусияти ва билим савияси билан боғлиқ ҳолда

¹ Львов М.Р. Кўрсатилган мақола. - С. 7-9.

айрим ўзгаришлар кузатилади. 5-синфдан 9-синфгача бўлган даврда ўқувчилар томонидан фойдаланиладиган ўрин ва паравишларининг миқдори камайиб, ҳолат ва миқдор-дараравишларининг сони ортиб боради.

Албатта, бу борада олинadиган тадқиқот натижалари нисбий характер касб этади. Чунки болалар луғатининг фаоллашуви кўп жihatдан уларнинг нутқиға хос социопсихолингвистик хусусиятларға боғлиқ. Болалар томонидан тил луғат тизимининг ўзлаштирилиши жараёнида мулоқот мухитиға боғлиқ ҳолда юзаға келувчи мураккабликлар бошланғич синф ўқувчиларининг нутқида кўп кузатилади. Уларнинг нутқида учрайдиган аксарият лексик муаммолар диглоссия ҳодисаси асосида намоён бўлади.

Биз бу жараённинг юзаға келишида таъсир бирликларининг аҳамиятини аниқлаш мақсадида 7-8 ёшли болалар нутқи устида тажриба ўтказдик. Синов жараёнида Тошкент шаҳридаги 1-сон умумий ўрта таълим мактабининг ўн олти нафар 2-синф ўқувчисини иштирок этди. Дастлаб тажриба иштирокчиларига оғзаки нутқ орқали Тошкент шаҳар шеvasида тақдим этиладиган 6 та сўзнинг диққат билан тинглаб, уларни адабий тилнинг китобий услубиға хос шаклда ёзиш кераклиги эълон қилинди.

Синов жараёнида кундалик ҳаётда кенг қўлланадиган «котта», «эртей», «бохча», «пейла», «сўвуғ», «коптўв» сўзларидан материал сифатида фойдаланилди. Ўқувчилар томонидан ҳар бир сўзнинг стандарт тилға хос шакли ёзма равишда қайд этилиши учун 10 сониядан вақт ажратилди.

Бу борадаги амалий изланишлар жараёнида тўпланган мисоллар таҳлили синалувчиларнинг эътибориға ҳавола қилинган айрим лексик бирликлар улар томонидан тажриба шартиға мувофиқ тарзда ёзилганлигини кўрсатади. Жумладан, тажриба иштирокчиларига «эртей» тарзида тақдим этилган сўз барча ўқувчиларнинг ёзма нутқида *ertak* шаклида ифодаланган. Чунки улар мазкур сўзға телеканал ва радиоканалларда болалар эътибориға ҳавола қилинадиган дастурларни тинглаш ва китоб ўқиш жараёнида кўп дуч келганлар.

Бундан англашиладики, мазкур тушунчани акс эттирувчи сўзнинг адабий тилға оид шакли ҳақидаги тасаввур эшитиш ва кўриш сезгилари воситасида болаларнинг хотирасидан чуқур ўрин эгаллаган. Ўқувчилар берилган топширикни тўғри

Бажаришга ҳаракат қилган бўлишларига қарамай, уларнинг жамлобларида имловий хатолар ҳам кузатилади. Масалан, адабий тилда «боғча» шаклида ифодаланадиган сўз Жавоҳир Абдуллаев, Маҳмуд Шавкатов ҳамда Мадина Қаюмованинг ёзма нутқида *bohcha*, Сардор Тўлаганов ва Аҳмаджон Нормухаммедовнинг ёзма нутқида эса *boqcha* тарзида қўлланган.

Кўринадики, бунда болалар «боғча» сўзининг адабий тил ва шунда турлича ифодаланишини тушунганлар. Лекин улар Тошкент шаҳар шеvasи вакилларининг оғзаки нутқида мазкур лексик воситаларнинг адабий тилдаги варианты кўп ишлатилмаганлиги учун сўзни ёзишда орфографик хатога йўл қўйганлар.

Аксарият ҳолларда юқоридаги сингари нутқий ҳодисалар кудудий белгилар таъсирида намоён бўлувчи лексик бирликларнинг ижтимоий хосланиши натижасида юз беради. Шунга асосан муайян шева доирасида кузатиладиган лисоний вариативлик (лисоний бирликнинг турли хил ўзгаришлар таъсирида ҳосил бўлган шакли)¹ сабаб бўлади. Масалан, адабий тилда «пиёла» тарзида қўлланиладиган лексема Умида Отахонова томонидан *piyla* шаклида ифодаланган.

Маълумки, ўзбек тилида «пиёла» тушунчасини англатувчи шундай сўз шакли мавжуд. Бироқ сўзни бу шаклда акс эттириш Тошкент шаҳар шеvasига хос хусусият ҳисобланади. Биз бу сўзни тажриба иштирокчиларига тақдим этишда «пейла» тарзида тиллаффуз қилган эдик. Чунки Тошкент шаҳар шеvasида сўзнинг бу шаклидан кенг фойдаланилади.

Демак, бола биз тақдим этган нутқий бирликнинг шевага хос ирришг эканлигини англаб етгани ҳолда, сўзнинг *piyla* тарзидаги ифодасини адабий тилга хос шакл сифатида талқин қилган. Бу ҳолда маҳаллий шевада сўз қай тарзда талаффуз қилинса, шундай ёқилиши натижасида юзага келган.

Бир қарашда юқоридаги каби мисолларни бу тарзда таҳлил қилиши ниҳоятда содда бўлиб кўриниши мумкин. Бироқ болани кўриш турган катталар томонидан унинг ёзма нутқида кузатиладиган орфографик хатоларга ўз вақтида эътибор қаратилмаслиги саводхонлик билан боғлиқ социолингвистик муаммоларнинг юзага келишига сабаб бўлади.

¹ Ёриши Лингвистический энциклопедический словарь. - М.: Советская энциклопедия, 1990. - С. 80.

Диглоссия ходисасининг бола лексиконига таъсири натижасида намоён бўлувчи юқоридаги каби ҳолатлар инглиз тилини ўзлаштираётган 11-12 ёшли ўзбек болалар нутқи устида ўтказилган синов жараёнида ҳам кузатилди. Тажрибада Тошкент шаҳридаги кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар махсус мактаб-интернатининг етти нафар 5-синф ўқувчиси иштирок этди. Синов жараёни икки босқичдан иборат бўлди. Биринчи босқич ёзма равишда¹, иккинчи босқич оғзаки тарзда амалга оширилди. Чунки ўқувчиларда мустақил фикрлаш малакасининг шаклланиши ҳамда барқарорлашуви оғзаки ва ёзма нутқ маданияти узлуксизлигини таъминлаш фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Шу жиҳатдан жамиятнинг келажаги бўлган ёшларга хорижий тилларни ўргатиш, уларнинг иккинчи тилдаги оғзаки ва ёзма нутқини ривожлантириш бугунги куннинг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади.

Биринчи босқичда ўқувчиларга орфографик жиҳатдан нотўғри ифодаланган 5 та сўз тарқатма материал сифатида берилди ва улардан тақдим этилган луғавий бирликларнинг тўғри вариантини ёзиб кўрсатиш сўралди. Бунда «teacher», «mother», «family», «to read», «Wednesday» сўзларидан материал сифатида фойдаланилди².

Бу босқичда олинган натижалар икки нафар ўқувчининг ёзма нутқида *teacher, mother, family, to read, Wednesday* тарзида ифодаланган сўзлар берилган вазифанинг улар томонидан тўғри бажарилганлигини кўрсатди. Мазкур ҳолат Илҳом Ортиқов ва Мухлиса Юлдашевларнинг жавобларида кузатилди. Беш нафар ўқувчи тарқатма материал сифатида тақдим этилган аксарият сўзлардаги имловий хатоларни аниқлашга қийналган. Масалан, Бахтиёр Собировнинг ёзма нутқида «teacher», «mother», «to read», сўзлари *tiche, maza, tu rid* шаклида ифодаланган. Бу каби хатолар асосан инглиз тилида сўз қандай талаффуз қилинса, тажриба иштирокчиларининг ёзма нутқида ҳам шу тарзда акс этиши натижасида юз берганлиги англашилди.

Иккинчи босқичда болаларга 8 та нутқий қурилма ўқиб эшиттирилди ва уларга жумлаларни давом эттириб, тугалланган

¹ Тажрибанинг биринчи босқичида кўзи ожизлар учун мўлжалланган бўртма нуктали махсус алифбодан фойдаланилган.

² J'orayev L., Xan S., Kamolova L. Fly High. Ingliz tili darsligi. 5-sinf. - Toshkent: O'qituvchi, 2007. - 200 b.

гап сифатида шакллантириш кераклиги айтилди. Тажириба иштирокчиларига тақдим этилган лексик-грамматик материаллар¹ ва синалувчиларнинг жавоблари куйидаги жадвалда акс эттирилган:

1.2. жадвал

№	Тажириба материали	Боланинг исми шарифи ва жавоби			
		Асрор Ёқубжонов	Азиз Ҳожабеков	Илҳом Ортиқов	Бахтиёр Собиров
1.	My mother is ... (Менинг онам ... дир.)	<i>a teacher</i> (ўқитувчи)	<i>a doctor</i> (шифокор)	-	-
2.	Our family is Бизнинг оиламиз ... дир.)	<i>big</i> (катта)	<i>small</i> (кичик)	-	-
3.	My father works at (Менинг отам ... да ишлайди.)	<i>hospital</i> (касалхона)	<i>the library</i> (кутубхона)	<i>the factory</i> (завод)	<i>school</i> (мактаб)
4.	I go to (Мен ... га бораман.)	<i>school</i> (мактаб)	<i>дом</i>	<i>school -</i> (мактаб)	<i>the cinema</i> (кино)
5.	Today the weather is.... (Бугун ҳаво ... дир.)	<i>cold</i> (совуқ)	-	<i>иссиқ</i>	-
6.	I have many (Менда кўп ... бор.)	<i>books</i> (китоблар)	<i>friends</i> (дўстларим)	-	<i>pens</i> (ручка)
7.	She lives in.... (У ...да яшайди.)	<i>Tashkent</i> (Тошкент)	<i>London</i> (Лондон)	<i>the house</i> (уй)	-
8.	My friend is reading.... (Менинг дўстим ... ўқияпти.)	<i>book</i> (китоблар)	<i>text</i> (матн)	-	-

Бу босқичда эришилган натижаларга кўра, икки нафар ўқувчи ҳозиржавоблиги билан ажралиб турган бўлса-да, инглиз тилидаги сўз бойлигининг камлиги туфайли бир жумлани давом эттиришда икки тилга хос луғавий бирликни аралаш ҳолда қўллаган: бир нафар ўқувчи «I go to ...» тарзида тақдим этилган жумлани тўлдириш мақсадида *house* (уй) сўзининг ўрнига унинг рус тилидаги маъносини акс эттирувчи *дом* сўзини ишлатган. Бир нафар ўқувчи эса «Today the weather is...» тарзида берилган жумлани тугалланган гап сифатида шакллантиришда «иссиқ» сўзининг инглиз тилидаги маъносини ифодаловчи «hot» лексемасини топа олмаганлиги сабабли унинг ўзбек тилидаги муқобилидан фойдаланган. Икки нафар ўқувчи нутқни тушуниш даражаси суст эканлиги туфайли топшириқни тўлиқ бажара олмаган. Бу борадаги муаммо-ларнинг юзага келиш сабабини қуйидагича изохлаш мумкин:

1. Республикамиздаги умумий ўрта таълим мактабларида таҳсил олувчи барча ўқувчилар инглиз тили фанидан дарсликлар билан таъминланган. Бироқ дарсликларнинг кўзи ожиз ўқувчилар учун мўлжалланган Брайль тизимига асосланган бўртма-нуқтали махсус алифбода ёзилган нусхалари ҳозирга қадар чоп этилмаган.

2. Инглиз тили фани умумий ўрта таълим мактабларида 1-синфдан, кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар махсус мактаб-интернатида эса 5-синфдан бошлаб ўқитилади. Бу ҳолат мазкур мактаб ўқувчиси 5-синф дарслигида берилган материаллар билан бир қаторда, тўрт йиллик бошланғич таълим босқичида эгалланадиган билимларни ҳам ўзлаштириб олиши зарурлигини тақозо этади.

Албатта, таълим самарадорлигига таъсир кўрсатувчи бу каби ҳолатлар кўзи ожиз болалар томонидан мактаб дастурида белгиланган маълумотларни талаб даражасида ўзлаштирилишига имкон бермайди. Мазкур масала нафақат боланинг когнитив тараққиёти, балки унинг лисоний ижтимоийлашув¹ жараёни билан ҳам бевосита боғлиқ. Чунки бу борадаги муаммоли вазиятни бартараф этиш кўриш имконияти чекланган ёшларнинг билим даражасини юқори босқичга кўтариш орқали уларнинг жамиятда ўз ўрнини топиб, соғлом кишилар билан интеграциялашувини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

¹ Қаранг: Беликов В.И., Крысин Л.П. Социolingвистика. - М.: 2001. - С. 203.

1.3. Сунъий билингвизм ҳодисасининг бола лексиконига таъсири

Глобаллашув жараёнида қатор ижтимоий талаблар асосида юзага келаётган билингвизм ҳодисаси замонавий социоллингвистика ва психоллингвистиканинг жиддий эътибор қаратилиши лозим бўлган масалаларидан биридир. Жаҳон тилшунослигида бу борада кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, уларда болалар билингвизми муаммолари, хусусан, икки тилда сўзлашувчи болаларда дунё лисоний манзараси шаклланишининг ўзига хослиги маълум даражада тадқиқ этилган¹. Мазкур масалага бағишланган тадқиқотларда икки тиллилик шароитида боланинг лисоний билими, мулоқот тилини танлаш омиллари ва механизмлари, болалар нутқидаги кодлар ўзгариши (мулоқот муҳитига боғлиқ ҳолда бир тил ёки шевага хос услубдан бошқасига ўтиш)² ҳақида мулоҳаза юритилган. Хусусан, 1958 йилда Р.Бровн томонидан содда сўзларнинг идрок этилиши ва махсулдорлигини таққослаб, билингвал болалар луғат захирасининг ортиши ҳамда семантик жиҳатдан бойиши ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш борасида ўтказилган тажриба асосида тақдим этилган «The original word Game» («Сўзнинг асл маъноси») ўйинида берилган кўрсатмалар ҳозирга қадар ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Ўйин қондасига кўра:

1. Коммуникация жараёнида тил билувчи нарсаларни семантик жиҳатдан боғлаб, уларнинг номларини айтади.
2. Тил ўрганувчи номланган нарсани табиатига кўра тахмин қилиб атайди.
3. Тил ўрганувчи ўз тахминини тўғри вариант, яъни сўзнинг асл маъноси билан қиёслаб текширади.
4. Тил билувчи тил ўрганувчининг жавобини текширади ва ўз тасвири билан ўқувчи қабул қилган тушунчанинг бир-бирига қай даражада мос келишини солиштиради.

¹ Қаранг: Александрова Н. Ш. Раннее двуязычие и гипотеза созревания мозга. <http://www.iiling.spb.ru/grammatikon/child/contence.html> - 31.05.2004. Жайлаубаева К.С. Орыс мектебинде қазақ тілін оқытудың психологиялық негізі // Қазақ тілі ғасырлар тоғысында: теориясы, тарихы және қазіргі жайы. - Алматы: Арыс, 2007. - 263 - 270 б; Чиршева Г. Н. Отношение к детскому билингвизму. <http://www.iiling.spb.ru/grammatikon/child/contence.html> - 31.05.2004.

² Беликов В.И., Крысин Л.П. Кўрсатилган манба. - С. 28.

5. Тил билувчи мос келган тушунча ва таърифнинг тўғри эканлигини аниқлайди¹.

Назарий манбаларда қайд этилишича², юзага келиш шароитларига кўра билингвизмнинг табиий ва сунъий кўринишлари ўзаро фарқланади. Табиий билингвизм асосан бола нутқининг шаклланиш босқичида пайдо бўлади ва турли тилли ижтимоий муҳит таъсирида ривожланади. Сунъий билингвизм эса ўқитиш натижасида вужудга келади. Бунда боланинг тафаккур тарзи учун она тилига оид материаллар асос сифатида хизмат қилади.

Табиий билингвизм шароитида бола икки тилни қийналмасдан ўзлаштириб олади. Бу эса ўз навбатида унинг лисоний қобилияти ва имконияти икки ва ундан ортиқ тилни эгаллашга мўлжалланганлигидан далолат беради. Икки тилда сўзлашувчи бола ўз имкониятларини ҳам икки тиллилик шароитида ривожлантириб боради. Бола учун энг муҳим икки тиллилик муҳити – унинг ота-онасиدير. Чунки ота-онанинг ҳар бири боласига ўз тилида эртак айтади, китоб ўқийди, у билан бирга ўйнайди.

А.Гаппаровнинг эшитиб тушуниш кўникмасини шакллантириш масаласига доир тадқиқотида қайд этилишича³, инсон гўдаклик даврида она тилидаги нутқни атрофидагиларнинг суҳбатини тинглаш орқали тушуна бошлайди, кейин гапиришни, шундан сўнг ўқиш ва ёзишни ўрганади. Унда таъкидланишича, хорижий тилларни ўзлаштиришда ҳам шу ҳолатни ёдда тутиш зарур. Бундай мулоқот муҳити боланинг фаол ривожланишини таъминлайди.

Демак, билингвизмнинг ўзи эмас, балки уни шакллантириш борасидаги ҳаракатлар боланинг умумий тараққиётига ижобий таъсир кўрсатади. Катталар томонидан мулоқот тўғри уюштирилса, ҳар икки тил ҳам муваффақиятли ўзлаштирилади. Шу туфайли бундай шароитда икки тилни ўрганиш бола нутқий фаолиятининг ривожланишига салбий таъсир этмайди. Аксинча,

¹ Elliot A. G. The development of word meaning // Child languages. Cambridge: Cambridge Univ. Press, 1988. - P. 85.

² Карант: Кашкуревич Л.Г. Приёмы и методы предупреждения интерференции родного языка в искусственном билингвизме // Принципы и методы социалингвистических исследований. - М.: Наука, 1989. - С. 153-171.

³ Гаппаров А. Эшитиб тушуниш кўникмасини шакллантириш ҳақида // Тил ва адабиёт таълими. - Тошкент, 2008. - № 3. - Б. 79.

бола томонидан бир вақтнинг ўзида икки тил тизимининг ўзлаштирилиши унда ақлий салоҳиятнинг ортиб боришига ёрдам беради. Шу сабабли икки тилда сўзлашувчи болани куршаб турган нутқий муҳитнинг мураккаблиги унда ўз фикрини нисбатан аниқроқ ифодалаш кўникмасининг шаклланишини тақозо этади. Бу эса ақлий ривожланиш фаолиятининг асосий кўрсаткичи ҳисобланади. Болаларга хос бу хусусият ижодий фикрлаш қобилиятини фаоллаштиради. Чунки бунда бола асосий натиборни сўзларга эмас, балки ғояга қаратади.

Бундан англашиладики, билингвал болалар сўз бойлигининг миқдор кўрсаткичи монолингвал тенгдошларига нисбатан кам бўлиши билан фарқланади. Ушбу тафовут икки тилда сўзлашувчи болаларнинг коммуникатив фаолиятида ўрнига ишлатиш стратегиясидан фойдаланиши жараёнида яққол акс этади.

Доимий равишда икки тилдан фойдаланадиган билингвалларда бир тил шаклланиб, унда ҳар бир маънога икки хил ифодалаш усули хос бўлади ва улардан бири иккинчисининг ўрнига қўлланиши мумкин. Фикрни ифодалашда тил эмас, балки семантик категориялар асосий тизим сифатида хизмат қилади. Шу сабабли бир неча тилни ўзлаштириш бир неча онг мавжудлигидан далолат бермайди. Бунда билингвалнинг онги унинг тилида пайдо бўладиган яширин вариативликка хос қўшимча манбалар ҳисобига янги тушунчалар билан бойиб боради. Бир тушунчани ифодалаш учун ҳар икки тилда ягона семантик асос, яъни бир тилда тингланган маълумот мавжуд бўлганлиги учун билингвал ўзи тушунгани ҳолда бу маълумотни иккинчи тилда ҳам шу тарзда ифодалайди. Бундай ҳолатларда фақат лексик муаммолар юзага келиши мумкин.

Л.Л.Касаткиннинг фикрича¹, билингваллар (ҳам катта ёшдагилар, ҳам кичик ёшдагилар) онгида оламнинг лингвистик манзараси уч асосий қисмдан иборат бўлиб, симметрик билингвизм ҳолатида аксарият маънолар икки хил усулда намоён бўлади; баъзи маънолар борки, улар фақат А тили (биринчи тил) бирликлари орқали ифодаланади; аксинча, фақат Б тили (иккинчи тил) бирликлари ёрдамида ифодаланадиган маънолар ҳам мавжуд.

¹ Касаткин Л.Л. Русский язык. М.: Просвещение, 1989. - С. 36-38.

Юқоридаги фикрларга асосланиб шуни айтиш мумкинки, мактабгача ёшдаги билингвал бола одатда, шу сўз қисқароқ ва осонроқ талаффуз қилинадиган номни қўллайди. Бола онгидаги тушунча ортида икки хил товушлар йиғиндиси бўлганлиги боис у ҳар икки тил бирлигига адекват тарзда муносабатда бўлади. Бироқ коммуникатив вазиятга боғлиқ бўлмаган ҳолда нутқий фаолият қайси тилда амалга оширилаётганлигидан қатъи назар, қисқароқ сўзни топиб қўллашга ҳаракат қилади. Бунда бола сўз қўллаши жараёнида интуитив тарзда тилдаги тежаш тамойилига таянади. Икки тиллилик муҳотида болалар нутқи айнан шу хусусияти билан катталар нутқидан фарқланади.

Маълумки, билингвал катталар нутқида иккинчи тилга хос лексик бирликлардан фойдаланиш улар онгида муайян семантик гуруҳлар ортида фақат шу тилга оид ифода воситаларининг мавжудлиги ёки бир тилда фаол қўлланадиган луғавий бирликларнинг бошқа тилда кам ишлатиладиган вариантларини сиқиб чиқариши натижасида юз беради. Бу ҳолат билингвал болалар нутқида ҳам кузатилади.

Кўпинча билингвал бола онгида икки ифодалаш усулининг мавжудлиги ва лингвистик компетенциянинг у қадар юқори эмаслиги туфайли, унинг нутқида турли тил тизимларига оид лексема ва морфемалар аралаш қўлланади. Бунда бир тил тизимига хос лисоний бирликлар иккинчи тил талабларига мослаштирилгани ҳолда лингвистик интерференция ҳодисаси юз беради. Кодлар ўзгариши асосида юзага келувчи бундай муаммолар билингвал болалар ва катталар нутқи лексикасига хос айрим тафовутларни аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

Болалар нутқида кузатиладиган кодлар ўзгариши учун суҳбатдош образи ҳамда лисоний ахлоқ мезонлари асосий омил сифатида хизмат қилади. Бола учун типик бўлган коммуникатив вазиятларда кодлар ўзгариши ва мулоқот тилини танлаш масаласини ҳал этишда суҳбатдошнинг лисоний салоҳияти муҳим ўрин тутмайди. Билингвал болалар икки тилда сўзлашишни табиий ҳодиса деб ҳисоблайдилар. Шу туфайли улар суҳбатдошларини ҳам билингвал сифатида қабул қиладилар. Баъзан муайян кишилар билан фақат бир тилда сўзлашиш ҳолатлари ҳам кузатилади. Мактабгача ёшдаги бола илк бор мулоқотда бўлаётган суҳбатдошини қуйидаги икки омилга кўра

аниклашга интилади: ташқи кўриниши ва бу шахс бошқалар билан мулоқотда қайси тилдан фойдаланиши. Бунда боланинг мулоқот тилини танлашига ижтимоий устуворликлар деярли таъсир кўрсатмайди. Бу ёшдаги бола учун шу тилда сўзлашаётган ота-онасининг мавқеи муҳимдир. Тенгдошлари билан мулоқот жараёнида боланинг бир тилдан иккинчи тилга ўтиши осон кечиши мумкин.

Мактабда она тилидан ташқари, у ёки бу хорижий тилни ўрганаётган ўқувчилар эса икки тиллилик муҳитида ривожланаётган болаларга нисбатан кўпроқ қийинчиликларга дуч келадилар. Чунки иккинчи тилни ўрганиш жараёнида ўқувчилар ўз фикрларини аввал она тилида шакллантириб, сўнг иккинчи тилда уларнинг маъносига муқобил бўлган сўз ва ибораларни топишга ҳаракат қиладилар. Бола учун икки ва ундан ортиқ тилни ўрганишнинг мураккаблик даражаси, энг аввало, бу тилларнинг ўзаро қариндош ёки қариндош эмаслиги билан белгиланади. Бундан ташқари, болалар билингвизмини тадқиқ этишда тил ўрганувчиларнинг ёши ва ўрганилаётган тил хусусиятлари билан бир қаторда умумий психологик қонуниятлар ҳам ҳисобга олинади. Бу қонуниятларнинг асоси тилни ўзлаштиришга бўлган эҳтиёж ва қизиқишдир. А.К.Шаяхметова томонидан мазкур масала юзасидан олиб борилган тажрибавий тадқиқотда тилни ўзлаштиришга бўлган эҳтиёжнинг юзага келиш ёки келмаслигини асословчи куйидаги мотивлар алоҳида ажратиб кўрсатилади¹: ижтимоий мотив – жамиятда тилга реал эҳтиёжнинг бор ёки йўқлиги; ота-она билан боғлиқ мотив – ота-онанинг фарзанди томонидан ушбу тилнинг ўрганилишини исташ ёки истамаслиги; фойдалилик ёки бефойдалилик мотиви – мазкур тилнинг келажақдаги касбий фаолиятда фойдалилиги ёки бефойдалилиги; «мактаб» ёки «ўқитувчи» мотиви – бошланғич синф ўқувчиларининг мазкур мактаб ёки ўқитувчига бўлган ижобий ёки салбий муносабати; коммуникатив мотив – тилдан метакоммуникатив ва амалий мақсадларда фойдалана олиш ёки фойдалана олмаслик; обрўлилик мотиви – шу тилни билиш орқали синфдошлари,

¹ Шаяхметова А.К. О соотношении языков в детском двуязычии.
<http://www.iling.spb.ru/grammatikon/child/contentence.html> - 31.05.2004.

ўртоқлари хурматини қозона олиш имкониятининг бор ёки йўқлиги.

Юқоридагиларга кўшимча тарзда айтиш жоизки, тилни ўрганишга бўлган эҳтиёж бир жихатдан мамлакатда амал қилаётган тил сиёсати ҳамда ушбу ҳудудга лисоний вазиятнинг қайси тури хос эканлиги билан боғлиқ. Чунки тилнинг жамиятдаги фаолият соҳаси қанча кенг бўлса, у шунча кўп талаб қилинади ва, аксинча, тилнинг тор доирада ишлатилиши унинг талаб доирасини торайтиради. Бу ҳақда В.Ю.Розенцвейг шундай деб ёзади: «...Қиёсий-тарихий тадқиқотлар муносабати билан тилшунослар эътиборини ўзига жалб қилган лисоний алоқалар бугунги кунда нафақат лингвистиканинг соф назарий масаласи, балки жамият ва давлат даражасидаги сиёсий масалалардан бирига айланди. Осиё ва Африканинг кўп давлатлари учун эса ҳозирги вақтда барчани қизиқтирадиган асосий масала бўлиб қолди»¹.

Биз Ўзбекистон шароитида кўп қиррали ҳодиса сифатида намоён бўлувчи болалар билингвизмининг асосий кўринишлари ҳақида мулоҳаза юритишда юқоридаги фикрларга таянамиз. Бугунги кунда собиқ шўро давридаги социолингвистик вазиятдан фарқли равишда мазкур ҳудудда кузатилаётган билингвизмнинг асосий типи ўзбек тилига Давлат тили мақомининг берилиши натижасида юзага келган бўлиб, бу хусусдаги масалаларни ёритишда миллий тилнинг ижобий таъсири ва аҳамияти каттадир. Ўзбек тилининг мавқеини кучайтиришга хизмат қилувчи бу оқилона сиёсат она тилини пухта ўзлаштириш орқали хорижий тилларни ҳам чуқур эгаллаш мумкинлигини янада ойдинлаштиради: «Дунёдаги жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили – бу миллатнинг руҳидир. Ўз тилини йўқотган ҳар қандай миллатнинг ўзлигидан жудо бўлиши муқаррар»².

Демак, мазкур ҳолат сунъий билингвизм муҳитида намоён бўлувчи муаммоли ҳодисаларнинг моҳиятини теран англаб етиш ва уларни бартараф қилишда муҳим роль ўйнайди. Биз ўз

¹ Розенцвейг В.Ю. Основные вопросы теории языковых контактов // Новое в лингвистике. Вып. VI. - М.: Прогресс, 1972. - С. 5.

² Каримов И. Миллий истиклол мафқураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. - Тошкент: Ўзбекистон, 2000. - Б. 23.

тадқиқотимизда ўзбек болалар нуткий фаолиятида кузатиладиган сунъий билингвизмнинг шаклланиши жараёнида юзага келувчи муаммоли масалаларга махсус тўхталишни лозим топдик. Чунки мизкур ҳудудда болалар ва ўсмирлар билингвизмининг юқорида кийд этилган типи кенг тарқалган бўлиб, бу вазият кўп жиҳатдан лексик-семантик интерференция ва кодлар аралашуви (бир нуткий вазиятда икки тилга хос лисоний воситаларни аралаш ҳолда қўллаш)¹ билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда катта ихчамият касб этади. Мамлакат ҳудудида кўзга ташланадиган табиий билингвизм ҳодисаси ва унинг турларини кенг доирада тадқиқ қилиш бизнинг галдаги вазифаларимиздан бири ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, мазкур типдаги болалар билингвизми таҳлили нафақат социолингвистик ва психолингвистик, балки этнолингвистик омилларнинг таъсирини ҳам ҳисобга олишни тақозо қилади.

Биз сунъий билингвизм шароитида хорижий тил лексикасининг ўзлаштирилиши жараёни билан боғлиқ масалаларни тадқиқ этиш мақсадида 12-13 ёшли ўзбек болаларнинг форс тилидаги нутқи устида махсус тажриба ўтказдик. Синов жараёнида Тошкент шаҳридаги 119-сон умумий ўрта таълим мактабининг ўн икки нафар 6-синф ўқувчиси иштирок этди. Тажриба икки босқичда, ёзма равишда амалга оширилди².

Биринчи босқичда нуқталар ўрнига сўз қўйиб, давом эттирилиши керак бўлган «Qish faslida havo sovuq bo'ladi va tez-tez ... yog'adi» нуткий қурилмасидан материал сифатида фойдаланилди³. Ушбу нуткий қурилма синф доскасига ёзиб қўйилди ва синалувчиларга жумлани тўлдириб, форс тилига таржима қилиш вазифаси топширилди. Бунда лингводидактик усулга асосланилди.

Бу босқичда эришилган натижаларга кўра, тўққиз нафар ўқувчи «Qish faslida havo sovuq bo'ladi va tez-tez ... yog'adi» (« در فصل زمستان هوا سرد میشود و زود-زود ... میبارد ») тарзида фойдаланган жумладаги нуқталар ўрнига «қор» («برف») сўзини қўйиб, гапни тўғри таржима қилган. Бироқ улардан

¹ Юрчиқов В.И., Крысин Л.П. Кўрсатилган манба. - С. 31.

² Тажриба иштирокчиларига тақдим этилган топшириқ матнидаги ўзбек тилига оид лисоний бирликларнинг ушунларли бўлиши учун лотин ёзувида асосланган янги алифбода берилган.

³ Тажриба материалини тайёрлашда фойдаланилган манба: Куранбеков А., Умаров М., Ибрагимова М. Форс тилининг ўқув дастури (тилга ихтисослашган умумтаълим мактабларининг I-IX синфлари учун). - Тошкент, 1996.

айримларининг ёзма нуткида орфографик хатолар кузатилади. Масалан, Насиба Усмонова ва Нигора Фахриддинова زود - زود (тез-тез) сўзини ёзишда чўзик و (y) унлисини тушириб қолдирган. Тўрт нафар синалувчи нуқталар ўрнига «кор» сўзини тўғри қўйган бўлишига қарамай, жумлани форс тилига таржима қилишда бир оз қийналган: Камола Умарова юқоридаги жумла мазмунини форс тилида изоҳлашга ҳаракат қилган бўлса-да, сўз захирасининг камлиги сабабли برف ميبارد (кор ёғади) нутқий қурилмасини باران ميشود (ёмғир бўлади) тарзида ифодалаган.

Иккинчи босқичда тажриба иштирокчиларининг саводхонлик даражасини аниқлаш мақсадида уларга 3 тадан тест топшириғи берилди. Бу босқичда тақдим этилган саволлар барча ўқувчилар учун бир хилдир. Бунда тажриба материали сифатида қуйидаги саволлардан фойдаланилди:

1. Qaysi qatordagi so'zlar to'g'ri yozilgan?

- a) بوزرگ، كيتاب، دبرستان
- b) مشحور، دانش آموز، لباس
- c) كوچك، آموزگار، ميخوانم

2. Zid ma'noli so'zlar berilgan qatorni belgilang.

- a) زيبا - قشنگ
- b) سرد - گرم
- c) هفت - هشت

3. To'g'ri javobni aniqlang:

پرچم جمهوری ازبکستان از چطور رنگها عبارت است ؟

- a) كبود، سفيد، سبز
- b) زرد، سياه، سفيد
- c) ¹سرخ، قهوه‌اي رنگ، سبز

Иккинчи босқичда синалувчиларга билим даражасини аниқлаш усули² асосида тақдим этилган I-топширик имло қоидаларига мувофиқ тарзда ифодаланган сўзлар қаторини белгилашга йўналтирилган бўлиб, мазкур саволга берилган тўғри жавоблар сони 6 тани ташкил этади. Масалан, Иродахон Эркинова «с) «كوچك، آموزگار، ميخوانم» (кичик, ўқитувчи, ўқийман) тарзидаги жавоб вариантини белгилаш орқали вазифани тўғри бажарган. Олти нафар ўқувчи эса тўғри жавобни аниқлай

¹ Кўрсатилган манба. - 196.

² Қаранг: Хашимов Р.И. О Некоторых методах и приемах билингвических исследований // Принципы и методы социолингвистических исследований. - М.: Наука, 1989. - С. 90.

олмаган. Жумладан, Нилуфар Усмонова ушбу топшириқни бижариш жараёнида орфографик жиҳатдан нотўғри ёзилган «а) «ديرستان، كيتاب، بوزرگ» (мактаб, китоб, катта) сўзлари акс этган жинноб вариантини белгилаган. Юқоридаги каби жавоблардан биъзи ўқувчиларнинг форс тилида чўзиқ ёки қисқа унли товушлар иштирок этган сўзлар қандай ёзилишини фарқлай олмаслиги маълум бўлди.

Демак, бундай ҳолатларнинг юзага келиши тажриба иштирокчиларининг форс тилига оид луғавий бирликлар имлоси бўйича билим савияси билан боғлиқ. Шу жиҳатдан амалий социолингвистиканинг орфографик қоидалар билан боғлиқ муаммоли масалаларни ҳал этиш борасидаги муҳим вазифаларидан бири имло луғатларини тузишдир. Тажриба иштирокчиларининг ёзма нутқида кузатилган орфографик ва лексикограмматик хатоларнинг юзага келиш сабабини мактаб ўқувчилари учун форс тили фанидан дарсликларнинг мавжуд эмаслиги билан ҳам изоҳлаш мумкин.

Иккинчи топшириқ ўқувчиларнинг хорижий тилга оид билимларини синовдан ўтказиш орқали улар нутқида юзага келадиган лексик муаммоларни аниқлашга қаратилган бўлиб, бунда етти нафар ўқувчи қоникарли натижа кўрсатган. Жумладан, Турсуной Зиятова ўзаро антоним бўлган сўзларни аниқлаш бўйича берилган жавоб вариантларидан «b) گرم - سرد» («совуқ-иссик) сўзлари келтирилган қаторни танлаган. Ушбу иштироки бажаришда беш нафар ўқувчи хатога йўл қўйган. Мисалан, Саида Соипова ўзаро пароним бўлган «c) هفت - هشت» («етти-саккиз) сўзлари қайд этилган қаторни кўрсатган бўлса, Дилором Исмоилова «a) زيبا - قشنگ» (чиройли-гўзал) сўзлари берилган лексик синонимлар қаторини белгилаган. Айрим синалувчиларнинг жавобларида сўз семантикаси билан боғлиқ юқоридаги сингари ҳолатларнинг юзага келиши улар томонидан ниҳоят иккинчи тил, балки она тили лексик қатламига хос қонуниятларнинг етарли даражада ўзлаштирилмаганлигидан далолат беради.

Маълумки, саводхонлик социолингвистика фанига оид кенг қимровли мавзулардан бири сифатида нутқни идрок этиш мисаласини ҳам ўз ичига олади. Нутқни тушунишнинг мунаффақиятлиги кўп жиҳатдан ўқувчиларда хорижий тилга

оид янги маълумотлар мавзусига қизиқиш ва билим олишга бўлган эҳтиёжни юзага келтириб, уларнинг когнитив тараққиётига бевосита ёки билвосита таъсир этувчи объектив ҳамда субъектив омилларга боғлиқдир. Шу сабабли бу босқичда сунъий билингвизмнинг шаклланиш жараёнида иккинчи тилга оид ёзма нутқни идрок этиш кўникмасининг ҳосил бўлиши билан боғлиқ масалаларга оидинлик киритиш мақсадида учинчи топширик

پرچم جمهوری ازبکستان از چطور رنگها عبارت است ؟

(Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи қандай ранглардан иборат?) тарзида тақдим этилган эди. Ушбу саволнинг жавоби тўққиз нафар ўқувчи томонидан тўғри аниқланган: Насиба Усмонова «а» سفید 'سىز' «ҳаво ранг, яшил, ок) сўзлари келтирилган қаторни белгилаш орқали вазифани тўғри бажарган. Уч нафар синалувчи давлат рамзлари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишига қарамай, юқорида қайд этилган саволнинг мазмунини аниқ тушунмаганлиги туфайли «b) زرد 'سياه سفید» (сарик, қора, ок) сўзларидан иборат бўлган жавоб вариантини тўғри деб тахмин қилган. Бу ҳолат Камола Умарова, Муборак Нормуродова ва Дилафруз Ақромованинг жавобларида кузатилди.

Сунъий билингвизмнинг шаклланиш жараёнида юзага келувчи бундай ҳолатларни шу тарзда изоҳлаш мумкинки, бола иккинчи тилни ўзлаштиришда хорижий тил луғат таркибига оид лексик бирликларни фақат дарс вақтларида қўллашга ҳаракат қилади. Оила муҳотида, умуман, дарсдан ташқари вақтларда эса у асосан она тилидаги жонли сўзлашув нутқидан фойдаланади. Чунки Ўзбекистонда бир таркибли лисоний вазият мавжуд бўлиб, бу мувозанатлашмаган эндоглоссия (муайян тилнинг турли хил мулоқот муҳитлари ва ижтимоий гуруҳларга тақсимланган мавжудлик шакллари мажмуи)¹ ҳолатини акс эттиради.

Бир тилнинг икки шакли ёки икки тилдан фойдаланиш жараёнида намоён бўлувчи лексик хусусиятларни тадқиқ этиш борасида ўтказилган кузатув ҳамда тажриба натижаларини умумлаштириб шуни айтиш жоизки, болалар томонидан нафақат она тили лексик таркибининг ўзлаштирилиши жараёни, балки уларнинг хорижий тилдаги сўз бойлиги ва билим савиясини

¹ Қаранг: Лингвистический энциклопедический словарь. - М.: Советская энциклопедия, 1990. - С. 481.

опиришга ҳам фан соҳасида ўз ечимини кутаётган саводхонлик билан боғлиқ социолингвистик муаммоларни ҳал этиш орқали яришиш мумкин. Чунки болалик даврида ўзлаштирилган билимлар ўсиб келаётган авлоднинг мавжуд лисоний имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда буюк маънавий меросимизни тадқиқ қилиш, замонавий фан-техника ютуқларидан баҳраманд бўлиб, уларни амалда татбиқ этиш ва халқаро муносабатларни янада ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўша оладиган баркамол шахс сифатида шаклланишига асос бўлади.

II БОБ. БОЛАЛАР НУТҚИ ЛЕКСИКАСИНИНГ ФУНКЦИОНАЛ - СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1. Болалар нутқининг номинатив аспекти

Инсон такомил жамият тараққиёти билан узвий боғлиқ Жамият градация (босқичма-босқич кучайтириш)¹ бўйла ривожланиб боргани сари инсон дунёқараши, тафаккури, идрок ва нутқи ҳам тадрижий равишда ўзгариб боради. Кишиларнинг когнитив имкониятлари ва номинатив хусусиятларини кузатишда болалар мулоқотини ўрганиш ўзига хос аҳамият касб этади.

Бола тасавури бой, дунёқараши онг ва тафаккурининг ривожланиш даражасига мос бўлади. Шу сабабли бол тафаккурининг шаклланиши жараёнида борлиқ ва ундаг ҳодисаларни ифодаловчи тушунчалар унинг нутқида ўзига хо тарзда акс этади. Умуман олганда, кишилар ижтимоий-сиёсий тажрибаси мужассамланган халқ онгининг унсурлари концептларини тадқиқ этиш ҳозирги замон тилшунослигининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Л.В.Балашованинг фикрича², инсон баъзан «билимнинг глобал бирликлар тузилмаси» каби концептлар ёрдамида фикрлайди. Шу билан бирга, дунёнинг лисоний ва концептуал манзараси турли хил усул ва воситалар асосида шаклланади. Когнитив тилшуносликнинг асосий қондаларига мувофиқ ҳолда тил категориялар инсоннинг лисоний онгидаги у ёки бу экстралингвистик, ревоқеликни акс эттирувчи тушунчаларга таянади. Шу жиҳатдан ҳам болалар нутқида қўлланадиган лексик бирликларнинг функционал-семантик хусусиятларини таҳлил қилиш орқали ўзига хос номлаш, аташ усуллари кузатилади. Украина тилшунослигида болалар нутқини номинатив аспектда тадқиқ этишда ушбу масалага икки нуқтаи назардан ёндашилади:

¹ Қаранг: Хожиев А. Тилшунослик терминларининг исхоти луғати. - Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. - Б. 31.

² Балашова Л.В. Концепт «детство» в метафорической системе языка (диахронический аспект). <http://www.iling.spb.ru/grammatikon/child/content.html> - 31.05.2004.

1. Ономасиологик ёндашув. Ушбу позиция болалар томонидан борликни номлаш фаолияти сифатида қабул қилинади.

2. Семасиологик ёндашув. Мазкур позиция болаларнинг номинатив фаолияти натижасини ўрганишга қаратилган йўналиш сифатида эътироф этилади¹.

Шунга мувофиқ тарзда О.О. Рулёвнинг мазкур муаммо ташқиқини бағишланган тадқиқотида номинация (номинант) термини номинатор (номловчи субъект)нинг номинат (номланувчи объект)га нисбатан муносабати ҳамда номинатга тегишли белги (ташқи шакл)лар проекциясини ўзида акс эттиради. Юқорида қайд этилган терминлар номинатив актнинг асосий таркибий қисмларини ифодалайди. Муаллиф ўз тадқиқотида инглиз, француз, юнон ва украин миллатига мансуб мактабгача ёшдаги болалар нутқида оид номинатив бирликларнинг формал-функционал ҳамда семантик хусусиятларга кўра қуйидаги турлари мавжудлигини аниқлайди:

1. Метонимик номинация – нутқ шаклини танлаш ва англаш асосида юзага келувчи номланиш.

2. Метафорик номинация – ўзлаштирилаётган объект ва қайта англашилган сигнификатга хос ўхшаш белгиларни ажратиш натижасида юзага келувчи номланиш.

3. Экстенсив номинация – сўзни кенг маънода қўллаш натижасида юзага келувчи номланиш.

4. Рестриктив номинация – буюмлар гуруҳи эмас, балки муайян буюмни аташ натижасида юзага келувчи номланиш.

5. Ассоциатив номинация – фақат объектга хос бош белги эмас, балки у ҳақдаги умумий тушунча ва тасаввурлар асосида юзага келувчи номланиш.

6. Элементли номинация – табиий ёки ижтимоий аҳамиятга эришган бўлган маъноларни ажратиш кўрсатиш имконияти билан боғлиқ ҳолда юзага келувчи номланиш.

7. Ситуацион (вазиятли) номинация – турли хил элементлар мажмуидан иборат микроситуация асосида юзага келувчи номланиш.

8. Квалификатив номинация – объектнинг ташқи белгилари асосида юзага келувчи номланиш.

¹ Рулёв О.О. Номинативний аспект дитячого мовлення: Автореф. дисс. ... канд. філол. наук. - Одеса, 2002.

9. Релятив номинация – объектга хос белгининг муайян тури асосида юзага келувчи номланиш.

10. Субститутив номинация – турли даражада информациялашган номланиш¹.

Ўзбек болаларнинг коммуникатив фаолиятини кузатиш орқали улар нутқида ҳам юқорида қайд этилган номлаш воситалари билан бир қаторда, кўплаб янги турдаги номинатив бирикларни учратиш мумкин. Чунки болалар нутқида оид номинация масаласи социолингвистика, психолингвистика, этнография, семиотика, прагматика каби бир қатор ижтимоий-гуманитар фанлар нуктаи назаридан тадқиқ этилиши долзарб бўлган кенг қамровли мавзу ҳисобланади. Шу сабабли биз мазкур тадқиқотда ўзбек болаларининг номинатив фаолиятида учрайдиган типик ҳолатларга тўхталамиз. Ушбу йўналиш доирасидаги муаммоли масалаларни алоҳида монографик тадқиқот сифатида талқин қилиш бизнинг галдаги вазибаларимиздан биридир.

Болалар нутқини таҳлил қилиш тилнинг дастлабки шаклланиш жараёнига хос жиҳатлар ҳақида маълум тасаввур уйғотади, нарса-ҳодиса ва воқеликни номлаш асосларини ёритади, тил тараққиётига хос лексик-семантик ўзгаришларни кузатиш имкониятини вужудга келтиради. Болалар нутқининг лексик хусусиятларини тадқиқ этиш сўзнинг номлаш, эмоционал-экспрессив функцияларини ёритиш ва луғавий маъно тараққиёти усулларини тадқиқ этишга хизмат қилади.

Кўп ҳолларда бола номинатив фаолиятининг натижаси сифатида намоён бўлувчи нутқий ифодалар метафора ҳодисаси асосида юзага келади. Лисоний метафора² антик даврлардан буён ўрганилиб келинаётган бўлишига қарамай, бугунги кунда ҳам нутқий фаолият масалалари билан шуғулланувчи социолингвист ва психолингвистлар томонидан долзарб муаммо сифатида эътироф этилмоқда. Замонавий тилшуносликда бу ҳодиса турлича талқин қилинмоқда. Масалан, семантик йўналиш маъно концепциясига асосланса, унга кўра метафора жараёни айнан шу аспектда тадқиқ этилади³.

¹ Кўрсатилган автореферат. - С. 8-12.

² Қаранг: Лингвистический энциклопедический словарь. – М., Советская энциклопедия, 1990. – С. 296.

³ Глушечкая Н.В. Функция метафоры в речи дошкольника.

<http://www.iling.spb.ru/grammatikon/child/contente.html> - 31.05.2004.

Номлаш воситаларини кўчма маънода қўллашга бўлган кизиқиш шахснинг номинатив фаолиятини бевосита билиш жараёни билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилишга ёрдам беради. Инсон нутқида метафоранинг юзага келиши унинг психик фаолиятига хос хусусиятлар ҳамда атроф-муҳит ҳақидаги билимларни муайян тизимга бирлаштиришнинг ўзига хослигидан келиб чиқади. Воқеликни метафоралар ёрдамида акс эттиришга ҳиссиётлар «чатишуви» ҳамда когнитив жараёнлар ҳам сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун метафорани ўрганишда когнитив ўндашувнинг ютуқлари, психология ва психолингвистикага оид маълумотларга таяниш мақсадга мувофиқдир.

Албатта, бунда функционал жиҳатни ҳам ҳисобга олиш зарур. Чунки нутқ бирлигининг семантикаси нафақат меъёрлашган тилдаги сўз маъноси, балки экстралингвистик омилларга ҳам боғлиқ бўлади.

Сўнгги вақтларда тадқиқотчилар томонидан метафора ҳодисасини ўрганишга комплекс ҳолда ёндашиш зарурлиги таъкидланмоқда.

Ўзбек болалар нутқида кузатиладиган номинатив birlikларни функционал-семантик хусусиятларига кўра куйидаги гуруҳларга таснифлаб ўрганиш мақсадга мувофиқдир:

1. Метафорик номинация. Бу типдаги номинатив birlikларни функционал-семантик хусусиятларига кўра икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Воқелик, нарса ёки ҳодиса ташиқ кўриниши, белгиларига кўра номланади: Ҳожимурод Эркинов (1 ёш 7 ой) нутқида «бақлажон» сўзи *бодийин* тарзида ифодаланади. Бошқа бир ўринда у (1 ёш 9 ой) турпни ҳам *бодийин* деб атайди. Сарварбек Умаров (4 ёш 10 ой) эса нўхатни кўриб *кичкина бодрок* дейди. Бунда номлаш луғавий маъно тараққиётининг метафора усули орқали юзага келади. Бундай номлаш тўғридан тўғри аташ бўлмай, балки воситали номлаш ҳисобланади.

Юқоридаги мисолларда бақлажоннинг шакли ва турпнинг ранги ўхшатиш асоси сифатида хизмат қилган. Бақлажон шаклига кўра «бодринг» дейилган бўлса, турп рангига кўра шу ном билан аталган. Нўхат ҳажмига кўра «кичкина (очилмаган) бодрок» деб юритилган. Ҳожимурод Эркинов (1 ёш 11 ой) нутқида ифодаланган *шоколатти пўчоқи* (шоколаднинг қоғози),

Ҳилолаҳон Эркинова (6 ёш) нутқида кузатилган *бодрингни қопқоғи* (бодрингнинг икки учи) каби мисолларда эса буюм устини қоплаш ҳамда нарсанинг бирор томонини беркитиш хусусиятига кўра функционал кўчишнинг ўзига хос ифодаси намоён бўлади, яъни бола бирор буюмни ўзи билган, номини англаган нарсага ўхшатади ва уни шу ном билан атайди.

Қуйида келтириладиган мисоллар ушбу фикрни янада аниқроқ исботлашга асос бўлади: Салоҳиддин Асқаров (3 ёшу 11 ой) думалоқ шаклдаги сақични «о» ҳарфига қиёслаган ҳолда *«о»ли живачка*, копток шаклидаги таом тури тефтелни *коптў оқат* тарзида номласа, Ҳожимурод Эркинов (2 ёш) ўқловни тахтадан ясалганлиги ҳамда узунчоқлигига кўра *ҳасса*, чўзма лағмоннинг хамирини соч толасига ўхшатган ҳолда *чоч* деб атайди. Номлашнинг бу усули болалар нутқида кўп кузатилади: Санжар Серкабоев (4 ёш) икки электр ўтказгичи ёрдамида юрадиган транспорт тури – троллейбусни *шоҳли автобус* деб тушунтиради. Бунда бола томонидан икки электр ўтказгич шохга ўхшатилади. Болага бу транспорт воситасининг номи маълум бўлмаганлиги учун уни ўхшатиш асосида шундай номлайди.

Бола оила ва боғча муҳитида асосан уй ҳайвонларининг номларини мунтазам равишда ўзлаштириб боради. Унга қатталар томонидан тасвирий воситалар орқали бошқа турдаги ҳайвонлар ва уларнинг номлари ҳақида ҳам маълумот бериб борилади. Лекин бола ушбу ҳайвонларни номлашда ўзи учун қулай бўлган йўлни танлайди. Бунга далил сифатида Санжар Серкабоев (5 ёш) нутқида кузатилган қуйидаги мисолларни келтириш мумкин: *бўйни узун от* (жирафа), *йўл-йўл от* (зебра), *юшиоқ эчки* (лама).

Юқоридаги мисоллардан кўринадики, ушбу сўзларнинг аксарият қисми рус тили ҳамда шу тил орқали ўзбек тилига ўзлашган байналмилал номинатив бирликлардир. Бу каби лексик бирликлар воситасида нарса-ҳодиса, ҳаракат-ҳолатларни номлашда бола кўп эшитиш натижасида хотирасида ёрқин сақланиб қолган сўзларни қўллайди.

2. Воқелик, нарса-ҳодиса ички хусусиятига кўра номланади: Ҳилолаҳон Эркинова (5 ёшу 8 ой) нутқида «мурч» *гармдорини ўртоғи*, Салоҳиддин Асқаров (4 ёшу 8 ой) нутқида «нордон таъмли шарбат» *шўр кампот*, Сарварбек Умаров (4 ёшу 7 ой) нутқида эса «шўр бодринг» *нордон бодринг* тарзида

ифодаланади. Санжар Серкабоев (4 ёш) «лимон»ни *аччиқ апельсин* деб атайди. Бундай ҳолатларда бола нутқида маза-таъмга кўра метафорик кўчиш ҳодисаси юз беради.

Кузатишлардан маълум бўладики, бола кўпинча нарса-буюмларни номлашда катталар каби уларнинг ранги, шакли, ҳажми, таъми ва бошқа белги-хусусиятларига кўра ўхшашлик касб этишига асосланади. Бу эса катталар ва болалар томонидан нарса-буюмларнинг ўхшашлик хусусиятига кўра номланишида ўзаро муштарак жиҳатлар мавжудлигини кўрсатади. Бироқ катталар ва мактабгача ёшдаги болалар нутқида хос номинация масаласи билан боғлиқ фарқли хусусият шундаки, катталар нутқида аксарият ҳолларда у ёки бу нарса-буюмнинг номи бўлган итов бирлиги услубий бўёқдорлик, нутқий таъсирчанликни таъминлаш мақсадида иккинчи марта номинатив вазифани ўтайди, яъни бунда қайта номлаш ҳодисаси юз беради. Болалар нутқида муайян нарса-буюмнинг номи ўхшашлик асосида бошқа бир нарса-буюм номи билан ўзига хос тарзда ифодаланишини қуйидаги мисол орқали изоҳлаш мумкин: Бурҳониддин Аскарлов (3 ёшу 5 ой) қазини кўрсатиб, *қора калбаса* дейди. Ушбу нутқий вазиятда шаклан колбасага ўхшаш, аммо рангига кўра ундан фарқ қилувчи гўшт маҳсулотининг номи бўлган луғавий бирлик бола лексиконида мавжуд бўлмаганлиги туфайли «колбаса» сўзи метафора асосида шу маҳсулотга ном сифатида кўчган.

Ўзбек болаларнинг луғат захирасида мавжуд бўлган ўзига хос номлаш вазифасини ўтовчи метафорик бирликларни тузилишига кўра қуйидаги турларга ажратиш мақсадга мувофиқдир:

1) сўз кўринишидаги номинатив бирликлар: Ҳожимурод Ўркинов (1 ёшу 8 ой) «нок» лексемасини *олма* деб атайди;

2) бирикма шаклидаги номинатив бирликлар: Санжар Серкабоев (4 ёш) «акула»ни *тиши бор балиқ* тарзида номлайди¹.

Икки ва ундан ортиқ сўзнинг бирикувидан таркиб топган нутқий бирликлар муайян нарса-буюмни шу буюм учун характерли белги-хусусиятлар асосида тасвирий усул орқали ифодалашга хизмат қилади. Болалар нутқида хос номлаш маҳсули бўлган бу каби перефрастик ифодалар тилнинг лексик-семантик

¹ Тадқиқотнинг 2.1. бўлимида таҳлил қилинган метафорик номланишлар Тошкент шаҳридаги 16-118-367-464-547-сон мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари нутқи устида олиб борилган бевоқифта мушулларга кўра қайд этилган.

тараққиёт усуллари тадқиқи учун бой далилий материал бера олади.

II. Метонимик номинация. Бунда воқелик, нарса-ҳодиса алоқадорлик асосида номланади: Салоҳиддин Асқаров (3 ёшу 9 ой) *товулани ойиси* деб товук боқадиган аёлни кўрсатади. Бунда шахсининг меҳнат фаолиятига кўра номлаш ҳодисаси юз берган. Малика Абдуҳалилова (3 ёшу 10 ой) рус шифокорини миллатига кўра *ўрисча дўхтир* деб тушунтиради. Азизахон Султонова (4 ёш) нутқида оид *нет киши* (рус киши), *нет хотин* (рус аёл) каби мисолларда шахсининг нутқий хусусиятига кўра номлаш ҳодисаси кузатилади. «Нет» сўзи рус тилида фаол қўлланадиган ҳамда мазкур тилни ўзлаштирувчилар (айниқса болалар) томонидан даставвал ўрганиладиган лексик бирликдир. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, рус тилини билмайдиган болалар ҳам «нет» сўзини тушунишади. Бунга уларнинг эшитиш орқали тўплаган тажрибалари асос бўлади.

Кўпинча 10 ойдан 3 ёшгача бўлган болаларнинг нутқий фаолиятида воқелик ва нарса-буюмларни муайян белги-хусусиятларига кўра алоқадорлик асосида номлаш ҳодисаси имитация усули орқали юзага чиқади. Болалар нутқида учрайдиган *алйў* (телефон), *би-би* ёки *зи* (машина), *пақ* (тўппонча), *ку-ку* (товук), *миёв* (мушук), *мў* (сигир), *ба* (қўй) сингари бир қатор мисоллар шулар жумласидандир. Бундай ҳолатларда бола нарса-ҳодисалар ҳамда ҳайвонларни товушга тақлид қилиш асосида номлайди. Шу туфайли мулоқот вазиятида боланинг талаффузида бу усуллар асосида намоён бўлувчи нарса-ҳодиса ва ҳайвонларнинг товушлари унинг нутқида номинатив восита вазифасини бажарувчи луғавий бирлик сифатида мустақил маъно касб этади.

Нутқий имитация ўз моҳиятига кўра, бола томонидан катталарга хос бўлган мулоқот хулқи шакллари ва кўникмасининг ўзлаштирилишини таъминлашга хизмат қилувчи асосий воситалардан бири ҳисобланади. Бола томонидан она тилидаги нутқнинг эгалланиши жараёнида ўзлаштириладиган номинатив бирликлар имитация ва тақлид усуллари орқали унинг хотирасида мустақамланиб боради. Бу эса бола луғат захирасининг янги лексик бирликлар билан бойиб боришини таъминлашга хизмат қилади.

А.Н.Корневнинг таъкидлашича¹, имитация терминини қўллашда унинг маъносини такрорлаш ёки тақлид қилишдан фарқлаш лозим. Бу икки ҳодиса ўртасида ўзига хос тафовут мавжуд бўлиб, имитация жараёнида бола нутқида тўлиқ ёки қисман ўхшашлик эталони асосида феноменологик намуна кашф қилинади. Такрор ва тақлид қилиш ҳолатида бола фақат намунанинг асосий жиҳатларига эътибор қаратиб, бошқа хусусиятларга нисбатан ижодий ёндашган ҳолда уни такрорлайди. Бу борадаги кўплаб кузатишлар имитация тилни ўзлаштиришнинг бош механизми эканлигини исботлайди. Айнан шу механизмлар асосида бола нутқида яширинган айрим шакллар юзага чиқади.

Кўп ҳолларда филогенез ва онтогенез жараёнининг дастлабки босқичида талаффуз оҳанги (талаффуз усули)га кўра нутқий имитация кузатилади. Кейинги босқичда эса имитациянинг ўрнини тақлид эгаллайди. Нутқий имитациянинг функциялари юқорида қайд этилган ҳолатлар билан чекланмайди. Бунда имитация муайян вазиятларда нутқий актнинг ўзига хос шакли сифатида воқеланади. Нутқ онтогенезининг дастлабки босқичида бола имитация билан бир қаторда, паралингвистик воситалардан ҳам фойдаланади. Олимнинг фикрича, имитациянинг юқорида таърифланган шакли 3-4 ёшли болаларда кўп учрайди. Ёшга хос бўлган мазкур қонуниятни болаларда айнан 4 ёшда ҳамкорлик муносабатлари жадал шаклланиб, тенгдошлари орасида ижтимоийлашув жараёнининг амалга ошиши ва бунга боғлиқ равишда тенгқур болаларда мулоқотга киришиш кўникмасининг кескин ортиб бориши билан изоҳлаш мумкин.

Баъзан ўзбек болаларнинг мулоқот жараёнида метонимик номинациядан мурожаат шакли сифатида фойдаланиш ҳолатлари ҳам юз беради: Сарварбек Умаров (4 ёш) яқинда танишган дўстининг исмини билмаганлиги учун унга кийган кийимининг ранги асосида *Ў Кўк!* -деб мурожаат қилади. Чунки мазкур ёш даврида мулоқотга киришувчи болалар бир-бирларининг исmlарини билишга қизиқишмайди. Бола тенгдошига мурожаат қилишда унда аниқ кўриниб турган муайян хусусиятга асосланади. Шу билан бирга, бола 2 ёшгача бўлган даврида

¹ Корнев А.Н. Прагматические аспекты речевых имитаций у детей четвертого года жизни. <http://www.iling.spb.ru/grammatikon/child/content.html> - 31.05.2004.

нарса-буюмларни метонимия ҳодисасига кўра номлашда асосан уларнинг функционал жиҳатдан боғлиқлигига эътибор қаратади: Ҳожимурод Эркинов (1 ёшу 4 ой)га бўш пиёлани кўрсатиб, «бу нима?»— деб савол берилганда, унинг *чай*, — деб жавоб қайтариши буюмнинг чай ичишда фойдаланиш вазифасига кўра ном кўчирилганлигидан далолат беради¹.

Субститутив номинация. Бунда бола муайян хусусиятларни намоён этувчи нарса ва буюмларни бирон-бир гуруҳга тегишли деб тасаввур қилади ва сўз маъносини кенгайтириш асосида уларнинг номини нотўғри ифодалайди: Ҳожимурод Эркинов (1 ёшу 4 ой)га жирафанинг расмини кўрсатиб, «бу нима?» — деб савол берилганда, у *от*, — деб жавоб қайтаради. Бу ҳолатда бола ҳар икки ҳайвон учун бир хил маънони тушунган.

Баъзан бола томонидан икки ва ундан ортиқ тушунчанинг бир сўз орқали ифодаланиши функционал жиҳатдан муайян тафовутга эга бўлишига қарамай, биргаликда ишлатиладиган буюмларни номлаш жараёнида ҳам кузатилади: Ҳожимурод Эркинов (2 ёшу 11 ой) «диктафон» сўзини билмаганлиги туфайли уни *газета* деб атайди. Аслида бола ушбу техник воситанинг номини «газета» сўзига товуш жиҳатдан яқин бўлган «кассета» сўзи орқали ифодалашга ҳаракат қилган. Бошқа бир ўринда эса Ҳожимурод Эркинов (3 ёшу 8 ой) нутқида катталардан ўзлаштирилган «кассета» сўзи мазкур буюмга функционал жиҳатдан маълум даражада яқин бўлган «дискета» тушунчасини ифодалашга хизмат қилади.

Демак, аксарият ҳолларда мактабгача ёшдаги бола томонидан ўзлаштирилган сўзлар унинг луғат захирасида мавжуд бўлган лексик бирликлар билан алмаштириб қўлланади: Ҳожимурод Эркинов (2 ёшу 4 ой) *Пийог йийман* деб творогга ишора қилса, Санжар Серкабоев (4 ёшу 6 ой) укропни *микрон* деб номлайди.

Айрим нутқий вазиятларда юқоридаги каби ҳодисалар мактаб ўқувчиларининг коммуникатив фаолиятида ҳам кузатилади: Иродахон Эркинова (6 ёш) нутқида шеърнинг биринчи банди *Шеърри биринчи серияси* тарзида ифодаланади.

¹ Тадқиқотнинг 2.1. бўлимида таҳлил қилинган метонимик номланишлар Тошкент шаҳридаги 16-118-464-547-сон мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари нутқи устида олиб борилган бевосита кузатувларга кўра қайд этилган.

Кўп ҳолларда бундай нутқий ҳодисалар ҳам ўқувчилар томонидан ташқи манба, яъни ўзбек тилига ўзлашган рус-байналмилал сўзларнинг ўзаро алмаштириб қўлланиши натижасида юз беради: Мунираҳон Эркинова (10 ёш) нутқида сут маҳсулотларидан бирининг номини ифодаловчи «бринза» лексемаси ўрнида «чодир» маъносини англлатувчи *брезент* сўзи ишлатилади.

Кузатишларга кўра, болалар нутқига оид юқоридаги сингари мисолларнинг аксариятини от сўз туркумига оид луғавий бирликлар ташкил этади. Баъзан бундай ҳолатларда бола нутқий мулоқотида ўзига хосликларнинг юзага келишига қуйидаги лисоний омиллар сабаб бўлади:

1) сўзларнинг орфоэпик жиҳатдан яқинлиги: Иродаҳон Эркинова (5 ёш 11 ой) опасига: *Кактел йисизми?* – деб савол беради. Бунда у «тефтель» лексемасининг ўрнига *коктейл* сўзини ишлатади;

2) сўзларнинг бир ўзакдан ҳосил қилинганлиги: мактабгача таълим муассасасида ёд олган шеърини қайта такрорлаётган Ҳилолаҳон Эркинова (5 ёш 8 ой) *Ман репититор қивомман* жумласи орқали байрамга тайёрланаётганлигини айтади. Бундан англашиладики, бола томонидан «тайёргарлик» маъносини ифодаловчи «репетиция» сўзи ўрнида «тайёрловчи» маъносини англлатувчи *репититор* сўзи истифода этилган.

Ушбу ҳолатга психоллингвистик нуқтаи назардан ёндашиш асосида боланинг тасаввурида фонетик ва морфологик жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган сўзларнинг маъноси ҳамда товуш қобиғи ўртасида алоқа ўрнатилишини аниқлаш мумкин. Чунки нутқда бундай лексик бирликлар семантик алоқани белгилаб беради.

Демак, болалар нутқида товуш жиҳатдан бир-бирига яқин сўзларнинг ҳосил бўлишида ташқи омилларнинг таъсири ва аҳамияти каттадир. Катталар нутқида нарса-буюм ва унинг номини англлатувчи сўз талаффузи орасида ҳеч қандай фарқ бўлмаса ҳам, бола нарса-буюм ва уни ифодаловчи луғавий бирлик ўртасида орфоэпик жиҳатдан ўхшашлик топишига интилади.

Кўпинча мактабгача ёшдаги болалар нутқига хос бу хусусият бир туркум доирасидаги тушунчаларни ифодалаш жараёнида кузатилади. Чунки мазкур ёш даврида бола семантик жиҳатдан

бир-бирига якин бўлган сўзлар ўртасидаги ўзаро нозик маъно фарқланишларни тўлиқ англамайди.

Болалар нутқида бир туркум доирасидаги сўзларнинг алмаштириб қўлланиш ҳолати, айниқса, равиш лексемалар иштирок этган жумлаларда яққол акс этади: Сарварбек Умаров (3 ёшу 5 ой) кечаги кунни назарда тутган ҳолда *Эртага мани томогим ориди-де, бунним шомоллаб қолди*, – деб айтса, Салоҳиддин Аскарлов (3 ёшу 11 ой) «Қачон боғчага борасан?», – деган саволга «Эртага» дейиш ўрнига *Боя бораман*, – деб жавоб беради.

Баъзан бола ўз нутқида сифат сўз туркумига оид луғавий бирликларни ҳам алмаштириб қўллайди. Ҳилолаҳон Эркинова (5 ёшу 9 ой) опасига қараб шундай дейди: *Шахло, шахло сочлариз*. Ундан «шахло сочлар» қандай маъно англатиши ҳақида сўралганда, *Чиройли сочла*, – деб изоҳ беради. Фикримизча, бу вазиятда бола сочга нисбатан қўлланадиган «сумбул» лексемаси ўрнида кўзга нисбатан ишлатиладиган «шахло» сўзидан фойдаланган.

Кузатишлар давомида тўпланган кўплаб мисоллар бизга мактабгача ёшдаги болалар нутқида феъл сўз туркумига оид лексик бирликларнинг ифодаланиши билан боғлиқ специфик хусусиятларни тадқиқ этиш имконини берди: Ҳожимурод Эркинов (1 ёш 9 ой) «тўйдим» лексемаси ўрнида *чайчадим* сўзидан фойдаланади. Боланинг нутқида кузатилган бу ҳолат психофизиологик омиллар таъсирида юзага келган. Чунки инсоннинг қорни тўйса, ўзини чарчагандек ҳис этади. Бунда меъёридан ортиқ истеъмол қилинган таом ички аъзоларга оғирлик қилади.

Демак, юқоридаги каби мисолларни таҳлил қилишда нафақат болаларнинг муайян коммуникатив вазиятдаги индивидуал-психологик хусусияти, балки жисмоний ҳолатини ҳам ҳисобга олиш керак. Бунинг сабаби шундаки, кичик ёшдаги бола айрим феъл лексемаларни полифункционал сўз сифатида қабул қилади ва турли мулоқот вазиятларида ўз нутқига татбиқ этади: Ҳожимурод Эркинов (4 ёшу 10 ой) фасллар ҳақидаги суҳбат жараёнида кузда баргларнинг тўкилишини *Байла ёғади*, – деб тушунтирса, бошқа бир нутқий вазиятда (4 ёшу 5 ой) «шамол эсмоқда» мазмунидаги фикрни *Шомол ёғвотти* тарзида

ифодалайди. Бу хусусият кўп ҳолларда боланинг ҳаракат семали феъллардан фойдаланиши жараёнида яққол намоён бўлади: Сарварбек Умаров (3 ёшу 6 ой)дан боғчада нималар қилиши сўралганида, у *Ўйинла ўйнимиз, расмла ёзамиз*, – деб жавоб беради. Бу ҳолат бошқа болалар нутқи мисолида ҳам кузатилади: Салоҳиддин Асқаров (3 ёшу 6 ой) онасига *Нонни ёзиб беринг!* – деб мурожаат қилади. Салоҳиддиннинг онаси «нон» сўзини қоғозга ёзиб кўрсатса, у: *Йўқ, унақамас*, – деб ноннинг расмини чизади.

Демак, бу ёшдаги болаларнинг аксарияти феъл сўз туркумига оид «ёзмоқ» ва «чизмоқ» лексемаларини бир тушунча сифатида идрок этгани ҳолда ҳар икки тушунчани ифодалашда ҳам «ёзмоқ» феълидан фойдаланади. Айрим ҳолатларда бундай далиллар сўз бойлиги нисбатан кам бўлган бошланғич синф ўқувчилари нутқида ҳам учрайди. Асрор Туйғунов (7 ёш) нутқида кузатилган куйидаги мисол ушбу фикрга асос бўлади: бола ўқитувчи томонидан уйга берилган топшириқни бажариши жараёнида онасига *Унни ёзомадим*, – дейди. Мазкур мулоқот вазиятида бола томонидан билдирилган фикр мазмуни мактабда ўқувчиларга қандай вазифа берилганлигини аниқлаш орқали англашилди. Топшириқ алифбе китобида қайд этилган таркибида «н» товуши мавжуд луғавий бирликлар воситасида ифодаланувчи нарса-буюмларнинг расмини чизишдан иборат бўлиб, бу ўринда бола «ёзмоқ» феълининг бўлишсиз шакли ёрдамида ун маҳсулотини чиза олмаганлигини тушунтиришга ҳаракат қилган.

Бошланғич синф ўқувчилари нутқининг лексик-семантик хусусиятлари юзасидан олиб борилган кузатув натижалари болаларда тилга нисбатан янгича ёндашув шаклланишини кўрсатади. Бу ҳолат бола томонидан лексика мезонларининг тўлиқ ўзлаштирилмаганлиги билан белгиланади. Чунки мазкур ёш даврида бола нутқ воқелигига нисбатан соф эмпирик позицияга ўтади. Бу позиция унда ўқиш ва ёзиш малакасининг шаклланишига ёрдам беради. Бироқ у тил қонуниятлари, хусусан, сўзлар ўртасидаги функционал-семантик муносабатлар масаласига назарий жиҳатдан ёндаша олмайди.

Болалар нутқида учрайдиган юқоридаги каби камчиликларнинг ислоҳ қилинишига таълим жараёнида кузатиладиган ўқитувчи ва ўқувчи муносабати билан боғлиқ баъзи бир

социопсихологик муаммоларга алоҳида эътибор қаратиш ҳамда уларни ҳал этиш орқали эришиш мумкин. Таълимнинг дастлабки босқичида феъл лексемаларнинг семантик структураси, гапдаги ўрни ва вазифасини аниқлаш борасидаги қийинчиликларнинг ўз вақтида бартараф қилинмаслиги нафақат бошланғич синфда, балки юқори синфда ҳам болалар томонидан икки мустақил сўз туркуми таркибида шаклдош лексема сифатида хизмат қилувчи луғавий бирлик маъноларининг чуқур ўзлаштирилишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Кичик ёшдаги болалар ҳамда ўсмирлар томонидан феъл сўз туркумига оид лексик бирликларнинг ўзлаштирилиши ва нутқда қўлланиши билан боғлиқ асосий тафовут шундаки, мактабгача ёшдаги бола майл, замон ва шахс-сон категорияларидан фойдаланишда уларни ўзаро аралаштириб юборади. Бундай мисоллар, айниқса, бола томонидан бўлишсиз шаклдаги феълларнинг ифодаланиши жараёнида кўп учрайди: Ҳожимурод Эркинов (2 ёш 3 ой) «емайман» лексемасини *емийдим* деб тушунтиради. Ушбу нутқий ҳодиса 4 ёшгача бўлган болаларнинг мулоқот жараёнида кенг кузатилади: Ҳожимурод Эркинов (3 ёш 7 ой) «қолдирмайман» сўзини *қоматаман* шаклида ифодалайди. Бунга асосан мактабгача ёш давридаги боланинг когнитив фаолияти билан боғлиқ психик жараёнлар сабаб бўлади. Чунки катталардан эшитиш орқали она тили луғат таркибига хос имкониятлар тизимини тадрижий равишда ўзлаштириб бораётган боланинг хотирасида грамматик жиҳатдан мураккаб тузилишга эга бўлган инкор маъносини англатувчи феъл шакллари тўлиқ сақланиб қолмайди: Насиба Арипова (1 ёш 3 ой) томонидан «олиб кетманг!» мазмунидаги нутқий ифода *Онтет йўқ!* тарзида қўлланади. Ушбу нутқий ҳодиса бола лисоний онгининг ривожланиб бораётганлигини кўрсатади. Чунки у фикрни ифодалашда қийинчиликка дуч келганлиги туфайли, сўз захира-сидаги инкор маъносини акс эттирувчи «йўқ» лексемасидан онгли равишда фойдаланишга интилган.

Баъзан 3-4 ёшли бола нутқида сон сўз туркумига оид луғавий бирликларнинг ифодаланиши билан боғлиқ ўзига хос хусусиятлар кўзга ташланади. Автомобилда кетаётган Сарварбек Умаров (3 ёш 4 ой) уч бармоғини кўрсатиб: *Ана милиса. Тўрттами-бешта милиса турипти,* – дейди. Ҳақиқатан ҳам

кўчада уч нафар милиция ходими турган эди. Бунда бола милиционерлар сонини бармоғида тўғри аниқлаган бўлишига қарамай, унинг фикри нутқ воситасида ўз мазмунига мувофиқ тарзда акс этмайди. Юқоридаги ҳолат мазкур ёш давридаги боланинг сон сўз туркумига оид лексик бирликлар семантикасини тўлиқ ўзлаштириш имкониятига эга бўлмаслиги натижасида юз берган. Бунда у «уч» тушунчасини нутқ орқали ифодалашда сон лексемалар ҳақидаги умумий тасаввурларига асосланган. 5-6 ёшли бола нутқида эса катталардан ўзлаштирилган ҳисоб сўзлари ҳам ўзаро алмаштирилган ҳолда ифодаланади: Ҳилолахон Эркинова (5 ёшу 10 ой) бир килограмм майизни *Бир литр майиз* деб тушунтиради¹. Бунда бола «килограмм» ва «литр» сўзларининг ўлчов бирлигини ифодалашга хизмат қилишини маълум даражада тушунган бўлса-да, уларнинг турларини фарқлай олмаган. Мазкур ҳодисанинг юзага келишига унинг онаси томонидан ҳар куни банкада сут харид қилиш учун сотувчи билан мулоқот жараёнида «литр» сўзининг тез-тез ишлатиб турилиши ва кўп эшитиш орқали бу лексема боланинг хотирасидан «килограмм» сўзига нисбатан чуқур ўрин эгаллаганлиги сабаб бўлган.

III. Ассоциатив номинация. Бунда воқелик, нарса ёки ҳодиса тасаввурлар ассоциацияси асосида номланади. Мазкур типдаги номинатив бирликлар инсон руҳияти билан боғлиқ хусусиятлар таъсирида пайдо бўлади. Чунки боланинг номинатив фаолиятида тасаввур, хотира, хаёл каби психологик жараёнлар муҳим ўрин тутади: Салоҳиддин Аскарлов (4 ёшу 4 ой) *кечани эртасида* деб ўтган куни бўлган воқеани сўзлаб беради. Бунда бола бугундан кейинги кунни ифодаловчи тушунчани «эрта» сўзи билан италишини билади. Яъни унинг тасаввурида «эрта» сўзи ҳаракатнинг олдинга йўналишини англатади. У ҳаракатнинг орқага йўналишини ҳам шу йўсинда тасаввур қилганлиги сабабли кечадан олдинги кунни шундай номлайди. Санжар Серкабоев (5 ёш) югуриш учун қулайлик хусусиятига кўра красовкани *югурадиган туфли* деб атайди. Азизахон Султонова (4 ёш) нутқида кузатилган *ўриси қозоғи* (корейс) мисолида бола туркий

¹ Гидкиқотнинг 2.1. бўлимида таҳлил қилинган субститутив номланишлар Тошкент шаҳридаги 118-367-464-147-сон мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ҳамда 146-214-умумий ўрта таълим мактабларининг 1-4-синф ўқувчилари нутқи устида олиб борилган бевосита кузатувларга кўра қайд этилган.

халқлардан бири бўлган қозоқ миллатига мансуб кишилар ҳақидаги тасаввурларига таянган ҳолда ташқи қиёфасига кўра уларга ўхшаш, аммо нутқий хусусиятига кўра фарқли кишиларни кўриб, шундай ҳулосага келган¹.

Албатта, кичик ёшдаги болаларда кузатиладиган бундай хусусиятларга нутқий нуқсон сифатида қараш тўғри бўлмайди. Чунки лисоний ижтимоийлашув жараёнида боланинг нутқи сифат жиҳатдан такомиллашиб, анъанавий тил меъёрларига мослашиб боради. Номлашнинг метафора, метонимия, субституция ва ассоциация усуллари нутқий номинацияни юзага келтирувчи психолингвистик омиллар ҳисобланади.

Она тили луғат таркибини ўзлаштириш кўникмасини шакллантиришга йўналтирувчи тажриба усулларида фойдаланган ҳолда ўзбек болаларга хос нутқий номинацияга таъсир этувчи экстралингвистик омилларни аниқлаш ва шу орқали уларнинг фаол луғатини лексика мезонига мувофиқ тарзда такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш онтолингвистиканинг долзарб вазифаларидан биридир.

2.2. Болалар нутқига оид ясама сўзлар семантикасининг психолингвистик талқини

Болада нутқнинг пайдо бўлиши унинг психик ҳаётидаги муҳим ҳодисадир. Ушбу ҳолат дастлаб гўдак томонидан буюмлар олами билан танишиш жараёнида ўзлаштириладиган бир сўзли номлаш воситаларининг ифодаланишида намоён бўлади. Психологияда Л.С.Виготский давридан бошлаб, тилни ўзлаштириш жараёнига олий психик функцияларнинг тикланиши натижасида юзага келувчи асосий ҳодиса сифатида қаралади: «Болада тафаккурнинг ривожланиши ва тасаввурларнинг кенгайиши нутқнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ»².

Гўдак томонидан она тилининг ўзлаштирилиш жараёни қандай кечиши унинг нутқида нарс-буюм номларининг ифодаланиши билан белгиланади. Бу ҳолат боланинг мулоқотга киришиш жараёнида буюмлар билан боғлиқ амалий фаолият

¹ Таджикотнинг 2.1. бўлимида таҳлил қилинган ассоциатив номланишлар Тошкент шаҳридаги 118-367-464-сон мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари нутқи устида олиб борилган бевосита кузатувларга кўра қайд этилган.

² Виготский Л.С. Развитие высших психических функций. - М.: Просвещение, 1960. - 348 с.

натижасида юз беради. Сўзловчи нарса-буюмга ном беришдан олдин унга хос бўлган хусусиятларни билиши, англаши зарур. Бола бундай билимга у билан ўйнаши жараёнида эга бўлади.

Нутқни ўзлаштириш болаларнинг жамият аъзоси сифатида шаклланишидаги энг муҳим босқич ҳисобланади. Болалар томонидан нутқнинг ўзлаштирилиши доимий равишда янги сўзларни ўрганиш, шу билан бирга, неологизмларни кашф қилиш жараёнидан иборат. Бунда лексик воситалар муайян тилда мавжуд бўлган қоидаларга мувофиқ сўз ясаш тизимининг яширин имкониятларидан ижодий фойдаланиш жараёнида юзага келади.

Тадқиқотчиларнинг фикрича¹, бола нутқида сўз ясаш имкониятининг пайдо бўлишида унинг фаолияти билан боғлиқ лисоний ҳодисаларни умумлаштириш ва грамматик шаклларни қўллашга оид имплицит қонуниятларнинг юзага келиши асосий жараён ҳисобланади. Бола нутқида кузатиладиган ясама сўзлар кашф қилишнинг психолингвистик механизмлари «модель-тип» категорияси билан белгиланади.

Маълумки, болалар томонидан ўзлаштирилган янги ясама сўзлар ҳисобига уларнинг луғат захираси миқдор жиҳатдан ортиб боради. Таниш сўзларнинг янги маънолари ҳақида билим ва малакага эга бўлиш болалар фаол луғатининг сифат жиҳатдан бойиши ва такомиллашувига сабаб бўлади. Сўз ясалиши тизимини ўрганиш болалар потенциал луғати учун замин ҳозирлайди ва уларда лексика устида мустақил кузатув олиб бориш кўникмасининг ҳосил бўлишига ёрдам беради. Болалар нутқида хос ясама сўзларнинг семантик структураси улар тажрибасида юз бераётган ўзгаришлар ва буюмлар оламини ўзлаштириш даражасини акс эттириш билан бирга, тилни ўрганиш даражасини ҳам кўрсатади.

Демак, ясама сўзлар сўз ясалиши жараёнлари натижаси сифатида болалар нутқининг ривожланишига оид янги жиҳатларни характерлайди. Тилни том маънода ўзлаштириш – жумлалар тузиш ва уларни англаш қобилятидагина эмас, балки ясама сўз кўринишидаги янги номинатив birlikларни ўйлаб топмай, уларни тил тизимида хос муайян қоидаларга мувофиқ ҳолда тузиш маҳоратида ҳам воқеланади. Сўз ясаш ҳодисалари ва

¹ Черемухина Г.А., Шахнарович А.М. Детское словотворчество и синтаксическая теория словообразования. // Психолингвистические проблемы и обучения языку. - М.: Наука, 1976. - 168 с.

уларнинг натижаси сифатида намоён бўлувчи нутқий ясалмалар болада когнитив қобилиятнинг ривожланиш даражасини ҳам акс эттиради. Биз вербал мулоқотнинг ривожланиш босқичида ясама сўзларнинг ўзлаштирилиши жараёни билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш мақсадида 4 ёшдан 6 ёшгача бўлган болалар нутқи устида тажриба ўтказдик. Синов жараёнида Тошкент шаҳридаги 118-сон мактабгача таълим муассасасининг олти нафар тарбияланувчиси иштирок этди. Дастлаб синалувчиларга бир қатор ясама сўзларнинг изоҳи келтирилди. Ҳар бир изоҳдан сўнг болаларга унинг маъносини бир сўз орқали ифодалаш вазифаси топширилди. Тажриба иштирокчиларининг нутқий фаолиятида ўзидан олдин айтилган жавобларни эшитиб, уларни айнан такрорлаш ҳолати юз бермаслиги учун синов жараёни индивидуал тарзда амалга оширилди. Оғзаки нутқ орқали болаларга сифатдош ўрамли бирикма тарзида тақдим этилган айрим материаллар ҳамда тажриба натижаларини кластер усули ёрдамида қуйидагича акс эттириш мумкин:

Кластер



2-кластер



Юқоридагилардан кўринадики, тажриба иштирокчиларининг аксарияти изоҳи келтирилган нутқий қурилмаларни берилган топшириққа мувофиқ тарзда ифодалашга ҳаракат қилган. Масалан, «ёлғон гапирадиган одам» тарзида тақдим этилган бирикманинг маъносини ясама сўз орқали ифодалашда икки нафар синалувчи эслаш омилига асосланган ҳолда *ёлғончи* сўзини қўллаган. Уч нафар синалувчи мазкур нутқий бирликнинг маъносини акс эттиришда «ёлғончи» лексемасига синоним сифатида оғзаки нутқда кўп ишлатиладиган *алдоқчи* сўздан фойдаланган. Бунда болалар кундалик ҳаётда кўп эшитиш орқали ҳосил қилинган амалий кўникмаларга таянганлар. Бир нафар иштирокчи эса мазкур изоҳнинг ясама сўз орқали қай тарзда ифодаланишини аниқлай олмаганлиги боис ёлғон гапирадиган одамларга хос салбий хусусиятни акс эттирувчи *ёмон* сўздан фойдаланган ҳолда вазиятдан чиқишга интиланган.

Бу борадаги амалий изланишлар давомида тўпланган мисоллар орасида ноузвал ясама сўзлар ҳам мавжуд бўлиб, «кўшиқ айтадиган одам» тушунчасини акс эттириш мақсадида қўлланган *ашула этадиганчи* тарзидаги жавоб ушбу фикрни исботлайди. Синалувчилар томонидан мазкур бирикма маъносининг акс эттирилиши жараёнида кузатилган нутқий

бирликларнинг муайян қисми ассоциация натижасида юзага келган. Тажриба жараёнида *Шохруҳ репер* тарзида акс этган жавоб шулар жумласидандир. Бунда бола «қўшиқ айтадиган одам» тарзида берилган изоҳни эшитиши билан муסיқанинг реп усулида ижод қилувчи Шохруҳ исмли хонандани кўз олдига келтирган. Яъни у «қўшиқчи» тарзида ифодаланиши керак бўлган тушунчани талқин қилишда мияда ҳосил бўлган тасаввурларга асосланган.

А.Н.Гвоздевнинг фикрига кўра¹, бола умумэйтироф этилган тилга мувофиқ сўз ва шаклларни ҳар доим ҳам атрофдан тайёр ҳолда ўзлаштирмайди. Шу туфайли баъзан гўдак томонидан сўзнинг тўлиқ ўзлаштирилган ёки мустақил ҳолда ясалганлигини объектив равишда аниқлаш мураккаб жараён бўлиб, унинг катталар билан ситуатив мулоқоти мобайнида ҳам болаларча сўз ясаш ҳолатлари кузатилади. Сўз ҳар қандай ўзгаришга тайёр ва мос шакл бўлганлиги боис бола унинг одатий функцияларига жиддий эътибор бермаган ҳолда луғавий бирлик таркибидаги товушларни ўзгартириб, лексемага янги маъно юклаши мумкин. Бунда у ўзи учун муҳим бўлган хусусиятни сўз таркибида етакчи деб белгилайди. Адабий тилдаги сўзлар ўзига хос чекловлар ва таъсирлар остида ривожланиб ўзгарса, болалар нутқида бундай чекланишлар кузатилмайди.

Демак, бола тил ўрганишнинг муайян босқичида ясама сўзларни катталар нутқидан тўғри ўзлаштирибгина қолмай, балки мустақил равишда кашф қилиши ҳам мумкин. Масалан, Малика Абдухалилова (4 ёшу 9 ой) эртақ мазмунини сўзлаб бериш жараёнида ундаги асосий қаҳрамонларни қуйидагича тавсифлайди: *Қиммат – уришқоқ, эркатой, ишёқмас, Зумрад бўса ақлли, одобли, ишёқар қиз*².

Кўпинча бундай ҳолатлар боланинг муайян лексик бирликни эшитиши билан уни ижодий такрорлаш асосида янги сўз кашф қилиши натижасида юз беради. Бола нутқий фаолиятида тақлид асосида юзага келадиган ўзига хос нутқий қурилмалар унинг атрофидаги катталар учун инновация (янгилик)³ ҳисобланади.

¹ Гвоздев А.Н. Вопросы изучения детской речи. - Саратов: Саратовский университет, 1961. - 460 с.

² Тадқиқотнинг 2.2. бўлимида таҳлил қилинган инновациялар Тошкент шаҳридаги 16-118-сон мактабгача тўғрисида муассасаси тарбияланувчилари нутқи устида олиб борилган бевосита кузатувларга кўра қайд этилган.

³ Бекмуродов М.Б., Ота-Мирзаев О.Б. ва б. Социология. - Тошкент: Халқ мероси, 2002. - Б. -180.

Мазкур масала юзасидан амалга оширилган кўплаб тадқиқотлар¹ она тили грамматик тизимини ўзлаштириш нутқ товушларини таҳлил қилиш, умумлаштириш ва генерализациялаш ҳодисасига асосланганлигидан далолат беради. Бу эса гўдакнинг умумлаштиришга интилиши, ўхшашликлар ва қонуниятлар излаши, ўз тилида ўзига хос тартиб ўрнатишга интилиши билан боғлиқ. Болалар нутқи шу жиҳатдан катталар нутқидан ажралиб туради. Болалар бирон-бир ўзгарган қолипни топиш билан, илгари эшитмаган бўлсалар ҳам, унинг ёрдамида шаклан барқарор сўзлар ясаб, мазкур лексик birlikларни имкон қадар кенг маънода қўллашга ҳаракат қиладилар. Бу ҳолатда реал воқеликдаги ўзгаришлар бола томонидан сезгилар ёрдамида қабул қилинади ва унинг тасаввурида акс этади.

Ясама сўз болалар нутқида уларнинг ўз ихтиёридаги воситалар билан ифодалай оладиган фикрига нисбатан мураккаброқ маънони акс эттириш зарурати туғилганда пайдо бўлади. Бироқ болаларнинг ноузуал сўз тузиш намуналари, болаларча неологизмлар улар нутқида ишлатиладиган ясама сўзларнинг бир қисмини ташкил этади.

Демак, болалар нутқига хос сўз яшаш жараёнларини тадқиқ этишда фақат ноузуал тузилмаларни ўрганиш билан чекланмаслик керак. Болалар нутқига хос сўз яшаш жараёнлари тадқиқи ясама сўзларнинг барча турларини қамраб олиши лозим. Ясама сўзларнинг семантик жиҳатдан бир хил эмаслиги шу билан боғлиқки, воқелик ва уни акс эттирувчи ном ўртасида структураларга ажратиш жараёнига асосланиб, у бола ривожланишининг турли босқичларида турли даражада қисмларга ажралишига кўра мураккаблиги билан характерланади.

Н.М.Юрьеванинг таъкидлашича², болалар нутқига хос ясама сўзларнинг юзага келиш сабабларини тадқиқ этиш ва уларнинг функционал-семантик хусусиятларини аниқлашда қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш зарур:

1. Ясама сўз семантикасида боланинг тил ва буюмларга оид воқеликни ўрганиш билан боғлиқ тажрибасида юз бераётган ўзгаришлар қай тарзда акс этаётганлигини аниқлаш.

¹ Аркадьева Т. Г. Семантико-ассоциативный компонент в значении окказионализмов детской речи / Детская речь: проблемы и наблюдения. Сб. науч. трудов. - Л., 1989. - С. 55-63.

² Юрьева Н.М. Изучение семантики производного слова в детской речи // Фонетика и психология речи. - М.: Ишнова, 1984. - С. 149.

2. Бола ривожланишининг турли босқичларида буюмлар, тирик жонзотлар ва вазиятларни ифодалайдиган ясама сўзлар маъносининг ўзгариб боришини кузатиш, яъни ясама сўзнинг янги, янада тўлиқ мазмун билан бойишини тадқиқ этиш.

Болалар томонидан ясама сўзлар семантикасининг ифодаланиши билан боғлиқ муаммоли масалаларни тажрибалар орқали ўрганишда сўз ясаш жараёнлари нафақат лисоний, балки психолингвистик омилларнинг ҳам натижаси эканлиги исботланган. Бу жиҳатдан болаларга хос ясама сўз морфемаларни тўплаш ва комбинациялаш жараёнларининг оқибати эмас, балки воқеликни номлашга хизмат қилувчи фикрлаш ва нутқий фаолият маҳсулидир. Шу хусусиятига кўра болалар нутқи лексик-семантик ҳамда сўз ясалиши жиҳатдан ўзига хосликка эга. Болалар нутқидаги бу ўзига хослик тилнинг барча сатҳларида намоён бўлади. Уларни ҳар бир сатҳ доирасида тадқиқ этиш тилнинг бир бутун тизим эканлиги ва бу тизим муайян қурилмалар асосида шаклланганлигини янада ойдинлаштиришга имкон беради.

2.3. Болалар нутқида оид индивидуал неологизмларнинг юзага келиш сабаблари

Боланинг катталар ва тенгдошлари билан мулоқотга киришиши жараёнида кузатиладиган ўзига хос ифода воситаларининг аксарияти сўз-ижод асосида юзага келади. Болалар нутқи тадқиқига бағишланган адабиётларда «сўз-ижод» тушунчаси тилнинг грамматик структурасини ўзлаштиришдаги дастлабки босқич сифатида таърифланади. Хусусан, Н.С.Сайидираҳимова томонидан амалга оширилган тадқиқотда таъкидланишича¹, сўз-ижод болаларнинг луғат бойлиги ўсганда ва улар нутқидаги сўзлар қиёсланиш имкониятига эга бўлган вақтдан пайдо бўла бошлайди.

Боланинг коммуникатив фаолиятида сўз-ижод асосида намоён бўлувчи нутқ маҳсулининг аксарият қисмини индивидуал неологизм (маҳсулдор бўлмаган қолип асосида ҳосил қилинган ва

¹ Сайидираҳимова Н.С. Мактабгача ёшдаги ўзбек болалар нутқининг лингвистик хусусиятлари: Филол. фанлари номзоди ... дисс. - Тошкент, 2004. - Б. - 63

муайян нутқий вазиятда қўлланган сўз)¹лар ташкил қилади. Онтолингвистикага оид адабиётлар²да ушбу ходисанинг моҳиятини ёритишга жиддий эътибор қаратилган бўлиб, уларда сўз-ижод бола нутқининг ривожланиш даражасини белгиловчи муҳим хусусият сифатида талқин қилинади. Бироқ айрим ота-оналарнинг фикрича, уларнинг фарзандларида ўзига хос сўз яшаш қобилияти мавжуд эмас.

Албатта, бу ҳолат мазкур ота-оналар томонидан болаларнинг нутқ меъёрларини ўзлаштириши жараёнига етарли даражада эътибор қаратилмаганлигидан далолат беради. С.Н.Цейтлин бу борадаги тадқиқотида Э.Косериу томонидан илгари сурилган назарий концепцияларга таянган ҳолда тизим ва меъёр билимлари ўртасида тафовут мавжудлигини аниқлайди. Унга кўра, бола дастлаб имкониятлар тизимини билиб олади. Унинг тизимли билимлари шу асосда юзага келади. Бу эса меъёрга зид ҳолат ҳисобланади. Бола меъёрдан аввал тизимни ўзлаш-тирганлиги боис унинг имкониятларидан кенг фойдаланади. Натижада болалар нутқига хос инновациялар юзага келади. Бола билмаган ҳолда меъёрнинг селектив (танлаш) функциясини инкор этса, деривация натижасида юзага келган сўз шакли окказионализм сифатида ифодаланади³.

Мавзуга доир тадқиқотларда қайд этилганидек⁴, болада ижод маҳсулининг пайдо бўлиши ва бойиб бориши мазмун билан ифодани талаб этувчи жараёнда тайёр сўзнинг мавжуд эмаслиги билан белгиланади. Шу туфайли болалар нутқидаги ёддан чиқарилган лексик бирликларнинг ўрнини янги сўзлар тўлдирди.

С.И.Тошалиеванинг таъкидлашича⁵, янги сўз тушунчаси тил луғатига замонийлик нуқтаи назаридан ёндашиш бўлиб, унинг таркибига адабий тил доирасидаги, ноадабий (умумхалқ тили, шевалар) тил доирасидаги неологизм (узуал) ва окказионализмлар ҳам киритилади. Бунда узуаллик ва окказионаллик,

¹ Қаранг: Аркадьева Т. Г. Кўрсатилган мақола. - С. 55-63.

² Қаранг: Черемухина Г.А., Шахнарович А.М. Кўрсатилган манба. - 168 с; Тамбовцева А. Г. Генезис, структура и функции детского словотворчества // Тезисы VII всесоюзного симпозиума по психоллингвистике и теории коммуникации. - М.: Акад. наук СССР, 1982. - С. 116-117.

³ Цейтлин С.Н. Инновации как продукт речевой деятельности ребенка / Детская речь : проблемы и наблюдения. Сб. науч. трудов. - Л., 1989. - С. 66.

⁴ Сайдирахимова Н.С. Кўрсатилган диссертация. - Б. 64.

⁵ Тошалиева С.И. Ўзбек тилида окказионал сўз яшалиши: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. - Тошкент, 1998. - Б. 16

яъни шаклан тилда тайёр ҳолда мавжудлик ва янгилик ўртасидаги муносабатлар қориштириб юборилади, узувал ва окказионал ҳодисалар фарқланмайди. Узуваллик ўзбек адабий тилининг лексик сатҳида мавжудлик жиҳатидан, окказионаллик эса мавжуд эмаслик (луғатларда қайд этилмаган сўз) нуқтаи назаридан тавсифланади. У окказионализм истилоҳини нутқдаги турли хил ғайриодатий, фавқулудда қўллаш ва ясаишлар учун ишлатилишини ҳисобга олган ҳолда, бундай нутқий бирликларни тилдаги барқарорлик, доимийлик, одатийлик, маромлилик ҳамда шахсий ижодийлик ўртасидаги узвий зиддиятнинг ўзига хос ифодаси сифатида эътироф этади.

Болалар окказионализмлари жуда хилма-хил бўлиб, улар ўзига хос тушуниш, англаш, сўзнинг янги шакллариини излаш каби хусусиятлар билан характерланади. Шунга кўра, болалар нутқига оид ихтиёрий далил объектив равишда икки мустақил аспектда таҳлил қилиниши мумкин:

1. Лингвистик тадқиқотлардаги анъанавийлик «вертикал ёндашув». Бунда бола нутқига хос ихтиёрий далил метъерий тилдаги аналогик далил билан қиёсланиб, уларнинг ўзаро мослик даражаси аниқланади.

2. Горизонтал ёндашув. Бунда бола томонидан ҳар бир ёш даврида ўзлаштирилган лисоний тизим вариантлари тадқиқот объекти сифатида назарий жиҳатдан адекват тарзда намоён бўлади. Бола нутқига оид бирликлар ва қоидалар катталар тилининг шаклланиб улгурган тизими орқали эмас, балки ички томондан кўриб чиқилади. Ҳар бир алоҳида даврда боланинг тили зарурий коммуникацияни таъминловчи лисоний бирлик ва қоидаларга асосланган яхлит ва мустақил тизимдан иборат бўлади. Онтолингвистикада улар бошқа сўзлар билан таққосланади ёки ички таркиби бўйича турлича таҳлил қилинади¹.

Рус тилшунослигида амалга оширилган баъзи тадқиқотларда эътироф этилишича², болалар нутқидagi ҳеч бир янги сўз мутлақ оригинал бўлмайди. Масалага бу нуқтаи назардан ёндашувда бола томонидан кашф қилинган ҳар бир сўз она тилида фаол қўлланилувчи луғавий бирликларнинг ўзлаштирилиши каби унинг

¹ Қарағ: Шахмегова А.К. Онтолингвистика: прошлое и настоящее // Қазақ тілі ғасырлар тоғысында: теориясы, тарихы және қазіргі жайы. - Алматы: Арыс, 2007. - С. 509-515.

² Юрьева Н.М. Семантические дефиниции производных слов как феномен речевой объективации языкового сознания ребенка. <http://www.iling.spb.ru/grammatikon/child/content.html> - 31.05.2004.

лексиконида тайёр ҳолда мавжуд бўлган феноменологик намуна асосида ҳосил қилиниши назарда тутилади.

Албатта, ўзбек болалар нутқида ҳам бу борадаги қарашларни асословчи лексик-грамматик материаллар кўп учрайди. Масалан, Ҳожимурод Эркинов (4 ёшу 5 ой)дан уйга келган меҳмоннинг ким эканлиги сўралганида, у нотаниш бўлган аёлнинг исмини билмаганлиги сабабли *кимдир холам* деб жавоб беради.

Болалар нутқида хос индивидуал неологизмларнинг муайян қисми аналогия ҳодисаси туфайли юзага келган нутқий ифодалардан иборат бўлиб, улар асосан сўз бирикмасининг луғавий бирликка айланиш йўли билан ясалган окказионализмлар ҳисобланади: Ҳожимурод Эркинов (3 ёшу 7 ой) қовурилган чучварани *саватча* деб атади. Бунда у таом турининг номини билмаганлиги боис шаклига кўра унга ўхшаш бўлган буюмга нисбатан қўлланиладиган ясама сўздан фойдаланган.

Болалар томонидан аналогик ифодаларнинг кашф этилишида муайян нарса-буюм ёки воқеа-ҳодиса билан уни ифодаловчи тушунча ўртасида ўзаро ўхшашлик, боғлиқлик қидириш хусусияти муҳим аҳамиятга эгадир: Ҳожимурод Эркинов (4 ёшу 3 ой)нинг нутқида «Официант» сўзи *ошхоначи* тарзида ифодаланadi. Бу эса боланинг маънони ўзича талқин қилиб, тилдан шу тушунчага мос сўзни топа олмаганлигидан далолат беради.

Ўзбек болалар нутқида оид неологизмлар орасида форс-тожик тилидан ўзлашган -хона аффиксоиди ёрдамида ҳосил қилинган ғайриодатий сўз шакллари ҳам учрайди. Масалан, Ҳилолаҳон Эркинова (5 ёшу 9 ой) укасига қараб шундай дейди: *Ўйинчолани ёйиб, уйи бозорхона қиворибсан-ку!*

Бу каби ўзига хосликлар мазкур ёш даврида боланинг тил қонун-қоидаларини тўла ўзлаштириш имкониятига эга бўлмаганлиги туфайли юзага келади: Салоҳиддин Асқаров (4 ёшу 8 ой) ўзбек тилида сифатдош ўрамли бирикма шаклида ифодаланувчи «телевизор турган хона» маъносигаги нутқий қурилмани *тилвизрхона* деб тушунтиради. Бола томонидан бу ўринда қўлланган индивидуал неологизмни материал жиҳатдан турли тилларга мансуб сўз қисмларининг чапишуви натижасида ҳосил қилинган гибрид окказионализмлар қаторига киритиш мумкин.

Кузатувлар давомида болалар томонидан табиат ҳодисаларининг изоҳланишида ҳам ўзига хос жиҳатлар кўзга ташланади: Салоҳиддин Асқаров (4 ёш) «Кун тобора қоронгилашиб бормоқда» мазмунини англагучи пропозицияни *Қоронги гуниллаб тушвотти*, «кун ёришганда» мазмунидаги фикрни *Қоронги тепага чиққанда* тарзида ифодалайди. Бурҳониддин Асқаров (3 ёшу 4 ой) эса «қоронги» сўзини ўз ўрнида тўғри қўллаган ҳолда, «ёруғ» лексемасини *ёронги* шаклида акс эттиради. Болалар вербал мулоқотида бу тарзда намоён бўлувчи индивидуал неологизмлар уларнинг нутқида тузилиши жиҳатдан сўз ҳосил қилиш парадигмасига мувофиқ ҳолатда ифодаланмайди. Болаларнинг сўз қўллаш жараёнида кузатиладиган бундай ҳолатлар нутқий хатолик сифатида баҳоланади.

Онтогенез жараёнида юзага келувчи нутқий хатоларни тадқиқ этишда мисоллар болани қуршаб турган катталар талаффузига қиёсланган ҳолда таҳлил қилиниши лозим. Юқорида илгари сурилган фикрни Салоҳиддин Асқаров (4 ёшу 2 ой) нутқида кузатилган яна бир мисол асосида изоҳлаш мумкин: *Кўчада қор миқлим*. Бола ушбу нутқий вазиятда Тошкент шаҳар шевасида сўзлашувчи ўқувчилар нутқида кенг қўлланадиган «кўп» маъносини ифодаловчи *лиққим* сўзини фонетик ўзгаришга учраган ҳолда талаффуз қилган.

Демак, ёшларнинг коммуникатив фаолиятида социолект (ижтимоий диалект)¹ элементи сифатида намоён бўлувчи мазкур нутқий бирликни семантик жиҳатдан таҳлил қилиш натижасида кўчада қор кўп эканлиги англашилади. Мактабгача ёшдаги болалар нутқида хос юқоридаги сингари ҳодисалар нафақат социолингвистик, балки психолингвистик омиллар таъсирида ҳам юз бериши мумкин: Ҳожимурод Эркинов (2 ёшу 5 ой) «калькулятор» сўзини *макалатут* тарзида қўллайди.

Кўпинча бундай ҳолатлар мактабгача ёшдаги болалар ва бошланғич синф ўқувчилари томонидан хорижий тиллардан ўзлашган сўзларнинг ўзига хос тарзда талаффуз қилиниши билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Чунки мазкур ёш даврида ўзлашма сўзни хотирада сақлаб қолиш бола учун мураккаб жараён ҳисобланади: Азизахон Султонова (4 ёш) нутқида «ҳамшира» маъносини ифодаловчи «медсестра» сўзи *министра* тарзида

¹ Қаранг: Расулов К. Социолект ва нутқ // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент, 2007. - № 4. - Б. 61-64.

талаффуз қилинса, Санжар Серкабоев (4 ёш) маршруткани *рамашутка* деб атайтиди.

Аксарият ҳолларда ўқувчилар нутқида ўзига хос ифода воситалари мактабгача ёшдаги болалардан фарқли равишда сўздаги маъно бўёқдорлигини ошириш мақсадида ишлатилади: Мираъло Султонов (9 ёш)дан келажакда қандай касбни эгаллаши ҳақида сўралганида, у: *Лётчик бўламан, осмон таксиси бўламан*, – деб жавоб беради. Ушбу мулоқот вазиятида кузатилган нутқий ҳодиса бола мазкур касбнинг ўзбек тилидаги номи «учувчи» тарзидаги ясама сўз орқали ифодаланишини билган бўлса-да, фикрини ўзига хос шаклда акс эттиришга интиланлигини англатади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ўзбек болалар нутқи лексикасини бевосита кузатиш жараёнида номлаш билан боғлиқ баъзи истисно ҳолатлар кўзга ташланади: Ҳожимурод Эркинов (1 ёшу 11 ой) нутқида помидор *тану* деб номланади. Юқоридаги сингари хусусиятлар боланинг 10 ойдан 2 ёшу 6 ойгача бўлган даврида кўп кузатилади. Бу эса унинг хотирасида мазкур тушунчаларни ифодаловчи тайёр лексема ёки намунанинг мавжуд эмаслигини кўрсатади.

Бундан англашиладики, болалар нутқида она тилининг сўз ясаш тизимига номувофиқ тарзда акс этувчи индивидуал неологизмларнинг юзага келишига уларнинг ёш хусусияти ва хотираси билан боғлиқ психик жараёнлар сабаб бўлади. Болалар нутқида ўзбек тилининг сўз ясаш андозасига мос келмайдиган индивидуал неологизмларнинг пайдо бўлиши асосан 5-6 ёшгача бўлган даврга хос хусусият ҳисобланади. Чунки улар мазкур ёш давридан бошлаб, катталар нутқида оид лисоний қолипларни ўзлаштириш асосида она тилига хос сўз шаклларида ўз ўрнида тўғри фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Шунга қарамай, айрим ҳолатларда мактаб ўқувчиларининг нутқий фаолиятида ҳам катталар каби сўзга кўшимча маъно бериб, ундаги эмоционал-экспрессивликни таъминлаш мақсадида контаминация (бирор муносабат, тасаввурга кўра ўзаро боғлиқ бўлган икки сўз ёки иборани бирлаштириш)¹ усули орқали ҳосил қилинган лексик окказионализмларни учратиш мумкин: Нодирахон Султонова (14

¹ Қиранг: Большой энциклопедический словарь. - М.: Большая Российская энциклопедия, 2004. - С. 565.

ёш)нинг нутқида «кечирим сўраш» маъносида қўлланган *узуризатр* сўзи ушбу фикрга яққол мисол бўла олади.

Одатда, ўқувчилар нутқида оид бундай индивидуал неологизмлар хазил-мутоибага асосланган коммуникатив вазиятларда кўп ишлатилади: Сарварбек Умаров (7 ёш) айтган сўзларини такрорлаётган ўртоғига қараб: **Мани маскирывать кима** (масхара қилма!), – дейди. Болалар томонидан ўзига хос сўз шакллариининг қўлланиши нутқ ривожланишининг муайян даври билан боғлиқ бўлмай, балки унинг бутун тараққиёти даврида кузатилади: Ҳилолаҳон Эркинова (8 ёш) нутқида туз солинган идиш – туздон, шакар солинган идиш эса **шакардон** тарзида ифодаланади¹. Бунда бола бир лексеманинг ясалишини англаб етгани ҳолда, бошқа сўзларни ҳосил қилишда ҳам шу усулдан фойдаланган.

Юқоридагилардан англашиладики, кўплаб индивидуал неологизмларнинг юзага келишини таъминлашга хизмат қиладиган болаларга хос сўз яшаш ҳодисаси уларнинг луғат захирасида мавжуд бўлган нутқ стереотипларидан ижодий фойдаланиши натижасида юз беради. Шунга кўра, болаларга хос сўз-ижод жараёни нутқий номинациянинг муҳим омили сифатида талқин қилиниши мақсадга мувофиқдир. Чунки ўзбек болалар нутқи лексикасининг индивидуал-психологик хусусиятларини тадқиқ этиш тил тараққиётига хос баъзи лингвистик қонуниятлар табиатини ёритишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

¹Тадқиқотнинг 2.3. бўлимида таҳлил қилинган материаллар Тошкент шаҳридаги 16-367-464-547-сон мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари, 119-131-сон умумий ўрта таълим мактаблари ҳамда ижтимоий фанларга йўналтирилган махсус мактабнинг 2-8-синф ўқувчилари нутқи устида олиб борилган бевосита кузатувларга кўра қайд этилган.

III-БОБ. БОЛАНИНГ ПЕРЦЕПТИВ ЛУҒАТИ

3.1. Лексик ўйин жараёнида боланинг нутқий фаолияти

Кичик ёшдаги боланинг фаолияти ранг-баранг бўлиб, у кун давомида бирон-бир машғулот билан шуғулланади, катталарнинг топшириқларини бажаришга уринади, аммо ҳаммадан кўра кўпроқ ўйинлар ўйнашни ёқтиради. Чунки ўйин бола учун энг яқин, сеvimли машғулот ҳисобланади. «Болада ўйинга бўлган иштиёқ кучли бўлиб, бу иштиёқни қондириш усулларини билиш керак. Болага ўйин учун муайян вақт берибгина қолмай, унинг ҳаётига ўйинни сингдириш лозим. Боланинг бутун ҳаёти ўйиндир»¹.

Адабиётларда қайд этилганидек², ўйинлар болани келгуси ҳаётга тайёрлашда асосий воситалардан бири сифатида хизмат қилади. Н.М.Аксаринанинг таъкидлашича³, ўйин фаолияти ўз-ўзидан вужудга келмайди, бу жараён уч шароит мавжуд бўлишини тақозо этади:

а) бола лисоний онгида уни қуршаб турган воқелик тўғрисидаги хилма -хил таассуротларнинг таркиб топиши;

б) ҳар хил кўринишдаги ўйинчоқлар ва тарбиявий таъсир воситаларининг муҳайёлиги;

в) боланинг тез-тез катталар билан мулоқот ва муомалага киришуви.

Маълумки, ўйин фаолиятида кузатиладиган мулоқот жараёнида боланинг шахсий фазилатлари ҳамда характер-хусусиятлари бевосита унинг нутқига боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Боланинг перцептив луғати (идрок этиш фаолияти натижасида юзага келувчи сўз шакллари луғати)⁴ қай даражада бой бўлса, лисоний имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда фикр алмашиш жараёни ҳам шу даражада қулай ва осон амалга

¹ Солихова М., Ғозиева С. Мактабгача тарбия ёшидаги болалар учун халқ ўйинлари. - Тошкент: Ўқитувчи, - Б. 5-6.

² Қаранг: Ғозиев Э. Психология (ёш даврлари психологияси). - Тошкент: Ўқитувчи, 1994. - Б. 99.

³ Қаранг: Ғозиев Э. Психология (ёш даврлари психологияси). - Тошкент: Ўқитувчи, 1994. - Б. 99.

⁴ Кассевич В. Б., Смирнова А. В., Ягунова Е. В. Перцептивный словарь взрослых и детей.

<http://www.iling.spb.ru/grammatikon/child/contentce.html> - 31.05.2004. - С. 114-117.

ошади. Нутқи яхши ўсган бола кўпчиликка тез кўшилиб, тенгқурлари билан мулоқотга киришади. Бу эса боланинг экстрове́рт (муомалага тез кириша оладиган)¹ шахс сифатида шаклланишига сабаб бўлади. Аксинча, нутқи яхши ўсмаган бола ўртоқлари билан ўйнашга, мулоқотга киришишга қийналади. Бу унинг шахсиятига кучли таъсир этади. Натижада бола тортинчоқ ва уятчан бўлиб қолади. Нутқида муайян даражада камчилиги бўлган боланинг ота-онаси унинг сўзларини яхши тушунади. Шу туфайли у оилавий мулоқотда қийинчиликларга дуч келмайди. Бу эса боланинг ҳар томонлама ривожланиши учун етарли бўлмайди.

Демак, болалар нутқида учрайдиган социопсихоллингвистик хусусиятларни нафақат унинг ота-онаси, балки атрофдагилар ҳам яхши англаб етишларига эришиш лозим. Чунки болада кузатилган тортиниш ёки уялиш ҳисси аутизм (ижтимоий мулоқотдан қочиш)² ҳодисасининг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин.

Нутқий мулоқот орқали болада она тилига ҳос лексик бирликларни ўзлаштириш кўникмасини шакллантиришга йўналтирилган тажриба усуллари нафақат педагогикага оид адабиётларда, балки социоллингвистик ва психоллингвистик тадқиқотларда ҳам қайд этилган. Жумладан, С.Г.Ивамура³нинг мактабгача ёшдаги болалар нутқи лексикаси тадқиқига доир монографияси³да нутқни ўстириш ва ривожлантиришга йўналтирилган машқ ўйинлар таҳлил қилинган бўлиб, унда болаларнинг нутқий мулоқотга киришувида ўйин вазиятларининг аҳамияти хусусидаги фикрлар мужассамланган. Маскур тадқиқотда қайд этилишича, ўйинлар бола лугат захирасининг янги сўзлар билан бойиши ва унда кузатувчанлик қобилиятининг шаклланиши асосида ўз нутқини тузатиш кўникмасининг ҳосил бўлишига маълум даражада ёрдам беради.

Замонавий хорижий тадқиқотларда «ўз-ўзини тузатиш» тушунчаси остида коммуникатив муваффақиятсизликнинг тузатилишида боланинг қобилияти назарда тутилади. Коммуникатив ўз-ўзини тузатиш боланинг илк мулоқотга киришув

¹ Қаранг: Мўминов С. Коммуникация танишув босқичининг социопсихоллингвистик хусусиятлари // Илмий хабарлар. - Фарғона, 1996. - № 1. - Б. 113.

² Қаранг: Николаенко Н. Н., Вершинина Е. А. Понимание метафор и идиом у здоровых детей и больных аутизмом. <http://www.iling.spb.ru/grammatikon/child/content.html> - 31.05.2004.

³ Қаранг: Ивамура С.Г. Речь и игры детей дошкольного возраста // Р.Ж. Языкознание. Общественные науки зарубежом. - М., 1981. 1-серия. - 237 с.

даврига тўғри келади. Бола нутқининг ўзи ва ўзгалар томонидан тузатилиши муайян хусусиятларига кўра қуйидагича таснифланган¹:

I. Ўз ташаббусига кўра тузатиш:

- а) Тўғри тузатиш (ўзгаларнинг таъсирисиз);
- б) Ўзгаларнинг тузатиши (катталар ташаббусига кўра);
- в) Ўзгаларнинг тузатиши (катталарнинг айнан тузатиши);

II. Болалар ўз-ўзини тузатиши тилнинг меъёрий муносабатларига кўра:

- а) меъёрий бўлмаган лисоний далилларнинг меъёрий бирликлар билан алмаштирилиши;
- б) «аксинча ўз-ўзини тузатиш»;
- в) окказионализмларнинг шу турдаги сўзлар билан алмаштирилиши.

III. Ўз-ўзини тузатиш объектига кўра:

- а) фонетик;
- б) грамматик;
- в) сўз ясалиши;
- г) морфологик;
- д) синтактик.

Катталар томонидан бола нутқини тузатиш таснифи:

I. Тўғридан тўғри тузатиш (меъёрий вариантга алмаштириш таклифи киритилади).

II. Ўзгалар томонидан тузатилиши (катталарнинг бола нутқидаги хатоларга муносабати, меъёрийликка эришишга қаралиши):

- а) қайта сўраш (катталарнинг савол билан мурожаати);
- б) боланинг нутқига танбеҳ бериш;
- в) боланинг нутқий хатосини кўрсатиш;
- г) боланинг хатосини тенгдоши қилган хато билан қиёслаш;
- д) анологик сўз ясаш модели орқали тузатиш таклифи².

Юқоридаги каби усуллардан фойдаланиш бевосита мулоқот тарзида амалга ошади. Болаларнинг луғат захирасини меъёрий нутқ бирликлари билан бойитиш мақсадида амалга

¹ Қаранг: Дементьев В.В. Основы теории непрямо́й коммуникации: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. - Саратов, 2001. - С. 3-16.

² Елисева М.Б., Наумова О. Языковые самоисправления ребенка и исправления взрослым речи ребенка. <http://www.liling.spb.ru/grammatikon/child/contentence.html> - 31.05.2004.

ошириладиган коммуникация жараёни билвосита мулоқот шаклида намоён бўлиши ҳам мумкин.

Кичик ёшдаги боланинг таълим-тарбияси, умуман, ҳаётини фаолиятини йўлга қўйишда ўзининг аҳамияти каттадир. Ўзини жараёнида боланинг атроф-муҳит ҳақидаги тушунча ва тасаввурлари кенгайиб, воқеликка муносабат билдира олиш қобилияти шаклланади. Шу асосда у нарса-ҳодисаларнинг ўзига хос хусусиятларини билиб боради. Бола теварак-атрофда кузатилган нарса-буюм ҳамда воқеа-ҳодисалар ҳақидаги маълумотларни ўзини орқали ўзлаштириб, ҳар хил ҳаракатларни бажаради, кўрган-билганларини ўзича талқин қилиши натижасида ифодаланаётган ҳодисаларнинг мазмун-моҳиятини яхшироқ тушуниб олишга интилади. В.В.Дементьев бу борадаги тадқиқоти¹ да мактабгача ёшдаги болалар ўзинларини қуйидаги типларга ажратади:

1. Коммуникатив ўйинлар. Бу типдаги ўйинлар тилга боғлиқ ёки боғлиқ эмаслигига кўра ўзаро фарқланади. Улар ўртасидаги тафовут шундан иборатки, тил билан боғлиқ коммуникатив ўйин болага ижодий қобилиятини эркин ҳолда намоён этиш имконини беради. Тилга боғлиқ бўлмаган ўйин эса унинг фаолиятини муайян қоидалар билан чеклаб қўяди. Бир неча қоидаларни ўз ичига олувчи коммуникатив ўйинлар мусобақа тарзида ўтказилади. Одатда, муайян қоидалар асосида амалга ошириладиган ўйин жараёни тартибли кечади.

2. Нокоммуникатив ўйинлар. Бундай ўйинларда қоидалар мавжуд бўлмайд.

Баъзан болаларнинг тилга боғлиқ бўлмаган коммуникатив ўйин фаолиятида ҳам специфик хусусиятлар юзага чиқади. Улар боланинг ўйинга ном бериши жараёнида яққол акс этади: Ҳожимурод Эркинов (4 ёш 10 ой) ўртоғига: *Дрш-дрш ўйиниймизми?* – деб мурожаат қилади. Боладан «Дрш-дрш» қандай ўйин эканлиги сўралганда, у мазкур фаолият турининг бошни бошга уриш орқали амалга оширилишини ҳаракат ёрдамида тушунтирмоқчи бўлади.

Бола катталарнинг турмуш тарзи, ҳис-туйғулари, ўзаро муомала ва мулоқотга киришиш хусусиятлари, ўзига ва

¹ Дементьев В.В. Прямая и непрямая коммуникация в онтогенезе. <http://www.ifling.spb.ru/grammatikon/child/content.html> - 31.05.2004.

ўзгаларга, атроф-муҳитга муносабатини яққол воқелик сифатида акс эттириш мақсадида турли хил ўйинчоқлар ва уларнинг вазифасини ўтовчи нарсалардан кенг фойдаланади. У мустақил равишда ўйнаётганда нутқий фаолият орқали мулоқотга киришиш хусусиятини юзага чиқаради. Мухлиса Муллажонова (3 ёш 9 ой) ўйин чоғида доимо онаси томонидан ўзига нисбатан айтилган сўзлар билан ўйинчоқ куёнчасига, кўғирчоқларига мурожаат қилади. Ҳилолаҳон Эркинова (5 ёш 8 ой) эса киш фаслида боғчага кетишдан олдин уйда ясалган арчанинг олдига бориб, *Хайр, арча!* – деб у билан хайрлашади. Сарварбек Умаров (3 ёш 10 ой) нутқида ҳам юқоридаги каби мисолларни кўплаб кузатиш мумкин. У ухлашдан олдин «Микки Маус» ўйинчоғига: *Хайр, яхши ухаб тур!* – деб хайрли тун тилайди.

Албатта, бундай ҳолатларда бола жисмларга ижтимоий мазмун ифода этувчи воқелик сифатида ёндашади. Ушбу фикрга далил сифатида Сарварбек Умаров (3 ёш 10 ой) нутқида учраган қуйидаги мисолни келтирамиз. У ўйин жараёнида велосипед миниб юриб, оёғи бир оз толиқиб қолганидан сўнг шундай дейди: *Велсапетим чарчаб кетти, гаражга обориб қўяман-де, чарчаб бўса ҳайдаб кетаман*¹.

Болалар нутқий фаолиятининг ривожланишида лексик ўйинлар²нинг аҳамияти каттадир. Чунки бундай ўйинлар бола нутқининг ўсиши, фикрлаш қобилиятининг ривожланиши, билим савиясининг кенгайиши ва хотирасининг янада мустақамланишига ёрдам беради. Улар интеллектуал-психологик ўйин тури сифатида ўқувчилар томонидан она тили луғат тизимининг ўзлаштирилиши жараёни билан боғлиқ масалаларни ёритишда муҳим ўрин тутади.

Болалар нутқида оид лексик-семантик хусусиятлар 7 ёшдан 11 ёшгача бўлган тўққиз нафар ўқувчи ўртасида ўтказилган «Мен нимани ўйладим?» номли топишмоқ тарзидаги интеллектуал-психологик ўйин жараёнида яққол намоён бўлди³. Тажрибада Тошкент шаҳридаги ижтимоий фанларга йўналтирилган махсус мактаб, «Камол авлод» боғча-мактаб мажмуаси, 119-159-214-сон

¹ Таджикотнинг 3.1. бўлимида нокоммуникатив ўйин махсули сифатида талқин қилинган материаллар Тошкент шаҳридаги 118-547-сон мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари нутқи устида олиб борилган бевосита кузатувларга кўра қайд этилган.

² Asqarova M., Matchonov S. va b. Kichik yoshdagi bolalar nutqini o'stirish. - Toshkent: O'zbekiston, 2000. - B. 33.

³ Синалувчилар нутқида ифодаланган таърифлар диктафонга ёзиб олинган.

умумий ўрта таълим мактабларининг 1-4-синф ўқувчилари иштирок этди.

Синов жараёни куйидаги тартибда амалга оширилди: дастлаб болаларга ўйин иштирокчиларидан бири бирор нарсани ўйлаб, унинг номини эмас, балки таърифини оғзаки нутқ орқали адабий тилда ифодалаши, бошқа иштирокчилар эса таърифланган сўзни топиб, ёзма равишда қайд этиб боришлари кераклиги айтилди. Шундан сўнг жавоблар айнан такрорланмаслиги учун ҳар бир синалувчига ўзи таърифламоқчи бўлган сўзни бошқа иштирокчиларга кўрсатмаган ҳолда ёзиб бориш вазифаси топширилди. Мазкур лексик ўйиннинг асосий мақсади болалар томонидан муайян тушунчани ифодаловчи лексемага берилган таъриф орқали уларнинг нутқни идрок этиш даражасини аниқлашдан иборат бўлиб, ушбу тажриба усули ўқувчилар нофаол луғатининг фаоллашувини таъминлайди, шу билан бирга, болаларда зийраклик, синчковлик сифатлари ва мустақил фикрлаш қобилиятининг ривожланишига ёрдам беради. Ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини ривожлантириш билан боғлиқ муҳим масалалардан бири уларнинг лисоний онгида мантикий тафаккурнинг асосий бирликлари ҳақидаги тушунчаларни шакллантириш ва ривожлантиришдир. Чунки боланинг тафаккурида шаклланган тушунча нарсаларга оид умумий ва ўзига хос белгиларни акс эттиради. Ижодий ёндашув асосида ўтказилган ушбу ўйин шартига кўра, барча ўқувчилар томонидан берилган таърифлар уларнинг оғзаки нутқида адабий тил меъёрларига мувофиқ ҳолда ифодаланган.

Интерактив ўйин жараёнида уч нафар ўқувчи бошқа иштирокчиларга нисбатан сўз бойлигининг кўплиги, фикрлаш доирасининг кенглиги ва дарсликларда қайд этилган маълумотларни талаб даражасида ўзлаштирганлиги билан ажралиб турди. Жумладан, Ҳилолаҳон Эркинова *сиз* сўзини ёзиб, куйидагича таърифлади: *У ҳаёт манбаи, усиз одамлар яшай олмайди. Каралак сўзини эса, ўзи жуда нозик, узоги билан икки кун яшайди* тарзида ифодалади.

Юқорида таърифланган сўзлар барча ўқувчилар томонидан қийинчиликларсиз тўғри аниқланган. Бу эса боланинг лисоний имкониятлардан ўринли фойдаланган ҳолда ўйин қатнашчи-

ларига ўз фикрларини аниқ тушунтира олганлигидан далолат беради.

Таъриба давомида айрим ўқувчилар томонидан муайян тушунчага таъриф бериш ўрнига топишмоқлардан фойдаланиш ҳолатлари ҳам кузатилди. Зулфияхон Юлвасхўжаеванинг (8 ёш) нутқида *sabzi* тушунчасини акс эттириш мақсадида қўлланган *Er magida oltin qoziq* топишмоғи бунга мисол бўла олади. Ушбу далил орқали боланинг топшириқни бажаришда осон йўлни танлашга интилганлиги англашилди. Бу ҳолатда у барча болаларга халқ орасида кенг тарқалган топишмоқ остида яширинган сўзни топиш учун қулай вазиятни юзага келтирган.

Интеллектуал-психологик ўйин иштирокчилари орасида мактабда рус тилида таълим олувчи ўзбек миллатига мансуб болалар ҳам мавжуд бўлиб, улар она тилидаги мулоқот жараёнида рус тилига оид лексик бирликларни аралаштирмасликка ҳаракат қилдилар. Масалан, Абдукарим Анваров нутқида *У одамларнинг узогини яқин қилади* тарзида акс этган таъриф аксарият ўқувчилар томонидан *mashina* сўзининг изоҳи сифатида тўғри талқин қилинган бўлишига қарамай, қайд этилган жавоблар орасида *durbin, ko'zoynak, kamera* ва *telefon* сўзлари ҳам ўз ифодасини топган.

Кўринадики, боланинг фикри нутқ орқали тўғри ифодаланган бўлса-да, ўзбек тилидаги сўз бойлигининг камлиги туфайли келтирилган таърифнинг қисқа ва нисбатан ноаниқлиги ўқувчиларга вазифани бажаришда маълум даражада қийинчилик туғдирган. Шу сабабли синалувчилардан олинган жавоб вариантларининг аксарият қисми таърифда назарда тутилган сўздан фарқ қилади. Ўйин иштирокчилари томонидан у ёки бу тушунчанинг таърифланиш жараёнида уларнинг нутқий фольятида ёш даври билан боғлиқ психологик хусусиятларга кўра айрим тафовутлар мавжудлиги аниқланди.

3-4-синф ўқувчилари мулоҳаза юритиш кўламининг қамрови, таърифнинг далилларга бойлиги бўйича 1-2-синф ўқувчиларидан устунлигини кўрсатди. Бунинг сабабини улар турмуш таърибасининг кенглиги ва ақлий салоҳиятининг нисбатан юқори эканлиги билан изоҳлаш мумкин. Болалар нутқида юқоридаги сингари хусусиятларнинг акс этиши уларнинг перцептив луғати билан боғлиқ бўлиб, мазкур ҳолат бир томондан бошланғич синф

ўқувчиларида она тилидаги нутқни идрок этиш малакасининг шаклланишига доир масалаларга жиддий эътибор қаратишни талаб этади.

Лексик ўйин давомида ўқувчилар нутқида кузатилган умумий хусусият шундаки, болалар томонидан тушунчалар моҳиятининг ёритилишида айтилган фикрларни қайта такрорламаган ҳолда уларга нисбатан турлича ёндашилган. Синалувчилар нутқида ифодаланган таърифлар мазмундорлиги мактабда уларнинг табиатшунослик фанига оид билимларни алоҳида қизиқиш билан ўзлаштирганликларини кўрсатади. Шу жиҳатдан сўз ўйинлари болалар томонидан она тилидаги нутқнинг ўзлаштирилиши жараёни билан боғлиқ социопсихо-лингвистик хусусиятларни аниқлаш ва уларнинг перцептив лугатини фаоллаштиришдаги етакчи усуллардан бири саналади. Чунки онтогенез жараёнида бола дастлаб она тилига хос сўзлар ва уларнинг семантикасига нисбатан объектив муносабатда бўлади.

Психоллингвистикада боланинг нутқ воқелигига нисбатан ёндашуви икки нуқтаи назардан фаркланади. Боланинг позицияси нутқ бирлиги бўлган сўзга нисбатан амалий кўринишда бўлса, коммуникация жараёнида лексик воситалар формал-функционал жиҳатдан турлича ифодаланишига қарамай, унинг лисоний онгида семантик таракқиёт билан боғлиқ қонуниятлар ҳақидаги тушунча ва тасаввурлар ноаниқлик касб этади. Боланинг нутққа нисбатан муносабати назарий хусусиятга эга бўлса, у она тилини предметли дунёни акс эттирувчи воқелик сифатида талқин қилади. Бунда бола тилнинг унсурлари, тузилмалари ва қонуниятларини муайян даражада тушуниши мумкин. Тилнинг лексик-семантик сатҳига доир қонуниятларни англаб етган бола нутқ бирлигидан эркин ва онгли равишда фойдаланиш имкониятига эга бўлади¹.

Бола сўзлар семантикаси ҳақидаги назарий маълумотларни асосан умумий ўрта таълимнинг юқори босқичида, яъни 5-синфдан бошлаб чуқур ўзлаштириб боради. Бошланғич ва юқори синф ўқувчилари нутқи лексикасига хос фарқли хусусиятлар «Ким кўп ва хўб билади?» ўйинидан ижодий фойдаланган ҳолда 9 ёшдан 13 ёшгача бўлган тўрт нафар ўқувчи ўртасида ўтказилган

¹ Каранг: Выготский Л.С. Мышление и речь. - М.-Л.: Просвещение, 1934. - 262 с; Развитие высших психических функций. - М.: Просвещение, 1960. - 348 с.

синов жараёнида якқол намоён бўлди. Тажрибада Тошкент шаҳридаги «Камол авлод» боғча-мактаб мажмуаси ҳамда ижтимоий фанларга йўналтирилган махсус мактабнинг 3-6-синф ўқувчилари иштирок этди.

Полисемантик сўзлар ўртасидаги маъно муносабатини аниқлашга йўналтирилган ушбу ўйин жараёнида «бет» лексемасидан материал сифатида фойдаланилди. Тажриба иштирокчиларига мазкур луғавий бирликнинг қандай маъноларда ишлатилишини мисоллар ёрдамида ифодалаш кераклиги тушунтирилди. Синов жараёни ёзма равишда амалга оширилди.

Бу борада ўтказилган тажриба натижаларига кўра, полисемантик сўз сифатида қўлланиладиган «бет» лексемасининг маънолари синалувчилар томонидан мисоллар ёрдамида қуйидагича талқин қилинган: Санжар Серкабоев томонидан мазкур лексик бирликнинг маънолари шундай ифодаланган:

1. Yuz: Odamning yuzi.

2. Varaq: Daftarning varag' i.

Абдуллоҳ Акбаров томонидан қайд этилган мисолларда эса ушбу сўз қуйидаги маъноларда ишлатилган:

1. Varaq: Men kitobning 128-betiga keldim.

2. Insonning yuzi: Odamlar insonning yuz ko'rinishiga qarab baho berishadi.

3. Tomon: Men ariqning narigi betiga sakrab o'tdim.

Юқоридаги мисоллар таҳлили шуни кўрсатадики, бошланғич синф ўқувчиси кўп маъноли сўзлар ҳақида назарий билимга эга бўлмаганлиги учун лексеманинг фақат тўғри маъноларига эътибор қаратган. Юқори синф ўқувчиси илгари ўқув материалнинг маъносини тўлиқ тушунмаган ҳолда ёдлаб олишга одатланган бўлса, кейинчалик мантикий хотира ва тафаккурга таянган ҳолда сўзнинг кўчма маъноларини ҳам аниқлаш имкониятига эга бўлган.

Вербал мулоқот ва унинг асосий элементи бўлган сўзга нисбатан бола позициясининг ўзгариши билан боғлиқ психолингвистик қонуниятларни тадқиқ этиш нутқий фаолиятнинг ривожланиш босқичида мантикий тафаккурнинг шаклланиши ҳақидаги умумий тасаввурнинг кенгайишига хизмат қилади. Мазкур қонуниятларни тадқиқ этиш болалар томонидан омоним сўзлар семантикасининг талқин қилиниши билан боғлиқ

муаммоларнинг ечими учун ҳам муҳимдир. 11-12 ёшли болалар ўртасида «Топқирлар беллашуви» ўйини асосида ўтказилган синов натижалари юқоридаги фикрни исботлайди. Тажрибада Тошкент шаҳридаги 119-146-сон умумий ўрта таълим мактабларининг йигирма нафар 6-синф ўқувчиси иштирок этди. Ўйин иштирокчиларига от ва феъл сўз туркумига оид шаклдош лексемани топиб, унинг маъноларини мисоллар ёрдамида изоҳлаш кераклиги эълон қилинди. Синов жараёни ёзма равишда амалга оширилди.

Ўқувчилар томонидан уларнинг перцептив луғатида мавжуд бўлган омоним сўз маъноларининг ифодаланишида қуйидаги ҳолатлар кузатилди:

1. Тажриба иштирокчилари томонидан келтирилган мисолларнинг аксарият қисмида лексик омонимларнинг асосий маънолари ўз ифодасини топган. Жумладан, Абдубосит Абдураҳмонов нутқида «от» сўзининг маънолари шундай изоҳланган:

a) hayvon: Men ot minishni yaxshi ko'raman;

b) odamga qo'yiladigan ism: Mening otim Abdulloh;

c) so'z turkumi: Ot – predmetni bildirib, kim? yoki nima? so'rog'iga javob bo'ladigan so'z;

d) fe'l shakli: Bolalar tosh otib, oynani sindirishdi;

e) hasharot: Oti yo'q – chayon.

2. Ўқувчилар томонидан қайд этилган айрим далиллар уларнинг лексик омонимлар ва муайян ягона референт билан боғланган тушунчани ифодаловчи сўз шакллари фарқлай олмаслигини кўрсатади. Бу ҳолат Зулфия Мирзиёдованинг жавобларида аниқ кўзга ташланади:

a) kulmoq: Kulib yurish odamni yoshartiradi;

b) kul (yongan o'tinning kuli): Kul osmonda uchadi;

c) kuldur: Xanda ustalari odamni kuldiradi;

d) kuldirgich: Qizaloqning yuzida chiroyli kulgichi bor.

3. Тажриба жараёнида тўпланган бир қатор мисолларда омоним сўзлар фақат бир маънода қўлланган. Бунга Шоазиз Шомахмудовнинг жавобларини мисол қилиб келтириш мумкин:

a) mening juda ko'p do'stlarim bor;

b) o'rtog'imda qiziqarli kitoblar bor;

c) kutubxonamizda ertak kitoblar bor.

Албатта, болалар мазкур ёш даврида юқоридаги каби шаклдош сўзларни турли мулоқот вазиятларида ҳар хил маънода қўлланиши ҳақида муайян даражада билим ва малакага эга бўлганликлари туфайли коммуникация жараёнида улардан тўғри фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Лексик омонимларнинг семантик хусусиятларини мисоллар орқали талқин қилиш жараёнидаги қийинчиликлар эса нафақат синалувчилар томонидан ўзлаштирилган лисоний билимлар, балки уларда коммуникатив қобилиятнинг ривожланганлик даражасига боғлиқ ҳолда юзага келган.

Юқоридаги каби специфик хусусиятлар ўқувчилар томонидан хорижий тилларнинг ўзлаштирилиши билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш борасида ўтказиладиган лексик ўйин жараёнида ҳам кўп кузатилади. Чунки болалар томонидан хорижий тил лексикасининг ўзлаштирилиши билан боғлиқ масалаларни ёритишда сўз ўйинларидан фойдаланиш ижобий натижа беради. Қизиқарли ўйинлар орқали сўз ўзлаштирилганда боланинг хотирасида янги лексик birlikлар мустаҳкам сақланиб қолади. Шу мақсадда биз инглиз тилини ўзлаштираётган 11-12 ёшли ўзбек болалар нутқи устида тажриба ўтказдик¹. Синов жараёнида Тошкент шаҳридаги кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар махсус мактаб-интернатининг етти нафар 5-синф ўқувчиси иштирок этди. Тажрибада «Ўйла, изла, топ ёки 7X7» телеўйинидан ижодий фойдаланилди. Ўйин шартига кўра, синалувчиларга 7 дақиқа давомида инглиз тилида нарса-буюмнинг белгисини билдирувчи 7 та сўзни ёзиш ва уларни ўзбек тилига таржима қилиш вазифаси топширилди. Шундан сўнг ўқувчиларга ўйин якунида ҳар бир синалувчи ўзи ёзган сўзларни бошқа иштирокчиларга ўқиб эшиттириши кераклиги айтилди. Бундан мақсад болалар томонидан ўзлаштирилган инглиз тилига хос луғавий birlikлар уларнинг оғзаки нутқида қай тарзда ифодаланишини аниқлаш эди.

Тажриба иштирокчиларининг уч нафари белгиланган вақт давомида инглиз тилида 7 та сўзни ёзиб, ўзбек тилига тўғри таржима қилган бўлса-да, жавоблар орасида нафақат сифат, балки от лексемалар ҳам акс этган. Бунга Абдурасул Салимов томонидан қайд этилган қуйидаги сўзларни мисол қилиб

¹ Тажриба жараёнида кўзи ожизлар учун мўлжалланган бўртма нуқтали махсус алифбодан фойдаланилган.

келтириш мумкин: *red – qizil, blu – ko ‘k, guz – g‘oz, histori – tarix, matematic – matematika, cet – mushuk, big – katta.*

Бола билан ўтказилган индивидуал суҳбат жараёнида аниқланишича, у «goose», «history», «mathematics», «cat» лексемалари куш, ҳайвон ва ўқув фанларининг номини ифодалашди, «red», «blue», «big» сўзлари эса нарса-буюмнинг белгисини англатишини яхши тушунган. Бунда бола жавобларнинг лексик-семантик хусусиятига эмас, балки миқдор кўрсаткичининг юқори бўлишига эътибор қаратган.

Кўринадики, юқоридаги ҳолатнинг юзага келишига бола лексиконида мавжуд инглиз тилига оид луғавий бирликларнинг асосий қисми нарса-ҳодисаларнинг номини ифодаловчи сўзлардан иборат эканлиги сабаб бўлган. Тўрт нафар ўқувчи томонидан ёзилган сўзлар миқдор жиҳатдан кам бўлишига қарамай, жавобларнинг барчаси нарса-буюмларнинг белгисини англатади. Масалан, Азиз Ҳожабековнинг ёзма нутқида қуйидаги сўзлар акс этган: *blek – qora, blu – ko‘k, yellow – sariq, grin – yashil*¹.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, ўқувчилар томонидан қайд этилган сўзларнинг аксарият қисмида икки ва ундан ортди орфографик хато кўзга ташланади. Бироқ юқоридаги сингар далиллар синалувчиларнинг оғзаки нутқида инглиз тилининг талаффуз меъёрларига мос ҳолда ифодаланган.

Тошкент шаҳридаги 119-сон умумий ўрта таълим мактабининг 12-13 ёшли ўн икки нафар ўқувчиси иштирокида ўтказилган интеллектуал-психологик ўйин асосида тўпланган баъди қатор лексик материаллар иккинчи тилнинг луғат тизимини ўзлаштириш жараёнида юзага келадиган муаммоли масалалар қаторида аниқлик киритиш имконини берди². Тажрибада амалга кенгайтириш усули³ асосида сўз қўшиш орқали «Хотирага мустаҳкамлаш» ўйинидан фойдаланилди. Бунда синалувчиларнинг маънави форс тилига оид «دييارستان» лексемасига сўз қўшиш орқали унинг кенгайтириб, гап сифатида шакллантириш вазифаси топширилди. Ўйиннинг бу тарзда ташкил этилишидан мақсад болаларда ж

¹ Синалувчилардан олинган жавобларни аслидай сақлаб қолиш мақсадида Таджикотнинг 3.1. бўлимида таҳлил қилинган инглиз тилига оид сўзлардаги орфографик хатолар тузатилмади.

² Синалувчилар нутқида ифодаланган форс тилига оид материаллар диктафонга ёзиб олинган.

³ Қаранг: Нейматов Х. Ғ., Фуломов А.К., Зиёдова Т.У. Ўқувчилар сўз бойлигини ошириш. - Тошкент: Кўнрақ журнали фабрикаси, 1995. - Б. 11.

бир кенгайтирилган бўлақларнинг ўзини кенгайтириш, бошқа сўзлар билан алмаштириш, шу асосда сўзлар ҳақида маълумот ҳосил қилиш, сўз бойликларини ошириш ҳамда равон нутқ малакаларини ривожлантиришдир.

Лексик ўйин давомида етти нафар ўқувчи фаол иштирок этди. Ўйин қондасига мувофиқ, тажриба иштирокчиларига тақдим этилган «*دبیرستان*» («мактаб») лексемаси улар томонидан сўз қўшиш орқали кенгайтирилган гап сифатида қуйидаги тартибда шакллантирилди:

1. *دبیرستان ما*
(Бизнинг мактаб).
2. *دبیرستان ما بزرگ و زیبا است*
(Бизнинг мактабимиз катта ва чиройлидир).
3. *دبیرستان ما بزرگ ، زیبا و قشنگ است*
(Бизнинг мактабимиз катта, чиройли ва гўзалдир).
4. Жавоб бера олмади.
5. Жавоб бера олмади.
6. *دبیرستان ما بزرگ ، زیبا قشنگ و سبز و خرم است*
(Бизнинг мактабимиз катта, чиройли, гўзал ва кўм-кўкдир).
7. *دبیرستان ما بزرگ ، زیبا قشنگ و سبز و خرم است*
(Бизнинг мактабимиз катта, чиройли, гўзал ва кўм-кўкдир).
8. Жавоб бера олмади.
9. *دبیرستان ما بزرگ ، زیبا ، قشنگ ، سبز و خرم و چهار اشکوبه عبارت است*
(Бизнинг мактабимиз катта, чиройли, гўзал, кўм-кўк ва тўрт қаватдан иборатдир).
10. Жавоб бера олмади.
11. *دبیرستان ما بزرگ ، زیبا ، قشنگ ، سبز و خرم از چهار اشکوبه عبارت است و در دبیرستان ما خانه هلی زبان فارسی، روس تیلی و تاریخ هست*
(Бизнинг мактабимиз катта, чиройли, гўзал, кўм-кўк ва тўрт қаватдан иборатдир ва бизнинг мактабимизда форс тили, рус тили ва тарих хоналари бор)¹.
12. Жавоб бера олмади.

Юқорида қайд этилган далиллар ўқувчиларнинг нутқида орфоэпик жиҳатдан тўғри ифодаланган. Бунинг сабаби шундаки, форс тилига оид луғавий бирликлар талаффуз оҳангига кўра ўзбек тилидан кескин фарқланмайди. Ўйин жараёнида 2-рақамли

¹ Ҳиндувлардан олинган жавобларни аслидай сақлаб қолиш мақсадида улар томонидан йўл қўйилган грамматик хатолар тузатилмади.

иштирокчи Дилором Исмоилова иккита сўз кўшиш орқали ўзидан олдин айтилган гапни кенгайтирган. 1-рақамли иштирокчи Камола Умарова ва 6-рақамли иштирокчи Раъно Холматова биттадан сўз кўшиб, жумлани кенгайтиришга ҳаракат қилган бўлса, 3-рақамли иштирокчи Муборак Нормуродова гап тузишда ўзидан олдин айтилган жумла таркибидаги «чиройли» семасини ифодаловчи *زيبا* сўзидан сўнг унга маънодош бўлган *قشنگ* сўзини истифода этиш билан лексик плеоназм ҳодисасини юзага келтирган. Бироқ синов жараёнида қўлланган мазкур нутқий ифода лисоний ортикчалик эмас, балки *زيبا* (чиройли) сўзининг маъносини янада кучайтиришга хизмат қилади. 7-рақамли иштирокчи Малика Эркинова ўзидан олдин айтилган жумлани айнан такрорлаган. 9-рақамли иштирокчи Насиба Усмонова гапдаги сўзларнинг ўрнини алмаштириб қўллаш ва *از* (-дан) кўмакчисини тушириб қолдириш натижасида лексик-грамматик хатоларга йўл қўйган. 11-рақамли иштирокчи Турсуной Зиятова бешта сўз кўшиб, жумлани кенгайтиришга ҳаракат қилган. Лекин у «*زبان روسی*» (рус тили) изофий бирикмасини қўллаш ўрнига унинг ўзбек тилидаги маъносини ифодаловчи *روس تیلی* (рус тили) сўз бирикмасидан фойдаланган. Ушбу нутқий вазиятда кодлар аралашуви натижасида вербал интерференция ҳодисаси юз берган.

Болалар перцептив луғатининг такомиллашувида лексик ўйинларнинг аҳамиятини аниқлаш борасида ўтказилган тажриба натижаларига асосланиб шуни айтиш мумкинки, синалувчиларнинг тилни ўзлаштиришга бўлган лаёқати, сўз бойлиги ва билим савияси уларда нутқни тушуниш ва тил луғат тизими имкониятларидан самарали фойдаланган ҳолда фикрни раво ифодалаш малакасининг шаклланганлик даражасини кўрсатади. Бу борада эришилган ютуқлар тажриба иштирокчиларининг оғзаки нутқида яққол намоён бўлди. Бироқ ўйин жараёнида синалувчилар томонидан муайян лексема ёки синтактик қурилма таркибидаги сўз тартибининг ифодаланишида лексик-грамматик жиҳатдан айрим специфик хусусиятлар кўзга ташланди. Бу борадаги ўзига хосликлар ўқувчиларнинг иккинчи тилдаги нутқни тушуниши жараёнида ҳам юз берди.

Демак, боланинг катталар ва тенгдошлари билан муносабатида сўз ўйинлари муҳим ўрин тутди. Бола ўйинлари

айниқса, кичик ёшда ўзига хос хусусиятга эга. Турли ижтимоий ролларни бажариш болаларда кенг мулкотда бўлишни тақозо этади. Бу эса ўз навбатида бола сўз захирасининг бойиб бориши, унда лисоний қобилият ва нутқий хулқнинг шаклланиши, қолаверса, мулоқот кўламининг кенгайишига ёрдам беради.

3.2. Мактабгача ёшдаги болалар луғат захирасининг такомиллашувида диалогик нутқнинг аҳамияти

Бола перцептив луғатининг бойиб боришида унинг катталар билан мулоқотга киришиши жараёнидаги савол-жавоблар муҳим аҳамиятга эгадир. Савол-жавоб усули асосида юзага келувчи диалогик нутқ бола онгида нарса-буюм ҳамда воқеа-ҳодисалар ҳақидаги тушунча ва тасаввурларнинг ортиб боришига сабаб бўлади. Чунки нутқнинг ушбу тури билиш жараёнининг янада такомиллашувига бевосита таъсир кўрсатади. Диалогик нутқнинг бола луғат захирасига таъсири нутқий мулоқотнинг ривожланиш босқичида яққол акс этади.

В.В.Колесов томонидан таъкидланишича¹, кишилар нотаниш инсон билан мулоқотга киришишнинг дастлабки босқичида суҳбатдошларини атрофлича ўрганишга ҳаракат қиладилар. Бу биринчи галда мулоқотга киришаётган шахсларга хос умумий хусусиятларни аниқлаш учун зарур. Олимнинг фикрича, умумийлик тил, ҳаётий тажрибалар, миллат, касб, жинс, оилавий аҳвол, қизиқиш кабиларни бирлаштирувчи ижтимоий ҳолатдан кидирилади. Бу ҳолат болалар мулоқотида ўзига хос тарзда акс этади.

Мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари нутқига оид социопсихоллингвистик хусусиятларни тадқиқ этиш асосида қайд этилган маълумотларга кўра, 4 ёшдан 6 ёшгача бўлган болаларнинг турли тоифадаги суҳбатдошлар билан диалоглари тематикаси 60 га яқин турли хил мавзуларни қамраб олади. Бу мавзуларни устуворлик тамойилига кўра уч гуруҳга бирлаштириш мумкин.

¹ Мўминов С. Социопсихоллингвистика: адресант нутқининг композицион таҳлили // Илмий хабарлар. - Тошкент, 1996. - № 2. - Б. 32.

1. Болаларнинг ўйин фаолияти, қизиқишлари ва мактабгача таълим муассасасида юз берадиган воқеалар билан боғлиқ мавзулар.

2. Болаларнинг теварак-атрофдаги буюмлар оламини билишга бўлган интилишларини акс эттирувчи мавзулар.

3. Боланинг кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, атрофидагилар ва ўзининг шахсий ҳаётига бўлган қизиқишларини ифода этувчи мавзулар.

Биринчи гуруҳга кирувчи диалогик суҳбатлар куйидаги тематик блокларга ажратилади: ўйин ва ўйинчоқлар (ўйинчоқларни муҳокама қилиш); болаларнинг қизиқиш ва интилишлари (томоша қилинган кинофильм ва мультфильмлар, уй ҳайвонларини муҳокама қилиш); мактабгача таълим муассасасида содир бўладиган воқеаларни муҳокама қилиш.

Иккинчи гуруҳга оид мавзуларни тўрт тематик блокка таснифлаш мумкин: жонли ва жонсиз табиатга қизиқиш; илмий-техникавий кашфиётларга қизиқиш; ернинг пайдо бўлиши, ундаги ҳаёт ва фазога қизиқиш; тушунарли бўлмаган сўзларнинг маъноларини билишга қизиқиш.

Учинчи гуруҳни шундай тематик блокларга ажратиш мумкин: оилавий мулоқот (сотиб олинган нарсалар ва совғалар, оилавий дам олиш ва байрамларни муҳокама қилиш); ўзини англаш (ўзининг қизиқишлари, орзулари, сирлари ҳақида сўзлашга ҳаракат қилиш, шунингдек, ўзи ҳақида нимадир билиш); атрофдаги кишилар билан ўзаро муносабат (қариндошлари, дўстлари ва танишлари билан); катталарнинг шахсиятига қизиқиш¹.

Мазкур масала юзасидан изланиш олиб борган бир қатор социолингвист ва психоллингвистлар перцептив лугатни ташкил этувчи сўзлар семантикасининг кичик ёшдаги болалар томонидан идрок этилишида диалогик мулоқотнинг нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини эътироф этадилар. Тадқиқотчилар томонидан мактабгача ёшдаги болалар нутқининг лексик-семантик хусусиятларини намоён этувчи интерактив диалогларни куйидаги турларга ажратиш таклиф қилинади.

¹ Чернышова Е.Б. Тематика диалогов дошкольников 4-6 лет.
<http://www.iling.spb.ru/grammatikon/child/contentce.html> - 31.05.2004.

а) «катта одам ва бола» ўртасидаги муносабатни акс эттирувчи диалогик мулоқот;

б) «бола ва бола» ўртасидаги муносабатни ифодаловчи диалогик мулоқот¹.

Интерактив диалогларни бу тарзда таснифлаш ниҳоятда долзарб бўлиб, мазкур ёндашув мактабгача ёшдаги болаларнинг коммуникатив билим даражасини акс эттиради. Она тилини ўзлаштириш даврида саволлар тажриба орттириш, дунёқарашни кенгайтиришнинг асосий усули, шунингдек, боланинг фикр, истак ва интилишларини ифодалаш воситасига айланади. Бу хусусият мактабгача ёш давридаги болаларнинг спонтан нутқида яққол намоён бўлади. Жумладан, Сарварбек Умаров (3 ёшу 5 ой) отасидан сўрайди:

– *Ада, ман котта бўганимда ада бўламан-а?*

– Ҳа!

– *Ўшанда сиз мани ўғлим бўласми?*

– Сен ада бўлганимда мен дода бўламан.

Биз юқоридаги сингари коммуникатив вазиятларнинг юзага келиш сабабини бола руҳиятининг ривожланиш босқичлари билан боғлиқ ҳолда изоҳлаймиз. Чунки мазкур ёш давридаги болаларда мантикий фикрлаш қобилияти тўлиқ шаклланмаган бўлади. Шу туфайли борликдаги ҳодисалар улар томонидан ўзига хос соддалик билан идрок этилади. Азиза Гуломова (4 ёшу 7 ой) билан ўтказилган касблар ҳақидаги суҳбат жараёни бунга яққол мисол бўла олади:

– Келажакда ким бўлмоқчисан?

– *Принцесса.*

– Профессорлар қандай бўлади?

– *Доктор бўлади.*

– Улар нима иш қилишади?

– *Доволийди одамлани, укол қилишади, капельница қилишади.*

Шу вазиятда Эркин Исломов (5 ёшу 11 ой) ҳам суҳбатга қўшилиб, ўз фикрини билдиришга ҳаракат қилди:

– *Профессрла хўжайин бўлади-ку!*

¹ Корнев А.Н., Люблинская В.В., Столярова Э.И. Сравнительный анализ экспериментальных процедур организации интерактивного диалога между детьми. <http://www.iiling.spb.ru/grammatikon/child/conference.html> - 31.05.2004.

Бу ҳолатда суҳбат иштирокчиларининг ўз фикрида қатъий туриб олганлиги шундан далолат берадики, Азиза Эркинга нисбатан ёш жиҳатдан кичик бўлишига қарамай, «профессор» ва «доктор» сўзлари ўртасида семантик алоқадорлик мавжудлигини тушунган. Аммо кундалик мулоқот вазиятида «доктор» сўзи катталар томонидан асосан тиббиёт фани бўйича мутахассисларга нисбатан қўлланганлиги учун бола мазкур лексик бирликнинг маъносини айнан шу нуқтаи назардан талкин қилган. Эркин эса «доктор» ва «профессор» тушунчаларини юқори «даража» ва «унвон» тушунчаларига асосланган ҳолда юқори лавозимни ифодаловчи сема, яъни «рахбар» маъносида қабул қилган. Кузатувлар мобайнида тўпланган юқоридаги каби бир қатор мисоллар бола учун ички туйғулари билан ўртоқлашиш ва фикрлаш маҳоратини намоён этишда савол-жавоб усулининг нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини тасдиқлайди.

Маълумки, мактабгача ёш даврида боланинг асосий фаолияти ўйин ҳисобланади. Шу сабабли у мулоқот жараёнидаги савол-жавоблардан ўйин сифатида фойдаланиши ҳам мумкин. Биз болалар нутқига хос бундай хусусиятларни тадқиқ этиш мақсадида Малика Абдуҳалилова (4 ёшу 8 ой) га қуйидаги савол билан мувожаат қилдик:

- Нима учун бугун боғчага бормадинг?
- *Ўшанга. Сиз ўқишга бордизми?*
- Йўқ.
- *Нимага?*
- *Ўшанга.*

Ушбу ҳолат бола учун қизиқарли бўлиб туюлганлиги боис, у кулиб юборди. Орадан олти кун ўтганидан сўнг Малика билан яна суҳбатлашдик. У мулоқот жараёнида берилган барча саволларга *Ўшанга*, – деб жавоб берди.

Ўзбек болалар нутқи устида олиб борилган кузатув натижаларига таяниб шуни ҳам таъкидлаш жоизки, айрим ҳолларда «ўшанга» сўзи боланинг руҳиятидаги салбий ўзгаришлар ёки «нима учун?» деган саволга аниқ жавоб топа олмаганлиги туфайли вазиятдан чиқишни енгиллаштириш воситаси сифатида хизмат қилади. Аслида бола жавоб беришнинг бу усулини катталар нутқидан ўзлаштиради.

Баъзан болада катталар томонидан берилган саволга жавоб мавжуд бўлса ҳам, фикрни ифодалаш жараёни мураккаб кечади. Бундай ҳолат бола сўз захирасида у ёки бу тушунчага мос лексик воситанинг мавжуд эмаслиги натижасида юз беради: Ҳожимурод Эркинов (1 ёшу 8 ой)га музлаткични кўрсатиб, бу нима деб сўралганида, у *Муни* (Мунира) деб опасининг исмини айтади. Кўринадики, бола билан суҳбат жараёнида бериладиган саволлар унинг ёш жиҳати, индивидуал-психологик хусусиятлари ва айтилиши вазиётидаги руҳий ҳолатини ҳисобга олган ҳолда тузилиши зарур. Чунки бола мактабгача ёш даврида сигнификатив функцияни бажарувчи луғавий бирликларнинг маъно қирраларини етарли даражада англамайди. Ҳожимурод Эркинов (3 ёшу 5 ой)ни онаси эркалаб шундай дейди:

– Ёмон шоколадсан-а!

– *Йўқ, яхши шкалатман.*

Бу ёш даврида бола муайян нарса-буюм номини ифодаловчи лексеманинг катталар нутқида бошқа бир мавҳум тушунчани ифодалаш мақсадида ишлатилганлигини ҳам тўлиқ идрок эта олмайди. Кичик ёшдаги болаларнинг ситуатив мулоқотида бу тарзда юзага келувчи нутқий ҳодисалар улар луғат захирасининг перцептив хусусиятига боғлиқ бўлади: Мунираҳон Эркинова (2 ёш)га «Инсон!», – деб мурожаат қилинганда, у *Ман инсонмасман*, деб йиғлаб юборса, Салоҳиддин Асқаров (3 ёшу 8 ой)ни бувиси «Доно болам!» – деб мактаганда, у: *Йў, ман Салоҳиддинман*, – деб жавоб беради.

Амалий изланишлар давомида бола томонидан билдирилган фикр мазмуни унинг нутқида имплицит ҳолатда акс этиши ҳам кузатилди. Бунга Малика Абдуҳалилова (4 ёшу 9 ой) билан бўлган куйидаги диалогик суҳбатни мисол қилиб келтириш мумкин:

– Катта бўлганингда ким бўлмоқчисан?

– *Қиз бўламан.*

– Ҳозир ўғил боламисан?

– *Бошим кал бўганда ўртоқларим устимдан қулишади-ю!*

Боланинг нутқий мулоқотида кузатилган ушбу ҳодисани прагматик аспектда таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Маликанинг бошида сочи йўқ бўлганлиги учун (соци олдирилган) ўртоқлари уни «ўғил бола» деб масхара қилишади.

Бу ўринда боланинг *Қиз бўламан* тарзида берган жавоби орқали «катта бўлсам, сочим ўсади» деган мазмун англашилади. Ўзбек болаларнинг вербал мулоқотида кузатиладиган юқоридаги сингари нутқий ифодаларни лингвистик прессуп-позиция ходисасининг муайян тури сифатида эътироф этиш мумкин.

Шундай ҳолатлар ҳам кузатиладики, бола шахслараро муомала-муносабатда кенг қўлланадиган мавҳум тушунча ифодаловчи сўзларнинг маъноларини тўлиқ англамаган ҳолда қабул қилиб, коммуникация жараёнида улардан ижодий фойдаланади. Хилолаҳон Эркинова (5 ёш)га қуйидагича мурожаат қилинди:

– Ойижонингга каттакон раҳмат деб қўй!

– *Сизга ям каттакон арзимийди.*

Кўринадикки, бола Тошкент шаҳар шеваси вакиллариининг коммуникатив фаолиятида «арзимийди» тарзидаги луғавий бирликнинг ташаккур билдириш мақсадида қўлланадиган «раҳмат!» сўзига камтарона жавоб сифатида ишлатилишини эшитиш сезгиси орқали ўзлаштириб олган. Аммо у ўзбек мулоқот хулқига хос хусусиятни ақс эттирувчи мазкур лексик бирлик маъносини аниқ тушунмаганлиги сабабли ўзига хос нутқий вазиятни юзага келтирган.

Болалар билан мулоқот жараёнида ўзбек тилидаги лексик валентлик назарияси¹ талабларига мос келмайдиган юқоридаги каби нутқий қурилмалар кўп учрайди. Сарварбек Умаров (3 ёш 6 ой)га унинг билим олишга бўлган иштиёқини алоҳида эътиборга олган ҳолда шундай савол берилди:

– Қачон мактабга борасан?

– *Бозчам томом бўса, мактабга бораман.*

– Мактабда неча баҳо оласан?

– *Тўр, беш, саккиз, ўн, тўққиз.*

– Катта бўлганингда қандай машина сотиб оласан?

– *Мани мошинам бор, уйда.*

Шу вазиятда у ўйинчоқ машинасини уйдан олиб чиқди.

– Машинанг жуда зўр экан-а? Ким олиб берди?

– *Йў, ўзи бориди, хиш ким обермади.*

¹ Қаранг: Мухамедова С. Ўзбек тилида ҳаракат феълларининг семантикаси ва валентлиги. - Тошкент: Фан, 2005. - 125 б; Миртожиев М. Ўзбек тилидаги феъл валентликлари. - Тошкент: Университет, 2007. - 64 б.

Мазкур ҳолат болалар томонидан мавҳум маъно касб этувчи тушунчаларнинг даражасини акс эттиришга хизмат қиладиган сон сўз туркумига хос лексик бирликлар семантикасининг ўзлаштирилиши жараёнида ҳам юз беради. Бу хусусият асосан 4 ёшдан 6 ёшгача бўлган болаларнинг нутқий мулоқотида ўз ифодасини топади. Ҳилолаҳон Эркинова (5 ёшу 6 ой) нутқида шундай ҳолат кузатилди:

– *Ман олти ёш бўсам, майтанга чиқман.*

– Мактабда неча баҳо оласан?

– *Беи, олти.*

– Олти баҳо бўлмаса-чи?

– *Етти.*

Катталар билан суҳбат жараёнида савол бола учун ўзи билган сўзларнинг лексик маъноларига аниқлик киритиш воситаси ва янги маъноларни кашф қилиш усули сифатида хизмат қилади. Ҳожимурод Эркинов (4 ёшу 8 ой) опасига савол беради:

– *Пашиахона паишмалани уйими?*

Бундай ҳолатларда катталар учун одатий бўлиб қолган савол-жавоб жараёнида ишлатиладиган айрим сўзлар боланинг тафаккурида янги маъно касб этиб, улардан жавобни тўғри ва аниқ ифодалаш устида жиддий ўйлашни талаб қилади. Чунки бола бу даврда катталар нутқий мулоқотида қўлланадиган коннотатив семага эга бўлган луғавий бирликларни нутқий меъёр сифатида қабул қилиш салоҳиятига эга бўлмайди. Бунга болалар учун мўлжалланган телекўрсатув муаллифининг куйидаги фикрига Салоҳиддин Асқаров (4 ёшу 5 ой) томонидан билдирилган муносабат яққол мисол бўла олади:

– Азиз болажонлар! Энди ҳаммамиз биргаликда мириқиб мультфильм томоша қиламиз.

– *Мириқибмас, маза қилиб дейиш кере!*

Аксарият ҳолларда болалар нутқида хос бу хусусият бадий асар матнидан фойдаланиш жараёнида ҳам намоён бўлади: Ҳилолаҳон Эркинова (5 ёшу 7 ой) лайлакқор ҳақидаги «Уйга кирди тентак қор» мисраси билан тугалланадиган кўшикни ёд олиш жараёнида матндаги сўнгги мисрани қайта такрорламаслигини айтади. Биз бунинг сабабини аниқлаш мақсадида болани мулоқотга жалб этдик:

– Нима учун охириги мисрани айтишни хоҳламайсан?

– *Қор тентак бўмийди-ю!» Тентак Мелисио» дийди-ю!*

– «Тентак» деганда нимани тушунасан?

– *Тентак – жинни дигани.*

Бу ҳолатда боланинг тасаввурида «Эсмеральда» телесериали қахрамонлари нутқи билан боғлиқ ассоциация пайдо бўлган. Болалар нутқида сўз маъносини тўлиқ тушунмаган ҳолда қўллаш натижасида юзага келувчи юқоридаги каби лексик муаммолар кўп кузатилади. Чунки бола катталар учун мўлжалланган телесериал қахрамонларининг нутқини эшитиш орқали лисоний ахлоқ меъёрларига мувофиқ келмайдиган мавхум лексемаларни хотирада сақлаб қолади ва коммуникация жараёнида улардан фойдаланади.

Бундан англашиладики, мактабгача ёшдаги боладан мавхум маънодаги луғавий бирликларнинг изоҳи сўралганда, у берилган саволга асосан сезгилар ёрдамида идрок этилган тушунчаларга таянган ҳолда жавоб қайтаришга ҳаракат қилади. Биз Ҳилолахон Эркинова (6 ёш) билан телекўрсатувлар ҳақида суҳбатлашиш жараёнида шундай ҳолатга дуч келдик:

– «Реклама» деганда нимани тушунасан?

– *Реклама – кинола бўвотганида ўртасидан узиб қўядиган нарсала-де!*

Аксарият ҳолларда бола катталар нутқида кенг маънода қўлланадиган сўзларни тор доирада тушунади ва уларнинг маъноларини ўз тушунчалари доирасида талқин қилади. Салоҳиддин Асқаров (4 ёшу 2 ой) укасида илтимос қилади:

– *Ўйинчолани синдирмасдан ўйнагин!*

– *Синдирсам нима бўлади?*

– *Ёмон бўлади, чато бўлади.*

Биз ушбу нутқий вазиятда бола томонидан «чатоқ» сўзининг маъноси қай тарзда изохланиши билан қизиқиб, унга қуйидаги саволни бердик:

– «Чатоқ» деганда нимани тушунасан?

– *Чатоқ – синган дигани.*

Болалар томонидан сўзларнинг тор маънода идрок этилиши улар билан мулоқот жараёнида ўзига хос нутқий вазиятларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Мираъло Султонов (10 ёш)га оид тили фани бўйича билим даражасини белгилаш мақсадида шундай вазифа берилди:

– «Мен тоққа чикдим» гапидаги эгани аниқлагин-чи!

Шу вазиятда Ҳилолахон Эркинова (5 ёшу 4 ой) зудлик билан суҳбатга кўшилиб:

– *Гаппи эгаси Мираъло акам*, – деб жавоб берди.

Демак, она тилидаги нутқни ўзлаштириш ва ундан фойдаланиш жараёнида бола томонидан бир нутқий вазиятда муайян маънода қўлланган сўз бошқа бир нутқий вазиятда ҳам айнан шу маънони ифодалашга хизмат қилади. Иродахон Эркинова (8 ёш) синглиси Ҳилолахон Эркинова (6 ёшу 7 ой)га қараб, шундай дейди:

– *Мани бошим ҳеч қачон ёрилмаган.*

– *Бошиз мустаҳкамкан.*

Бу ўринда бола томонидан истифода этилган мустаҳкам сўзи «қаттиқ» маъносини ифодалашга хизмат қилган. Болада сўзнинг маъноларини чуқур англаб етиш имконияти мавжуд бўлмаса-да, у кундалик мулоқот жараёнида мазкур лексеманинг «қаттиқ» тушунчасини ифодалаш ҳақида амалий кўникма ҳосил қилган.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, болалар тафаккурининг кенгайиб бориши кўп жиҳатдан уларнинг перцептив қобилияти билан бевосита боғлиқ. Болалар томонидан катталар нутқининг тушунилиш даражасини белгиловчи асосий омиллардан бири уларнинг ёш хусусиятидир. Бунинг сабаби шундаки, бола 4 ёшдан 6 ёшгача бўлган даврида катталар нутқиға оид сўзларнинг маъноларини тушунишда қийинчиликларга дуч келса, вазиятдан чиқишнинг қулай йўлларини ўйлаб топишга ҳаракат қилади. Натижада боланинг катталарга берган жавоблари тил ва тафаккур қонуниятларига номувофиқ тарзда ифодаланади. Ака-ука Сардор (7 ёш) ва Санжар (4 ёшу 9 ой) Серкабоевларнинг юз тузилиши ҳамда характер-хусусиятларини ўзаро қиёслаган ҳолда уларга куйидагича савол берилди:

– Сардор! Нима учун Санжар сенга ўхшамайди? Сардор саволга жавоб бера олмай, ўйланиб қолди.

– Санжар! Сен нега Сардорга ўхшамайсан?

– *Ман кичкинаман.*

Бу ёш давридаги болада мантиқий тафаккур тўлик шаклланмаган бўлса ҳам, у нарса-буюм ва воқеа-ҳодисаларнинг моҳияти, ички хусусиятлари, юзага келиш сабабларини билишга

интилади. Санжар Серкабоев (5 ёшу 5 ой) онасига шундай савол беради:

– Сизир сут ичгани учун бизага сут берадимиз?¹

Демак, бунда бола ўзи учун мавҳум бўлган ҳолатга оидинлик киритиш мақсадида бир ҳодисанинг моҳиятини тушунишда уни бошқа ҳодиса билан боғлаб тасаввур қилган ҳолда фикр юритмоқчи бўлган. Мактабгача ёшдаги болаларга хос бундай интеллектуал қизиқиш уларда тафаккур ва нутқнинг жадал ривожланишига ёрдам беради. Шу жиҳатдан саволлар билан боғлиқ фаолият бола учун зарур ва мажбурий жараён бўлиб, у гўдакнинг руҳий ҳолати ва унинг муваффақиятли тил тараққиёти кўрсаткичидир.

3.3. Ўқувчилар коммуникатив фаолиятида мавҳум лексемаларнинг ифодаланиши

Ўқувчилар нутқида мавҳум лексемаларнинг ифодаланиши билан боғлиқ масалаларни ўрганиш ҳозирги замон коммуникатив тилшунослигининг долзарб муаммоларидан биридир. Коммуникатив фаолият у ёки бу лингвомаданият, жамоа, бир тилда сўзлашувчи гуруҳ ёки алоҳида индивид нутқида хос мулоқот жараёнида амал қилинаётган қоидалар ва анъаналар йиғиндиси ҳисобланади. Бошланғич синф ўқувчиларининг коммуникатив фаолиятини ўрганиш диалогик мулоқот моделини қуриш ва болалар нутқида оид коммуникатив фаолият методикасини баён қилишда катта аҳамият касб этади. Шу билан бирга, ишлаб чиқилган моделлар асосида ўқувчиларнинг коммуникатив фаолиятини тизимли равишда баён этиш имконини беради. Мазкур тушунчани талқин қилиш натижасида бола коммуникатив онги ривожланишининг ёш хусусияти билан боғлиқ динамикаси аниқланади.

Н.А.Лемяскиннинг бу борадаги тадқиқоти²да коммуникатив онг инсон коммуникатив фаолиятини ташкил этувчи унсурлар мажмуини таъминлашга хизмат қиладиган коммуникатив билим

¹ Тадқиқотнинг 3.2. бўлимида таҳлил қилинган материаллар Тошкент шаҳридаги 118-367-464-547-сон мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари нутқи устида олиб борилган беэсита кузатувларга кўра қайд этилган.

² Лемяскина Н.А. Об изучения динамики развития коммуникативного сознания младшего школьника. <http://www.iling.spb.ru/grammatikon/child/content.html> - 31.05.2004.

ва механизмлар йиғиндиси сифатида талқин қилинади. Коммуникатив онгнинг категориал тузилмаси унинг ўзига хос жиҳатларини акс эттиради. Ҳар бир коммуникатив категория мулоқот жараёнини амалга ошириш бўйича прескрипция, яъни кўрсатма ҳақидаги муайян концептуал билимларни ўзида мужассамлаштиради. Коммуникатив категорияни ташкил этувчи ахборот ва прескрипцион таркиб бир-бирини тўлдиради.

Демак, бошланғич синф ўқувчиларининг коммуникатив онгини тадқиқ этишда, энг аввало, алоҳида олинган концептлар мазмунини аниқлаш зарур. Чунки улар мулоқотга киришувчи шахс нутқининг лексик-семантик хусусиятларини ёритишга асос бўлади.

Коммуникатив фаолиятнинг ривожланиш босқичида савол-жавоб усули, энг аввало, бола сўз захирасининг янги луғавий бирликлар билан бойиб боришини таъминлашга хизмат қилади.

Бошланғич синф ўқувчиларининг коммуникатив фаолиятида яққол кўзга ташланадиган лексик-семантик хусусиятлардан бири шуки, улар нутқида 14 ёшдан 16 ёшгача бўлган юқори синф ўқувчилари томонидан стандарт тил меъёрларини бузиб, сўзни кўчма маънода қўллаган ҳолда нарса ва ҳодисаларни акс эттириш учун кундалик ҳаётда ишлатиладиган социолект элементлари кўп учрайди. Болалар нутқида ифодаланган *ухлатмоқ* (ўғриламоқ, алдамоқ, бузмоқ), *ўрамоқ* (бошини айлантирмоқ), *кучайиб қолган* (ўзини бошқаларга нисбатан юқори даражада ҳис этган ҳолда мақтанадиган, янги, юқори сифатли, қимматбаҳо нарса-буюм, даража, унвон ёки лавозимга эга бўлган), *сурайё!* (қоч, кет!), *ёқибди!* (ёқмай қолсин!), *парот бўлмоқ* (уялмоқ), *парот қилмоқ* (уялтирмоқ), *духи етмоқ* (журъат қилмоқ), *вип* (бемалол, текин) каби сўзлар шулар жумласидандир. Ўқувчилар мулоқотида кузатиладиган бундай луғавий воситаларнинг баъзиларини ўзбек болалар нутқига хос дисфемизм (кишиларни ўз номи билан атамай, ҳақоратлаш ва камситиш мақсадида табиатдаги салбий характерда деб билинган жонивор ёки нарса номи билан аташ)¹ сифатида талқин қилиш мақсадга мувофиқдир. Бунга *том* ёки *томи кетган* (миyasi ишламайдиган), *лаган* (лаган-товоққа солмоқ) сингари нутқий

¹ Қаранг: Миртожиев М.М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. - Тошкент: Университет, 2004. - Б. 160.

бирликларни мисол қилиб келтириш мумкин. Бироқ бошланғич синф ўқувчилари мазкур сўзларнинг маъноларини юқори синф ўқувчиларига нисбатан тор доирада тушунадилар. Айниқса, бу ҳолат ўзбек тили луғат таркибига кирмайдиган, аммо хорижий тиллардан ўзлашиб, ўсмирлар сўзлашув нутқида кенг қўлланадиган лексик бирликлар семантикасининг 6 ёшдан 11 ёшгача бўлган болалар томонидан талқин қилиниши жараёнида аниқ кўзга ташланади. Масалан, ўзбек миллатига мансуб бошланғич синф ўқувчилари нутқида фаол қўлланадиган инглиз тилига оид *yes* сўзи хурсандлик кайфиятини ифодалайди. Инглиз тилини билмайдиган кичик ёшдаги болалардан ушбу лексеманинг қандай коммуникатив вазиятларда ишлатилиши ҳақида сўралганда, улар сўзнинг маъносини аниқ тушунтириб бера олмайдилар.

Кўп ҳолларда бошланғич синф ўқувчилари ҳам кундалик мулоқот жараёнида ўсмирлар сингари геминация ҳодисаси асосида юзага келган *жоввоп* (фикрни қатъий ишонч билан айтмоқ), *каришлама!* (кўп мақтаниб гапирма!), *хаппа* (яроқсиз ҳолатга келган), «куённинг расмини чизмоқ» тарзида ифодаланувчи иборага муқобил бўлган *қуйён* (қочиб кетмоқ), *додда* (зўр) каби сўзлардан кенг фойдаланадилар¹. Мазкур лексик бирликлар юқори синф ўқувчилари томонидан сўзнинг маъноси ёки фикрнинг мазмунини кучайтириш мақсадида фонетик ўзгаришга учраган ҳолда талаффуз қилинади. Бироқ бошланғич синф ўқувчилари учун товуш ўзгаришининг сўз маъносига таъсири аҳамиятсиз бўлиб, уларнинг нутқида бундай лексик воситалар асосан ёш жиҳатдан каттароқ болаларга тақлид қилиш мақсадида ишлатилади.

Тадқиқотларда боланинг фикрлаш хусусияти унинг ёш ва тараққиёт даражасини ҳисобга олган ҳолда тўрт босқичга ажратилади:

1. 1-3 ёшли бола сенсо-мотор характерда фикрлайди.
2. 4-7 ёшдаги бола оператив кўرғазмали характерда фикрлайди.

¹Тадқиқотнинг 3.3 бўлимида социолект элементи сифатида талқин қилинган материаллар Тошкент шаҳрида яшовчи Муҳаммад Ганиев, Одилжон Тўлаганов, Нодир Усмонов, Абдуллох Тожиевлар нутқи устида олиб борилган бевосита кузатувларга кўра қайд этилган.

3. 8-11 ёшдаги бола аниқ операцияларни бажаришга мойил бўлиб, конкрет фикрлайди.

4. 12-16 ёшли бола абстракт характердаги формал ҳукмлар чиқаришга мойил бўлиб, ўз фаразларини баён қилишга интилади¹.

Юқори синф ўқувчиларининг лисоний онгида мавжуд лексема маъноларини тадқиқ этиш бугунги кунда болалар тафаккур тарзига хос ўзгаришлар таъсирида улар нутқининг интенсив равишда ривожланиб бораётганлигини аниқлашга имкон беради. Чунки ўсмирлар нутқий фаолиятида ўзбек тилининг изоҳли луғатида қайд этилмаган кўплаб янги маънолар ҳам ўз аксини топади. Ўсмирлар нутқига хос бу хусусият ўн икки нафар ўқувчи ўртасида ўтказилган синов жараёнида яққол намоён бўлди. Тажрибада Тошкент шаҳридаги 119-131-146-сон умумий ўрта таълим мактабларининг 6-9-синф ўқувчилари иштирок этди. Унда сўзни изоҳлаш усули²дан фойдаланилди. Мавҳум лексемаларнинг маъноларини оғзаки нутқ орқали адабий тил меъёрларига мувофиқ ҳолда ифодалашга йўналтирилган ушбу синов жараёнида саккиз нафар ўқувчи фаоллик кўрсатди. Жумладан, Мунираҳон Эркинова (14 ёш) томонидан *туш* сўзининг маъноси *уйқудаги кино* тарзида изоҳланди. Биз мазкур нутқий ифодани таҳлил қилишда *туш* тушунчасига берилган таърифнинг бола тафаккури билан боғлиқ қандай психик жараёнлар таъсирида юзага келганлигини аниқлаш учун ундан сўзнинг маъносини мисоллар орқали тушунтиришини сўрадик. Бола билан суҳбат жараёнида аниқланишича, у юқоридаги тушунчани таърифлашда тушдаги воқелик кинодаги каби ҳар доим ҳам ҳақиқатга тўғри келавермаслигига асосланган. Бу ҳолат, бир томондан, мактаб ўқувчисида лисоний қобилиятнинг шаклланиш динамикасини ифодаласа, иккинчи томондан, ўзбек тили лексик-семантик тизимининг жадал ривожланиб бораётганлигидан далолат беради.

Айрим тадқиқотларда қайд этилишича³, рус миллатига мансуб юқори синф ўқувчилари томонидан мавҳум тушунчани

¹ Юлдашева Д. Бола нутқида зоонимларнинг этнопсихоллингвистик хусусиятлари // Халқ таълими. - Тошкент, 2004. - № 5. - Б. 73.

² Азимова И.А. Ўзбек тилидаги газета матнлари мазмуний перцепциясининг психоллингвистик тадқиқи: Филол. фанлари номзоди ... дисс. - Тошкент, 2008. - Б. 7.

³ Гришук Е.И. Особенности семантики абстрактных лексем в языковом сознании старшего школьника. <http://www.ifling.spb.ru/grammatikon/child/contence.html> - 31.05.2004.

англатувчи лексик бирликлар доимий равишда муқобил шаклда қабул қилинмайди. Шунга кўра, ўсмирлар нутқига оид мавҳум сўзларнинг маънолари икки турга, яъни тизимли ва тизимсиз семаларга ажратилади. Уларда тизимли маънолар луғатларда акс этиши, тизимсиз маънолар эса бундай хусусиятга эга бўлмаслиги алоҳида таъкидланади.

Ўзбек болаларнинг перцептив луғатига оид мавҳум лексемаларни талқин қилишда ҳам масалага шу нуқтаи назардан ёндашиш мақсадга мувофиқдир. Чунки тажриба давомида тўпланган бир қатор далиллар бу хусусда илгари сурилган назарияни амалиёт орқали исботлашга асос бўлади:

1. Тизимли маънолар. Бундай лексемаларнинг маънолари ўзбек тилининг изоҳли луғати¹да ўз ифодасини топган. Бунга болалар нутқида ифодаланган куйидаги мавҳум лексемалар ва уларнинг маъноларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин: Нодирахон Султонова (15 ёш) *армон* лексемасининг маъносини *Эриша олмайдиган, амалга ошмайдиган орзу* тарзида талқин қилади. Абдубосит Абдурахмонов (12 ёш) эса *бахт* сўзини *ўз мақсадига эришиш* деб тушунтиради.

2. Тизимсиз маънолар. Бундай мавҳум сўзларнинг маънолари луғатларда қайд этилмаган. Бунга Мираъло Султонов (13 ёш) томонидан ифодаланган куйидаги сўз ва унинг маъноси мисол бўла олади: *Дўстлик –икки ёки ундан ортиқ инсоннинг бир-бирига бўлган ишончи*. Мансур Тойиров (14 ёш) эса *садоқат* тушунчасини *Инсонлар ўртасидаги ишонч, ўзаро ҳурмат* тарзида изоҳлайди.

Тажриба натижаларига кўра, 11-12 ёшли болаларнинг лисоний онгида мавҳум сўзларга хос бир қатор тизимли маънолар мавжуд эмаслиги англашилди: Мадина Абдурахмонова (11 ёш) нутқида *хаёл* лексемасининг маъноси *Орзу ва режалар пойдевори*, Анвар Эргашев (12 ёш) нутқида *вақт* сўзининг маъноси *Қувиб ҳам, тўхтатиб ҳам бўлмайдиган ҳаракат* тарзида акс этади. Бу хусусият, айниқса, юқори синф ўқувчиларининг тенгдошлари билан мулоқотга киришиши жараёнида кўп кузатилади. Чунки мазкур ёшдаги болалар учун сўзнинг бир қатор маъно қирралари катта аҳамиятга эга

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдли. - Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006-2008. - 592 б.

бўлмайди. Бунга мавҳум лексемага хос бўлган баъзи маъноларнинг тил тизимида долзарб эмаслиги ҳам катта таъсир этади.

Мавҳум лексемаларда акс этган айрим маъноларнинг ўқувчилар лисоний онгида мавжуд бўлмаслиги куйидаги омилларга боғлиқ: синалувчиларда ҳаётий тажрибанинг етарли эмаслиги туфайли улар ўзига таниш бўлган полисемантик сўзнинг баъзи маъноларини билмаслиги мумкин. Бу хусусият бола лисоний малакасининг шаклланганлик даражаси билан ҳам бевосита боғлиқ. Бундан ташқари, тажриба ўтказилаётган вақтда мавҳум лексема таркибидаги у ёки бу маъно боланинг онгида акс этмаслиги мумкин.

Бола томонидан мавҳум тушунчаларнинг ифодаланиши унинг ёш жиҳати билан бирга, гендер (жинс) хусусияти ҳам муҳим роль ўйнайди: ўғил болалар нутқида *Мардлик, обрў, омад, тинчлик, дўстлик, адолат* сингари мавҳум сўзлар акс этган бўлиб, уларнинг аксарият қисми йигитларга хос туйғулар ва фазилатларни ифодалайди. Бироқ оғзаки савол-жавоб жараёнида айрим ўғил болалар юқоридаги лексик бирликларга изоҳ беришда қийинчиликларга дуч келишди: Шоазиз Шомахмудов (11 ёш) «тинчлик» сўзининг маъносини тушунтиришда куйидаги вазиятни юзага келтирди: *Тинчлик – осойишталик*. Бунда бола лексеманинг қандай маъно касб этишини тушунса ҳам, нутқ орқали ифодалай олмаганлиги туфайли саволга жавоб бериш мақсадида унга синоним бўлган сўздан фойдаланишга ҳаракат қилган.

